*РАҲМАТУЛЛОҲ РАСУЛЖОН ЎҒЛИ*

# جناح الطالب

***ЖАНОҲ УТ_ТОЛИБ***

**( АРАБ ТИЛИ САРФ ФАНИДАН ДАРСЛИК )**

بسم الله الرحمن الرحيم

*Муаллифдан*

*Ҳурматли ўқувчим! Илм чўққиларига парвоз этишинг учун толмас қанот бўлсин деган тилак билан бу дарсликка "Жаноҳ ут-толиб" (Толибнинг қаноти) деб ном қўйдим? Арабча ёки форсча ёзилган "Муъзий"– "Занжоний"– "Шофия"– "Мароҳ ул-арвоҳ"– "Тафсили акмалий" ва "Бидон" каби қийин дарсликларни аввал иборатини тўғри ўқиш ва таркибини аниқлаш меҳнати ва кейин таржима қилиш машаққатидан сени озод қилдим? Лекин– бу деган сўз шу дарсликни бир кўриб чиқсанг ўзи кифоя деган маънода эмас? Ҳали сенинг олдингда икки зўр довон _ ҳар бир таъриф ва қоидаларни тушуниб– зеҳнингда тўла тасаввур ҳосил қилиш– ёдда сақлаш ва ниҳоят ўз ўрнида татбиқ эта билиш оғирлиги турибди? Оллоҳ сенга ғайрат ва сабот берсин!*

(Муаллимларга тавсия)

Ушбу сарф фанида ёзилган мўъжаз дарслик ўз ичига олган ўттиз дарснинг аксари уч қисмдан иборат бўлиб– биринчи асосий қисми сарф фанига янги қадам қўйган мубтадийларга мўлжалланган? Араб тили бошланғич дарсликларидан "Мабдаъул қироат" китоби 2-жузъининг ярмига қадар ушбу "Жаноҳ ут-толиб" дарслигининг асосий қисми қўшиб ўқитилади– қолган ярмига эса наҳв фанидан "Нажоҳ ут-толиб" дарслигининг асосий қисми қўшилади? "Жаноҳ ут-толиб" дарсларининг иккинчи қисми _ қўшимча дарслар "Мабдаъул қироат" 3-жузъи ярмигача ва қолган ярмига "Нажоҳ ут-толиб"нинг қўшимча дарслари қўшиб ўқитилиши керак?

Дарсликда мустақил ўқиш учун берилган ортиқча маълумот ва жадваллар кўпроқ билим олишга интилган қизиқувчан толиблар учун мўлжалланган?

Ўқувчининг ҳолига қараб баъзи бир узун дарсларни бир нечага бўлиб ўқитиш ҳам мумкин?

Бу дарслик бошқа арабча ва форсча дарсликлар каби ўқувчи иборат ўқиб– муаллим маъно айтиб тушунтириш усулида ўқитилмайди? Балки– китоб очмасдан муаллим болаларни ўз оғзига қаратиб олиб– яхшилаб тушунтириши ва мисолларни қора тахтага ёзиб кўрсатиши лозим? Уйга вазифа қилиб бериладиган машқлардан бир неча мисоллар ишлаб кўрсатиб беради? Ҳар бир ўқувчидан ўтган дарсни қаттиқ сўраб олиши ва ёдлаш билан бирга тушунишига ҳам аҳаммият бериши зарур?

Бу майдонда биринчи тажриба бўлгани учун дарсликда камчиликлар бўлиши табиий? Муаллим афандиларнинг лутфан фойдали маслаҳатларига умидвормиз? Валлоҳул муваффиқ?

## *1 _ ДАРС* الـــدرس الأول

## *КАЛИМА ВА ВАЗН*

Араб тили сарф фанида ўзидан бирор маънони англатган сўз ***калима*** дейилади? Калима ҳарфлар бирикмасидан иборат? У бир ҳарфлидан тортиб етти ҳарфлигача бўлиши мумкин:

اسْتِعْمالٌ اجْتِهادٌ مَحْمودٌ كتابٌ قَلَمٌ مَنْ بِ каби?

Араб тилида ҳам ўзбек тилидаги каби кўп калималар сўзнинг туп_ўзак ҳарфларига четдан қўшимча ҳарфлар қўшиш орқали ясалади? Масалан: "иш" сўзига "чи"– "хона" ва "лар" қўшимчаларини қўшиш йўли билан ишчи– ишхона ва ишлар каби бошқа-бошқа маънолардаги бир неча сўзларни ясаймиз?

Шунга ўхшаш арабчада ҳам масалан: عَمَلٌ калимасига ا.. ёки ..مـَــ ёки ا... أ ҳарфларини қўшиб عَامِلٌ – مَعْمَلٌ – أَعْمَالٌ сўзларини ясай оламиз?

Ўзакка четдан қўшилган ҳарфлар ***сўз ясовчи қўшимчалар*** дейилади? Сўз ясовчи қўшимчалар калиманинг олдига– охирига ва ўртасига қўшилиши мумкин? Шу билан бирга ўзакдаги ҳаракат ва сукунлар ҳам ўзгаради? Ўзакнинг ҳаракатларининг ўзгариши ва ораларига бошқа ҳарфлар кириб қолиши натижасида сўзнинг ўзаги қайси– қўшимча ҳарфлари қайси эканлигини ажратиб олиш қийинлашади? Калиманинг ўзагини аниқламасдан туриб маъносини топиб бўлмайди? Масалан: مَدرَسة калимасининг ўзаги دَرْس сўзидан иборатлигини билиб олганимиздан кейингина مدرسة _ дарс ўқитиладиган жой маъносидалигини тушуна оламиз?

Ўзакни қўшимча ҳарфлар орасидан ажратиб олишни осонлаштириш учун махсус ўлчов _ ***вазн*** қабул қилинган?

## *ВАЗН*

Вазнда ўзак ҳарфлар ف ع ل (*фо– айн– лом*) билан ифодаланади? Калиманинг ҳаракат ва сукунлари вазнда ўзгаришсиз айнан кўрсатилади? Масалан: عَمَلٌ калимасининг биринчи ҳарфини ف иккинчисини ع ва учинчисини ل билан белгилаб– ҳаракатларини худди ўзини кўчирсак فَعَــلٌ вазнида эканлиги маълум бўлади?

وَرَقٌ _ فَعَلٌ دَرْسٌ _ فَعْلٌ حِبْرٌ _ فِعْلٌ خُبْزٌ _ فُعْلٌ اُذُنٌ _ فُعُلٌ عِنَبٌ _ فِعَلٌ

Ўзакка четдан қўшилган сўз ясовчи қўшимча ҳарфлар вазнда айнан ўзи кўрсатилади? Масалан: عَمَلٌ калимасидан "ишчи" маъносидаги عامِــلٌ сўзини ясаш учун биринчи ҳарфдан кейин ا қўшилган бўлса– вазнда ҳам ف дан кейин ا қўшилади ва ҳоказо???

عامِلٌ = فاعِلٌ _ ишчи– مَعْمَلٌ = مَفْعَلٌ _ ишхона– اَعْمالٌ = اَفْعالٌ _ ишлар– مَعْمولٌ = مَفْعولٌ _ ишланган?

Ўзак ҳарфларининг биринчиси вазнда ف билан ифодалангани учун ***калиманинг фоси–*** иккинчиси ***калиманинг айни–*** учинчиси ***калиманинг ломи*** деб юритилади? Масалан: دَرْسٌ калимасидаги د калиманинг фоси– ر айни– س ломидир?

*1 _ машқ? Қуйидаги сўзларнинг вазнларини аниқланг ва ўзак ҳарфларини қора– қўшимчаларини қизил қаламда ёзинг?*

1? عِلْمٌ: عَلِيمٌ عالِمٌ مَعْلومٌ عُلَماءُ عَلامَةٌ تَعْلِيمٌ عُلُومٌ اَعْلَم
2? حُكْمُ: حُكُومَةٌ حِكْمَةٌ حاكِمٌ حَكِيمٌ حُكَماءُ مَحْكومٌ مَحْكَمَةٌ مُسْتَحْكَمٌ
3? كَتَبَ: كِتابٌ كُتُبٌ مَكْتَبٌ كاتِبٌ مَكْتوبٌ مَكاتِبُ كُتُبِيٌّ اُكْتُبْ
4? خَبَرٌ : اِخْبارٌ مُخْبِرٌ اِخْتِبارٌ اَخْبَاراتٌ خَبِيرٌ مُسْتَخْبِرٌ مُخْتَبَراتٌ

*2 _ машқ? Ушбу калималарни ёнида кўрсатилган вазнга солинг?*

1? قَرَأَ : فُعْلانٌ فاعِلٌ مَفْعولٌ اِفْعَلْ فَعَلْتُ أَفْعَلُ فِعَالَةٌ مِفْعَلٌ
2? حَفِظَ : فَاعِلٌ مِفْعَلَةٌ مَفْعُولٌ مُفَاعَلَةٌ فَعِيلَةٌ فَعِلْتُ إِفْعَلْ مُفَاعِلٌ
3? جَمَعَ : فَعَالَةٌ فَعِيلٌ فَاعِلٌ مُفْتَعَلٌ فَاعِلَةٌ فَعْلِيَّةٌ إِفْتِعَالِيٌّ فُعُلَةٌ

4? قَدَرَ : فُعْلَةٌ فَاعِلٌ تَفْعِيْلٌ مِفْعَالٌ إِفْتِعَالٌ مَفْعُولاتٌ فَعِيْلٌ

## 2 _ ДАРС الـــدرس الثـــانى

## АСЛИЙ ВА ЗОИДА ҲАРФЛАР

Калиманинг туп_ўзак ҳарфларини ***аслий ҳарфлар*** дейилади– ўзакка қўшилган қўшимчаларни эса ***зоида ҳарфлар*** деб юритилади? Калиманинг ўзагига четдан сўз ясовчи зоида ҳарфларни қўшишдан мақсад _ маънода бир-бирига яқин бўлган хилма-хил сўзларни ҳосил қилишдир? Масалан: حِبْرٌ _ сиёҳ сўзидан сиёҳдон маъносидаги бошқа бир сўзни ясаш учун م ва ة зоида ҳарфларини қўшиб مِحْبَرَةٌ калимаси ҳосил қилинади?

Сарф фани бир сўздан асли маънода бир-бирига қариндош бўлган хилма-хил сўзлар ясашни ўргатадиган фандир?

Араб калималари аслий ҳарфлари сонига кўра уч ҳарфлик– тўрт ҳарфлик ва беш ҳарфлик бўлиши мумкин:

1? Сулосий (учлик): كَتَبَ زَيْدٌ (Зайд ёзди) каби;

2? Рубоъий (тўртлик): تَلْفَنَ جَعْفَرٌ (Жаъфар қўнғироқ қилди) каби;

3? Хумосий (бешлик): جَحْمَرِشٌ (кампир) каби?

Сарф фани асосчилари аслий ҳарфларни вазнда ف ع ل (фо– айн– лом) билан ифодалашга иттифоқ қилишган? Шунинг учун тўртта ҳарфи аслий ҳарф бўлган рубоъийларда охирги аслий ҳарфни вазнда яна бир ل билан кўрсатилади: لَقْلَقٌ _ فَعْلَلٌ (лайлак)– دِرْهَمٌ _ فِعْلَلٌ (танга)?

Аслий ҳарфлари бешта бўлган хумосий сўзларда тўртинчи ва бешинчи ўриндаги аслий ҳарфлар яна иккита ل билан белгиланади: سَفَرْجَلٌ _ فَعَلَّلٌ (беҳи)– خُزَعْبِلٌ _ فُعَلِلٌ (ёлғон)?

Шундай қилиб– сулосийлар вазни *фо– айн* ва битта *лом* _ [فــعــل]– рубоъийлар вазни *фо– айн* ва иккита *лом* _ [فــعــلــل]– хумосийлар вазни *фо– айн* ва учта *лом* _ [فــعــلــلــل] билан белгиланади?

## МУЖАРРАД ВА МАЗИЙД

Аслий ҳарфларига четдан зоида ҳарфлар қўшилмаган сўзлар ***мужаррад*** (қўшимчасиз) дейилади? Агар аслий ҳарфларига зоида ҳарфлар қўшилган бўлса ***мазийд*** (қўшимчалик) деб аталади? Сулосий– рубоъий ва хумосийларнинг ҳар бири мужаррад ва мазийд бўлиши мумкин?

| | Мужаррад | Мазийд |
|---|---|---|
| Сулосий _ | قَلَمٌ = فَعَلٌ (қалам) | مِقْلَمَةٌ = مِفْعَلَةٌ (қаламдон) |
| Рубоъий _ | بُلْبُلٌ = فُعْلُلٌ (булбул) | بُلَيْبِلٌ = فُعَيْلِلٌ (булбулча) |
| Хумосий _ | قُذَعْمِلٌ = فُعَلْلِلٌ (туя) | قُذَعْمِلاتٌ = فُعَلْلِلاتٌ (туялар) |

### *Калиманинг олти босқичи*

***1? Сулосий мужаррад (с?м?)***
***2? Сулосий мазийд (с?д?)***
***3? Рубоъий мужаррад (р?м?)***
***4? Рубоъий мазийд (р?д?)***
***5? Хумосий мужаррад (х?м?)***
***6? Хумосий мазийд (х?д?)***

*Э с л а т м а?* Тўрт ҳарфлик сўзни барча ҳарфлари аслий эканини аниқламасдан туриб рубоъий деб бўлмайди? Масалан– أَخْرَجَ ва دَرْجَ сўзлари فَعْلَـــلَ вазнидаги рубоъий калималарга ўхшаб кўринади– лекин أَخْرَجَ нинг биринчи ҳарфи зоидалигини аниқлагач– бунинг вазни أَفْعَـــلَ эканини– ўзаги уч ҳарфлик خَرَجَ бўлгани учун ва унга қўшимча ҳарф қўшилгани сабабли сулосий мазийд деб аталиши кераклигини билиб оламиз?

Шунга ўхшаш– кўринишда ҳаммаси бир хилда етти ҳарфлик бўлган قُــذَعْمِلاتٌ – تَسَلْسُلاتٌ – إِسْتِعْمالٌ сўзлари аслий ҳарфларига қараганимизда:

إِسْتِعْمال = إِسْتِفْعالٌ (ўзаги عمل ) сулосий мазийд–

تَسَلْسُلاتٌ = تَفَعْلُلاتٌ (ўзаги سلسل ) рубоъий мазийд–

قُذَعْمِلاتٌ = فُعَلْلِلاتٌ (ўзаги قذعمل ) хумосий мазийддир?

*3 _ машқ? Қуйидаги сулосий мужаррад сўзларни "Мабдаъул қироат"да ўтган луғатлар бўйича мазийдларидан мисоллар келтиринг ва вазнларини кўрсатинг? Масалан:* صُبْحٌ *дан* فَعَــالاً = صَــبَاحًا – مِصْباحٌ = مِفْعَالٌ *каби?*

1) حُسْنٌ 2) حُبٌّ 3) عِلْمٌ 4) طَبْخٌ 5) فَتْحٌ 6) نَوْمٌ

*4 _ машқ? Қуйидаги сўзларни ёнида кўрсатилган вазнига қараб мазкур олти босқичнинг қайси биридан эканлигини айтиб беринг?*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| إِصبَعٌ = إِفْعَلٌ | (бармоқ) | | ضِفْدَعٌ = فِعْلَلٌ | (бақа) | |
| اُفْحوصٌ = اُفْعُولٌ | (қуш ини) | | عُصْفُورٌ = فُعْلُولٌ | (чумчуқ) | |
| قَشْعَمٌ = فَعْلَلٌ | (қари) | | مَكْتَبٌ = مَفْعَلٌ | (стол) | |
| مِعْطِيرٌ = مِفْعِيلٌ | (хушбўй) | | قِطْمِيرٌ = فِعْلِيلٌ | (хурмо пўсти) | |
| عَنْكَبُوتٌ = فَعَلُّولٌ | (ўргимчак) | | قِرْطَبُوسٌ = فِعْلَلُولٌ | (бало) | |
| قَلَهْبَسٌ = فَعَلْلَلٌ | (кийик юраги) | | تَدَحْرَجَ = تَفَعْلَلَ | (юмалади) | |

## ҚЎШИМЧА ДАРС الـتـــذيـــيـــل

## ТАКРОРИЙ ВА ҲАҚИҚИЙ ЗОИДАЛАР

Ўзакка қўшилган зоида ҳарфлар икки турли бўлади:

1? Ўзак ҳарфларидан бирини такрорлашдан ҳосил бўлган зоида ҳарф? Масалан: "хурсанд бўлди" маъносидаги فَــرِحَ калимасидан "хурсанд қилди" маъносида бошқа бир сўз ясаш учун калиманинг *айн*и бўлган ر дан яна битта қўшилади– яъни аслий ҳарф такрорланади?

Аслийни такрорлашдан ҳосил бўлган зоида ҳарфни ўша аслийни кўрсатган ع ёки ل ни вазнда такрорлаш билан ифодаланади?

فَرِحَ = فَعِلَ (хурсанд бўлди) فَرَّحَ = فَعَّلَ (хурсанд қилди)

عَلِمَ = فَعِلَ (билди) عَلَّمَ = فَعَّلَ (билдирди)

حَمُرَ = فَعُلَ (қизил бўлди) إِحْمَرَّ = إِفْعَلَّ (қизарди)

حَدِبَ = فَعِلَ (букчайди) اِحْدَوْدَبَ = اِفْعَوْعَلَ (букри бўлди)

2? Четдан бошқа ҳарфларни қўшишдан ҳосил бўлган зоида ҳарфлар? Бу турдаги зоидалар вазнда ўзи бўйича кўрсатилади?

صَرَفَ = فَعَلَ (бурди) اِنْصَرَفَ = اِنْفَعَلَ (бурилди)

غَفَرَ = فَعَلَ (кечирди) اِسْتَغْفَرَ = اِسْتَفْعَلَ (кечирим сўради)

Калималарнинг ўзагига четдан қўшилган зоида ҳарф ушбу ўн ҳарф жумласидан бўлиши керак: ء ا ت س ل م ن و ه ي ? Бу ўн ҳарф أَلْــيَــوْمَ تَــنْــسَاهُ ёки سَــأَلْــتُــمُــونِيــهَا иборасида жамланган?

*5 _ машқ? Қуйидаги аслий ҳарфлари кўрсатилган сўзларни ёнидаги вазнларга солинг?*

Сулосий (с):

1? سكن: فاعِلٌ مُفَعَّلٌ تَفْعيل فِعِّيلٌ فَعِيلَةٌ فُعَّالٌ مِفْعِيلٌ

2? كثر : فَعِيلٌ أَفْعَلُ مُفَعِّلٌ تَفَعُّلٌ مِفْعَالٌ فَوْعَلُ مُفاعَلَةٌ

3? سود : اَفْعَلُ فَعْلاءُ اَفاعِلُ فَعالٌ مُفَعَّلَةٌ مُفْعَلٌّ اِفْعِلالٌ

Рубоъий (р):

1? غرغر: اَتَفَعْلَلُ فُعْلُلَةٌ فُعْلُولٌ

2? كفهر: اِفْعَلَلَّ   اِفْعِلْلَالٌ   مُفْعَلِلٌّ

*6 _ машқ? Қуйидаги сўзларнинг вазнларини аниқланг ва зоидаларини қизил қалам билан ёзинг?*
с) مِبْرَدٌ   رَشِيدٌ   رَكِبْتُ   تَدْرِيجٌ   تَفَكُّرٌ   تَجْرِبَةٌ   تَدَاخُلٌ   مُكَابَرَةٌ   مُتَكَلِّمٌ   اِعْتِذَارٌ
р) اِبْرَنْشَقَ   رَصْرَاصَةٌ   مُغَطْرِشٌ   مُذَبْذَبٌ   قَصْدِيرٌ
х) عَضْرَفُوطٌ   قَبَعْثَرَى

## *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН*   للمطالعة

1? Агар калиманинг аслий ҳарфларидан бири олиб ташланган бўлса– вазнда ҳам ушбу ҳарфни кўрсатган ҳарф олиб ташланади:
يَعِلُ = يَقِفُ   يَفْعِلُ = يَوْقِفُ   ёки   يَفِلْنَ = يَخِطْنَ   يَفْعِلْنَ = يَخِيطْنَ   ёки   مُفَاعٍ = مُسَاوٍ   مُفَاعِلٌ = مُسَاوِيٌ

2? Агар калиманинг ҳарфлари ўрни алмашган бўлса– вазнда ҳам алмаштириб кўрсатилади:
[وحد]  فَاعِلٌ = وَاحِدٌ   حَادِوٌ   عَالِفٌ = حَادِيٌ (биринчи)
[قَوْس]  فُعُولٌ = قُوُوْسٌ   قُسُوْوٌ   فَلِعِيٌ = قِسِيٌّ  (камонлар)
[رِئْم]  اَفْعَالٌ = اَرْئَامٌ   ءَ أْرَامٌ   أَعْفَالٌ = آرَامٌ  (кийиклар)

## *3 _ ДАРС*   الدرس الثالث

## *ИСМ– ФЕЪЛ ВА ҲАРФ*

Араб тилшунослари калималарни катта уч қисмга бўладилар:

1? ***Исм?*** Бу қисмга нарсалар ва жондорлар отлари– сифатлар– сонлар– иш-ҳаракат номлари ва шахс отлари (мен– сен– у каби) киради? Чунончи: قلم   اِنْسان   فَرَس   جَمِيلٌ   سَبْعَةٌ   مَجِيءٌ   اَنْت

2? ***Феъл*** _ иш-ҳаракат ва унинг қилинган замони ва қилувчи шахсни англатган калимадир? Ҳар бир феълдан уч нарса тушунилади: 1) иш-ҳаракат– 2) унинг бажарилиш замони– 3) бажарувчиси? Масалан: جِئْتُ феълидан "келмоқ" иши сўзловчи шахс тарафидан шу сўзнинг айтилиш замонидан илгари– яъни ўтган замонда бажарилганлиги тушунилади?

2? ***Ҳарф*** _ гапда мустақил бўлак бўла олмайдиган боғловчи ва кўмакчи сўзлар? اِنَّ ثُمَّ وَ اِلَى بِ كَ حَتَّى اِنْ ما каби?

### *Исми замир _ шахс отлари*

***Замир*** деб сўзловчи– тингловчи ва ўзга шахсларни англатувчи исмларни айтилади? هُوَ أَنْتَ أَنا каби?

Шахсларни англатувчи замир исмлар шахслар жинсига кўра икки хил _ ***музаккар*** (эркак) ва ***муаннас*** (аёл) жинсларида бўлади? Сон жиҳатидан эса ***муфрад*** (бирлик)– ***тасния*** (иккилик) ва ***жамъ*** (кўплик) шаклларида тусланади?

| шахслар | жинси | муфрад (1лик) | тасния (2лик) | жамъ (кўплик) |
|---|---|---|---|---|
| 3 _ шахс ғоиб (ўзга) | музаккар | هُوَ _ у | هُمَا _ улар | هُمْ _ улар |
| | муаннас | هِيَ _ у | | هُنَّ _ улар |
| 2 _ шахс мухотоб (тингловчи) | музаккар | اَنْتَ _ сен | اَنْتُمَا _ сизлар | اَنْتُمْ _ сизлар |
| | муаннас | اَنْتِ _ сен | | اَنْتُنَّ _ сизлар |
| 1 _ шахс мутакаллим (сўзловчи) | | اَنَا _ мен | | نَحْنُ _ биз |

### *Масдар _ ҳаракат номи*

Иш-ҳаракат маъносини англатган исмлар ***масдар*** дейилади? Ўзбек тилида масдарлар "моқ"– "иш" қўшимчалари билан тугалланади? *Сўзламоқ– гапириш* каби? Араб тилида эса масдарлар бошқа исмлардан очиқ фарқланадиган бирор белгига эга эмас?

*7 _ машқ? Қуйидаги калималарни исм– феъл ва ҳарфларга ажратинг:*

يُسَاوِى سَبْعَةٌ لِ كَهَامٌ اِشْتِرَاءٌ مُهْرٌ هَلْ اِمْسَاكٌ سِكِّينٌ يَرْكُضُ كَثِيرٌ مَتَى يَبْكِى مِقَصٌّ قَطْعٌ مَرْكَبٌ
اِذَا كُتِبَ مَهْدٌ نَظِيفٌ اَنْتُمْ خِيَاطَةٌ فِرَاشٌ لَعِبَتْ تَمْشِيطٌ رَخِيصٌ مِصْبَاحٌ قَرَأْتُ جَزَرٌ فِي

## *ҚЎШИМЧА ДАРС* التذييل

### *Исмлар бинолари*

Сулосий мужаррад бўлган исмлар қуйидаги ўн вазндан бирида бўлади:

فُعُلٌ فُعَلٌ فُعْلٌ فِعِلٌ فِعَلٌ فِعْلٌ فَعُلٌ فَعِلٌ فَعَلٌ فَعْلٌ

عُنُقٌ صُرَدٌ قُفْلٌ اِبِلٌ عِنَبٌ حِبْرٌ عَضُدٌ كَتِفٌ فَرَسٌ فَلْسٌ

Ўзак ҳарфларига қўшимчалар қўшиш йўли билан хилма-хил вазнлардаги турли сўзларни ҳосил қилиш мумкин? Сулосий мазийднинг ҳар хил мақсадда ясалган турли вазнлари билан кейинги дарсларда танишамиз?

Рубоъий мужаррадлар мазкур беш вазнда бўлади:

قِمَطْرٌ = فِعَلْلٌ    دِرْهَمٌ = فِعْلَلٌ    بُرْثُنٌ = فُعْلُلٌ    زِبْرِجٌ = فِعْلِلٌ    جَعْفَرٌ = فَعْلَلٌ

Рубоъий мазийдлар ҳам жуда кўп вазнларда келади?

Хумосий мужаррад тўрт вазнда келади:

قُذَعْمِلٌ = فُعَلْلِلٌ    جَحْمَرِشٌ = فَعْلَلِلٌ    قِرْطَعْبٌ = فِعْلَلٌّ    سَفَرْجَلٌ = فَعَلَّلٌ

Хумосий мазийд фақат қуйидаги беш вазнда келади:

قَبَعْثَرَى = فَعَلَّلَى    خُزَعْبِيلٌ = فُعَلِّيلٌ    خَنْدَرِيسٌ = فَعْلَلِيلٌ    قِرْطَبُوسٌ = فِعْلَلُولٌ    عَضْرَفُوطٌ = فَعْلَلُولٌ

*8 _ машқ? "Мабдаъул қироат"даги сулосий мужаррад исмларни вазнига қараб 10 стун қилиб кўчиринг?*

| فَعْلٌ | فَعَلٌ | فَعُلٌ | فِعْلٌ | فِعَلٌ | فِعِلٌ | فُعْلٌ | فُعَلٌ | فُعُلٌ | فَعِلٌ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| لَوْحٌ | قَلَمٌ | رَجُلٌ | عِجْلٌ | عِنَبٌ | اِبِلٌ | خُبْزٌ | رُطَبٌ | اُذُنٌ | كَتِفٌ |

## *4 _ ДАРС* الدرس الرابع

### *ФЕЪЛ*

Феъл уч хил бўлади: мозий– музореъ ва амр?

### *Феъли мозий*

Иш-ҳаракатнинг сўз айтилган замондан илгари бажарилганини англатган калима ***феъли мозий*** _ ўтган замон феъли деб аталади? Ўтган замон феъли иш-ҳаракатни бажарувчи шахсларига кўра 14 суратда тусланади? Феъли мозийни тусловчи шахс қўшимчалари қуйидаги тартибда қўшилади:

<table>
<tr><td>шахси</td><td colspan="2">Ғоиб</td><td colspan="2">мухотоб</td><td>мутакаллим</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Муфрад</td><td>Музаккар</td><td>Муаннас</td><td>музаккар</td><td>муаннас</td><td rowspan="2">ْتُ</td></tr>
<tr><td>َ</td><td>َتْ</td><td>ْتَ</td><td>ْتِ</td></tr>
<tr><td>Тасния</td><td>َا</td><td>َتَا</td><td colspan="2">ْتُما</td><td rowspan="2">ْنَا</td></tr>
<tr><td>жамъ</td><td>ُوْا</td><td>ْنَ</td><td>ْتُمْ</td><td>ْتُنَّ</td></tr>
</table>

### كَتَبَ *(ёзди) феълининг тусланиши:*

<table>
<tr><td>كَتَبَ</td><td>كَتَبَتْ</td><td>كَتَبْتَ</td><td>كَتَبْتِ</td><td>كَتَبْتُ</td></tr>
<tr><td>كَتَبَا</td><td>كَتَبَتَا</td><td colspan="2">كَتَبْتُمَا</td><td rowspan="2">كَتَبْنَا</td></tr>
<tr><td>كَتَبُوا</td><td>كَتَبْنَ</td><td>كَتَبْتُمْ</td><td>كَتَبْتُنَّ</td></tr>
</table>

Ўзбек тилига шундай таржима қилинади:

<table>
<tr><td colspan="2">3-шахс _ ўзга</td><td colspan="2">2-шахс _ тингловчи</td><td rowspan="2">1-шахс _ сўзловчи</td></tr>
<tr><td>эр жинси</td><td>аёл жинси</td><td>эр жинси</td><td>аёл жинси</td></tr>
<tr><td>كَتَبَ ёзди</td><td>كَتَبَتْ ёзди</td><td>كَتَبْتَ ёздинг</td><td>كَتَبْتِ ёздинг</td><td>كَتَبْتُ ёздим</td></tr>
<tr><td>كَتَبَا<br>иккови ёзди</td><td>كَتَبَتَا<br>иккови ёзди</td><td colspan="2">كَتَبْتُمَا<br>икковингиз ёздингиз</td><td>كَتَبْنَا ёздик</td></tr>
</table>

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| كَتَبُوا ёздилар | كَتَبْنَ ёздилар | كَتَبْتُمْ ёздинглар | كَتَبْتُنَّ ёздинглар | |

***Феъли музореъ***

***Музореъ*** _ ҳозирги-келаси замон феълидир? Феъли музореъдан тушунилган иш-ҳаракат шу сўз айтилган замонда бажарилаётганини ёки кейин бажарилишини англатади? Музореъ феъли олдига أَتَيْنَ [ ن ي ت أ ] ҳарфларидан бирининг қўшилиши билан фақланади:

يَكْتُبُ _ ёзаяпти– ёзади; تَكْتُبُ _ ёзаяпсан– ёзасан; اَكْتُبُ _ ёзаяпман– ёзаман; نَكْتُبُ _ ёзаяпмиз– ёзамиз?

Бу тўрт ҳарфни ***музораъат ҳарфи*** деб юритилади?

Феъли музореъни тусловчи шахс қўшимчалари ва музораъат ҳарфлари қуйидаги тартибда қўшилади:

| | Ғоиб | | Мухотоб | | Мутакаллим |
|---|---|---|---|---|---|
| Муфрад | يـــ...ـــُ | تـــ...ـــُ | تـــ...ـــُ | تـــ...ـِيْنَ | أ...ـــُ |
| Тасния | يـــَ...ان | تـــَ...ان | تـــَ...ان | | |
| Жамъ | يـــُ...ونَ | يـــْ...نَ | تـــُ...ونَ | تـــْ...نَ | نـــ...ـــُ |

**يَكْتُبُ *(ёзади) музореъ феълининг тусланиши:***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| يَكْتُبُ | تَكْتُبُ | تَكْتُبُ | تَكْتُبِينَ | اَكْتُبُ |
| يَكْتُبَانِ | تَكْتُبَانِ | تَكْتُبَانِ | | نَكْتُبُ |
| يَكْتُبُونَ | يَكْتُبْنَ | تَكْتُبُونَ | تَكْتُبْنَ | |

***Феъли амр***

***Амр*** _ буйруқ феълидир? Амр тингловчидан бир иш-ҳаракатни бажаришини талаб қилиш учун айтиладиган сўздир: اِقْـرَأْ (ўқи)– اُدْخُـلْ (кир) каби? Амр бажарувчи шахсларига кўра 6 суратда тусланади?

Буйруқ феълини тусловчи шахс қўшимчалари:

| | |
|---|---|
| ـْ | ـِيْ |
| اَ | |
| ـُوْا | ـْنَ |

**اُكْتُبْ *(ёз) амрининг тусланиши:***

| | |
|---|---|
| اُكْتُبْ | اُكْتُبِي |
| اُكْتُبَا | |
| اُكْتُبُوا | اُكْتُبْنَ |

*9 _ машқ? Қуйидаги феълларни мозий– музореъ ва амрларда тусланг ва ҳар бир сийғасининг маъносини айтиб беринг:*

– اِرْكَبْ يَرْكَبُ رَكِبَ – اِذْهَبْ يَذْهَبُ ذَهَبَ – اِزْرَعْ يَزْرَعُ زَرَعَ – اُكْنُسْ يَكْنُسُ كَنَسَ

? تَعَلَّمْ يَتَعَلَّمُ تَعَلَّمَ – اِحْتَرِمْ يَحْتَرِمُ اِحْتَرَمَ – نَظِّفْ يُنَظِّفُ نَظَّفَ – اَكْرِمْ يُكْرِمُ اَكْرَمَ

*10 _ машқ? Ушбу феълларни мозий– музореъ ва амрларга ажратиб– ҳар бирининг маъноларини айтиб беринг:*

سَكَتَا تَضْحَكِينَ عَلِمْتُمَا اِجْلِسْنَ اِرْجِعْ تَزْرَعُونَ هِيَ تَكْنُسُ اُخْرُجُوا اَلْعَبُ اِفْتَحْ شَرِبْتُ يَقْرَؤُونَ

? لَوَّثْتَ اِسْبَحَا يَشْتَغِلْنَ صَلَّيْنَا تَقْطَعْنَ اَقْفَلْتِ اِحْفَظُوا رَكَضْتُمْ تُطِيعَانِ اُدْخُلِي نَرْكَبُ

## ***ҚЎШИМЧА ДАРС*** التذييل

***Музореъ феъли ясаш йўли***

Мозий феълини музореъга айлантириш учун юқорида айтиб ўтганимиздек– олдига музораъат ҳарфлари ( أَتَيْنَ ) дан бири қўшилади? Агар мозий тўрт ҳарфли бўлса– унга қўшилган музораъат ҳарфи замма билан айтилади? Тўрт ҳарфли бўлмаса– фатҳа билан ўқилади:

قَرَأَ - يَقْرَأُ   عَايَنَ - يُعَايِنُ   تَرْجَمَ - يُتَرْجِمُ   مَشَّطَ - يُمَشِّطُ   اَقْفَلَ - يُقْفِلُ

? اِسْتَفَادَ - يَسْتَفِيدُ   تَعَارَضَ - يَتَعَارَضُ   تَعَلَّمَ - يَتَعَلَّمُ   اِنْصَرَفَ - يَنْصَرِفُ   اِغْتَسَلَ - يَغْتَسِلُ

Агар мозий феъли зоида ت ҳарфи билан бошланган бўлса– музореъда охиргидан олдинги ҳарфи фатҳали бўйича қолади: تَوَجَّهَ يَتَوَجَّهُ تَنَاوَمَ يَتَنَاوَمُ تَدَحْرَجَ يَتَدَحْرَجُ каби?

Агар мозий зоида ت билан бошланмаса– сулосий мужарраддан бошқасида охиргидан олдинги ҳарф касра билан айтилади: فَرَّحَ يُفَرِّحُ خَالَفَ يُخَالِفُ каби?

Агар мозий феълининг олдида зоида ҳамзаи captionслийя бўлса– музораъат ҳарфи қўшилгандан кейин ўқилмай қолади? بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحِيم энг кўп ишлатиладиган иборат бўлгани учун ёзувда إسم нинг ҳамзасини тушириб қолдирилгани каби бу турдаги музореъларда ҳам васлийя ҳамза ёзилмайди: إِنْصَرَفَ يَانْصَرِفُ يَنْصَرِفُ – اِشْتَغَلَ يَاشْتَغِلُ يَشْتَغِلُ каби?

Ҳамзаи қатъийя билан бошланган феълларда ҳам олдига музораъат ҳарфи қўшилса ҳамза ўқилмайди ва ёзувда ҳам туширилади: أَحْسَنَ يُأَحْسِنُ يُحْسِنُ каби?

Мазкур тафсилотлар бўйича мозийдан музореъ феъли ясалгач– охирги ҳарфи ўзгарувчан ҳаракатларни қабул қилади? Музореънинг охири гапдаги ўрнига кўра замма– фатҳа ва сукунлар билан алмашилиб ўқилади: سَعِيدٌ يَقْرَأُ – يَجِبُ عَلَيَّ أنْ أقْرَأَ – لَم يَقْرَأْ اَحَدٌ каби?

*11 _ машқ? Тубандаги ўтган замон феълларидан ҳозирги-келаси замон феъллари ясанг:*

اِنْكَشَفَ اِخْتَطَفَ نَوَّمَ أَحْضَرَ اِسْتَخْدَمَ حَرَّكَ أَمْسَكَ تَوَضَّأَ نَشَّفَ اِجْتَمَعَ تَأَخَّرَ اِجْتَهَدَ أَسْرَجَ اِحْتَرَمَ تَعَلَّمَ اِلْتَفَتَ دَرَّسَ

*<u>Топшириқ?</u> Бу ўн тўрт сийғанинг ҳар бирини шахси– жинси ва сонини қуйидаги равишда ўйланмай айтишга ўрганинг:*

| | | | |
|---|---|---|---|
| كَتَبَ | муфрад музаккар ғоиб | _ | ўзганинг эр жинси бирлиги |
| كَتَبَا | тасния музаккар ғоиб | _ | ўзганинг эр жинси иккилиги |
| كَتَبُوا | жамъ музаккар ғоиб | _ | ўзганинг эр жинси кўплиги |
| كَتَبَتْ | муфрад муаннас ғоиб | _ | ўзганинг аёл жинси бирлиги |
| كَتَبَتا | тасния муаннас ғоиб | _ | ўзганинг аёл жинси иккилиги |
| كَتَبْنَ | жамъ муаннас ғоиб | _ | ўзганинг аёл жинси кўплиги |
| كَتَبْتَ | муфрад музаккар мухотоб | _ | тингловчи эр жинси бирлиги |
| كَتَبْتُما | тасния музаккар мухотоб | _ | тингловчи эр жинси иккилиги |
| كَتَبْتُمْ | жамъ музаккар мухотоб | _ | тингловчи эр жинси кўплиги |
| كَتَبْتِ | муфрад муаннас мухотоб | _ | тингловчи аёл жинси бирлиги |
| كَتَبْتُما | тасния муаннас мухотоб | _ | тингловчи аёл жинси иккилиги |
| كَتَبْتُنَّ | жамъ муаннас мухотоб | _ | тингловчи аёл жинси кўплиги |
| كَتَبْتُ | муфрад мутакаллим | _ | сўзловчи бирлиги |
| كَتَبْنَا | мутакаллим маъал ғойр | _ | сўзловчи кўплиги |

## *5 _ ДАРС* الـــدرس الخـــامـــس

## *ЛОЗИМ ВА МУТАЪАДДИЙ*

Бир ҳолат ёки иш-ҳаракат бажарувчида пайдо бўлиб– бошқа нарсага таъсир этмаса– қилувчининг ўзидагина кўриниш берса ***феъли лозим*** _ ўтимсиз феъл деб аталади? Масалан: نَامَ الْوَلِيدُ _ "бола ухлади" жумласидаги ухламоқ феъли болада пайдо бўлиб– бошқага ўтмайдиган ва бўлакка дахлсиз феълдир?

Агар бажарувчидан содир бўлган ишнинг асари бошқа нарсада кўринса– феъл бўлак нарсага таъсир этса ***феъли мутаъаддий*** _ ўтимли феъл дейилади? Масалан: قَطَعَ الْخَادِمُ الْخُبْزَ _ "хизматчи

нонни кесди" жумласида кесиш иши хизматчидан содир бўлиб– бизга нонда кўринади? Кесиш ишини вужудга келтириш учун кесувчи зарур бўлгани каби кесиладиган нарсасиз ҳам бу ишни тасаввур қилиб бўлмайди? Хизматчи кесди дейилганда– нимани кесди экан деган савол туғилади ва бундан сўнг الْخُبْزَ ёки اللَّحْمَ деса керак деб кутамиз?

Феълнинг ўтимсиз ёки ўтимлилиги маъносидан билинади? Лозим _ ўтимсиз феълдан кейин *ким* ёки *нима* деган савол туғилади? Мутаъаддий _ ўтимли феълдан кейин эса ким тарафидан бажарилгани айтилса ҳам– яна *кимни* ёки *нимани* деб сўрашга мажбур бўламиз?

*12_машқ? Қуйидаги феълларни лозим ва мутаъаддийга айириб– икки стун қилиб ёзинг:*

ضَحِكَ أَحَبَّ عَطِشَ حَفِظَ شَرِبَ رَأَى رَكَضَ اسْتَيْقَظَ جَاءَ وَجَدَ أَكَلَ نَامَ طَبَخَ فَهِمَ قَعَدَ كَتَبَ

? غَرِقَ انْصَرَفَ مَكَثَ نَزَلَ قَدَّمَ خَاطَ قَمَطَ كَانَ نَشَّفَ كَنَسَ احْتَرَمَ سَمِعَ بَرَى مَشَى

## *ҚЎШИМЧА ДАРС* التذييل

## *ТАЪДИЯ ВА МУТОВАЪА*

Ўтимсиз феълни ўтимлига ёки аксинча– ўтимли феълни ўтимсизга айлантириш мумкин? Масалан: ўзбек тилида *"ухлади"* феълидан орага *"т"* қўшиб *"ухлатди"* ўтимли феъли ясалади? Шунингдек– *"кўрди"* ўтимлисидан *"кўринди"* ўтимсиз феълини ясаш мумкин?

Араб тилида лозим феълларни мутаъаддийга айлантириш учун:

1? Сулосий мужаррaддан лозим феъллар олдига ҳамзаи қатъийя қўшилади? М: وَصَلَ (етди) _ أَوْصَلَ (етказди)– ذَهَبَ (кетди) _ أَذْهَبَ (кетказди)– خَرَجَ (чиқди) _ أَخْرَجَ (чиқарди)?

2? Ёки феълнинг *айни* бўлган ҳарфнинг ўзидан қўшилади? М: وَسِخَ (ифлос бўлди) _ وَسَّخَ (ифлос қилди)– قَدِمَ (келди) _ قَدَّمَ (келтирди)?

3? Феълга ўзгартиш киритмасдан– қилинмишга بِ кўмакчиси қўшилади: قَعَدَ (ўтирди) _ قَعَدَ بِهِ الْفَقْرُ (уни камбағаллик ўтиргизди)?

Лозимни мутаъаддийга айлантириш ***таъдия*** дейилади? Мутаъаддий феълни лозимга айлантиришни ***мутоваъа*** дейилади? Чунончи– جَمَعَ (тўплади) اجْتَمَعَ (тўпланди)– كَسَرَ (синдирди) انْكَسَرَ (синди)?

## *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН* المطالعة

Мутаъаддий феъллар уч хил бўлади:

1? Бир қилинмишга ўтувчи: أَحْضَرْتُ الدَّرْسَ (дарсни тайёрладим)– كَتَبْنَا الْخَطَّ (хатни ёздик) каби?

2? Иккита қилинмишга ўтувчи:

а) أَعْطَيْتُ كَرِيمًا كُرَّاسًا (Каримга дафтар бердим)– سَأَلْنَا فَرِيدًا قَلَمًا (Фариддан қалам сўрадик)– هَلْ كَسَوْتَ وَلِيدًا قَمِيصًا (болага кўйлак кийдирдингми$)– مَنَعَ الْبَخِيلُ سَائِلاً دِرْهَمًا (бахил гадойдан тангани қизғонди)?

б) عَلِمْتُ الْعُلَمَاءَ خِيَارَ النَّاسِ (олимларни одамларнинг сараси деб билдим)– أَظُنُّ سَعِيدًا مُجْتَهِدًا (Саидни тиришқоқ ўқувчи деб ўйлайман)?

3? Учта қилинмишга ўтувчи: أَعْلَمْتُ حَكِيمًا جَمِيعَ الْعُلُومِ نَافِعًا (Ҳакимга: "ҳамма илмлар фойдалидир" деб уқтирдим)?

Лозим феъллар икки хил бўлади:

1? Феъл _ бажарувчи тарафидан вужудга келган бошқа нарсага дахлсиз бир ҳаракатдан иборат? دَخَلَ الْمُعَلِّمُ – قَامَ التِّلْمِيذُ – قَعَدَ عَلَى الْكُرْسِيِّ каби?

2? Феъл _ бажарувчида ўз ихтиёрисиз пайдо бўлган бир ҳолатдан ёки ўзгармас сифатдан иборат? حَسُنَ وَجْهُهُ (юзи гўзаллашди)– كَثُرَ الأَوْلاَدُ (бола-чақалар кўпайди)– عَطِشَ الْوَالِدُ (ота чанқади) каби?

## *6 _ ДАРС* الدرس السادس

## *ФЕЪЛ БИНОЛАРИ*

Феъллар аслий ҳарфларининг сони ва зоида ҳарфлар қўшилган ёки қўшилмаганлиги эътибори билан тўрт босқичга ажратилади:

1? ***Сулосий мужаррад*** (қўшимчасиз учлик) رَكِبَ – صَرَفَ каби?

2? ***Сулосий мазийд*** (қўшимчали учлик) ارْتَكَبَ – انْصَرَفَ каби?

3? ***Рубоъий мужаррад*** (қўшимчасиз тўртлик) دَحْرَجَ – طَمْأَنَ каби?

4? ***Рубоъий мазийд*** (қўшимчали тўртлик) تَدَحْرَجَ – اِطْمَأَنَّ каби?

## *Сулосий мужаррад*

Сулосий мужаррад мозий ва музореъда *айн*ларининг ҳаракатлари турли бўлишига кўра олти боб бўлади:

| боб | мозий | музореъ | амр | мисоллар | | | масдари маъноси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | فَعَلَ | يَفْعِلُ | اِفْعِلْ | ضَرَبَ | يَضْرِبُ | اِضْرِبْ | урмоқ |
| 2 | فَعَلَ | يَفْعُلُ | اُفْعُلْ | نَصَرَ | يَنْصُرُ | اُنْصُرْ | ёрдам бермоқ |
| 3 | فَعَلَ | يَفْعَلُ | اِفْعَلْ | مَنَعَ | يَمْنَعُ | اِمْنَعْ | қайтармоқ |
| 4 | فَعِلَ | يَفْعَلُ | اِفْعَلْ | سَمِعَ | يَسْمَعُ | اِسْمَعْ | эшитмоқ |
| 5 | فَعِلَ | يَفْعِلُ | اِفْعِلْ | نَعِمَ | يَنْعِمُ | اِنْعِمْ | юмшоқ бўлмоқ |
| 6 | فَعُلَ | يَفْعُلُ | اُفْعُلْ | شَرُفَ | يَشْرُفُ | اُشْرُفْ | шарафли бўлмоқ |

Аввалги уч бобнинг мозийсининг *айни* фатҳали– музореъларининг *айни* касра– замма ва фатҳалар билан фарқланади? Тўртинчи ва бешинчи бобларда мозийнинг *айни* касрали– музореъларида фатҳа ва касра билан ажралади? Олтинчи боб эса мозийда ҳам– музореъда ҳам феълнинг *айни* заммали бўлиши билан ажралиб туради?

Бу олти боб тартиби қуйидаги байтда ёдда сақлашни осонлаштириш учун жамланган:

*Фатҳа касра– фатҳа замма– фатҳатон–*
*Касра фатҳа– касра касра– замматон?*

Луғат китобларида ҳар бир феълнинг қайси бобданлиги– *айни* қандай ҳаракат билан айтилиши кўрсатиб ўтилади?

*13 _ машқ? Қуйидаги феълларнинг қайси бобдан келишини луғат китоблардан топиб– мозий– музореъ ва амрларда туслаб беринг*

سقط (тушмоқ)– سأل (сўрамоқ)– سرق (ўғирламоқ)– مدح (мақтамоқ)– قبح (хунук бўлмоқ) زمـــن (шол бўлмоқ)?

## *ҚЎШИМЧА ДАРС* الـتـــذيـــيـــل

### *Сулосий мужаррад масдарлари*

Сулосий мужаррад биносидаги феълларнинг масдарлари умумий бир вазнда келган эмас– шунинг учун юқорида ҳар бир бобнинг масдари вазнини ўз ўрнида кўрсатиб ўтмадик? Сулосий мужаррад феълларининг масдарлари 40тагача вазнда бўлиши кузатилган?

Ҳар бир феълнинг масдарини аниқлаш учун луғат китобларига мурожаат қилинади ва ёдда сақланади? Лекин– мозийси فَعَلَ бўлган аввалги уч бобда лозим феълларнинг масдарлари кўпинча **فُعُولٌ** вазнида келиши кузатилган: جَلَسَ _ جُلُوسٌ (ўтирмоқ)– دَخَلَ _ دُخُولٌ (кирмоқ)– نَهَضَ _ نُهُـــوضٌ (турмоқ)?

4 - فَعِلَ _ يَفْعَلُ бобида эса лозим феълларнинг масдари кўпинча **فَعَلٌ** вазнида келади: فَرِحَ _ فَــرَحٌ (шодланмоқ)– عَطِشَ _ عَطَشٌ (чанқамоқ)?

Бу тўрт бобда мутаъаддий феълларнинг масдари аксар **فَعْـــلٌ** вазнида келади: رَفَــدَ _ رَفْــدٌ (бермоқ)– رَفَضَ _ رَفْضٌ (ташламоқ)– خَبَأَ _ خَبْءٌ (яширмоқ)– حَمِدَ _ حَمْدٌ (мақтамоқ)?

6 - فَعُـــلَ يَفْعُـــلُ бобининг масдари кўпинча **فُعُولَـــةٌ** ёки **فَعَالَـــةٌ** вазнларида бўлади: سَـــهُلَ _ سُـــهُولَةٌ (осонлашмоқ)– نَظُفَ _ نَظَافَةٌ (тоза бўлмоқ)?

Касб-ҳунар ва хулқ-одатга далолат қилган феъллар масдари кўпинча **فِعَالَةٌ** вазнида келади: زِرَاعَةٌ (деҳқончилик қилмоқ)– تِجَارَةٌ (савдогарчилик қилмоқ)– حِيَاكَةٌ (тўқувчилик қилмоқ)– خِيَانَـــةٌ (хоинлик қилмоқ)– فِرَاسَةٌ (фаросатли бўлмоқ)?

Овоз ва қичқириққа далолат қилган феъллар масдари **فُعَـــالٌ** ва **فَعِيـــلٌ** вазнларида келади: صُـــرَاخٌ (қичқирмоқ)– بُكَاءٌ (додламоқ)– زَئِيرٌ (бўкирмоқ)– أَنِينٌ (инграмоқ)?

Бетўхтов ва тинимсиз ҳаракатга далолат қилган феъллар масдари فَعَلاَنٌ ва فَعَلٌвазнларида келади: غَلَيَانٌ (қайнамоқ)– نَزَوَانٌ (ирғимоқ)– هَرَبٌ (қочмоқ)– طَلَبٌ (қидирмоқ)?

*14 _ машқ? Қуйидаги феълларни ёд олинг ва туслаб беринг:*

ثَقُلَ _ ثَقَالَةٌ (оғир бўлмоқ)– رَفَعَ _ رَفْعٌ (кўтармоқ)– خَدَعَ _ خَدْعٌ (алдамоқ)– رَعُنَ _ رُعُونَةٌ (ақлсиз бўлмоқ)– خَرِسَ _ خَرَسٌ (гунг бўлмоқ)– زَمَرَ _ زَمِيرٌ (най чалмоқ)– طَارَ _ طَيَرَانٌ (учмоқ)– دَبَرَ _ دُبُورٌ (ўтмоқ)?

### *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН* المطالعة

1? Янги учраган феълнинг бу олти бобнинг қайси бириданлигини аниқлаш учун луғат китобларига мурожаат қилиш керак? Шундай бўлса-да– ҳар бир боб баъзи бир белгиси билан бошқа боблардан ажратиб олиш имкониятини беради:

а) 3 _ فَعَلَ يَفْعَلُ бобидаги феълларнинг айни ёки ломи бўғиз ҳарфлари( ء ه ع ح غ خ ) дан бўлиши керак: جَعَلَ _ جَعْلٌ (қилмоқ)– خَضَعَ _ خُضُوعٌ (эгилмоқ)?

б) Айни ва ломи бир хил ҳарф бўлган феъл агар лозим феъл бўлса биринчи бобдан– мутаъаддий феъл бўлса иккинчи бобдан келади: فَرَّ _ فِرارٌ (қочмоқ)– رَدَّ _ رَدٌّ (қайтармоқ)?

ж) 6 _ فَعُلَ يَفْعُلُ бобида келган феъллар нарсада ўз ихтиёрисиз вужудга келган табиий сифатларга ва туғма белгиларга далолат қилади: حَسُنَ _ حُسْنٌ (чиройли бўлмоқ)– صَغُرَ _ صِغَرٌ (кичик бўлмоқ)? Шунинг учун бу бобдаги барча феъллар ўтимсиз _ лозим феъллардир? Аввалги беш бобда эса ўтимли ва ўтимсиз феъллар кела олади?

д) Хафалик– шодлик– касаллик ва муваффақиятсизлик маъносидаги феъллар ва шунингдек рангларга ва айбли сифатларга далолат қилган феъллар 4 _ فَعِلَ يَفْعَلُ бобида келади: تَرِحَ _ تَرَحٌ (хафа бўлмоқ)– جَذِلَ _ جَذَلٌ (шодланмоқ)– سَقِمَ _ سَقَمٌ (касал бўлмоқ)– خَضِرَ _ خَضَرٌ (ям-яшил бўлмоқ)– عَرِجَ _ عَرَجٌ (чўлоқ бўлмоқ)– عَجِمَ _ عَجَمٌ (дудуқ бўлмоқ)?

ҳ) 5 _ فَعِلَ يَفْعِلُ бобида жуда оз– саноқли феъллар бор? Луғатшунослар берган маълумотларга қараганда– бу бобда фақат қуйидаги феъллargина келган:

وَلِيَ وَرِيَ وَلِهَ وَرِمَ وَرِعَ وَثِقَ وَفِقَ وَمِقَ يَبِسَ نَعِمَ يَئِسَ حَسِبَ ?

2? а) Баъзи феъллар мужарраднинг икки бобида истеъмол қилинади: بَذَلَ _ بَذْلٌ (бермоқ)– حَمِقَ _ ва حَمُقَ _ حُمْقٌ (аҳмоқ бўлмоқ)?

б) Баъзи феъллар уч бобда ҳам келиши мумкин: جَنَحَ --- جُنُوحٌ (мойил бўлмоқ)– شَمَلَ -- ва شَمِلَ - شُمُولٌ (умумлашмоқ)?

ж) Баъзи феъллар мужарраднинг бир бобида бир маънода бўлса– бошқа бобида бошқа бир маънони ифодалайди: قَصَرَ - قَصْرٌ (тўхтатмоқ)– قَصَرَ - قُصُورٌ (ожизлик қилмоқ)– قَصُرَ - قِصَرٌ (қисқа бўлмоқ)?

д) Баъзи феъллар сулосий мужарраднинг бир бобида лозим бўлса– бошқа бобида мутаъаддий бўлиб келади: حَزَنَ - حُزْنٌ (хафа қилмоқ)– حَزِنَ - حَزَنٌ (хафа бўлмоқ)– خَفَى - خُفِيٌّ (яширмоқ)– خَفِيَ - خَفَاءٌ (яширин бўлмоқ)?

## *7 _ ДАРС* الدرس السابع

## *СУЛОСИЙ МАЗИЙД ВА РУБОЪИЙ*

Сулосий мужаррад феълларидан турли нисбатлари эътибори билан бир неча хил асли маънода қариндош бўлган феъллар ясаш мумкин? Масалан– ўзбек тилида "урди" феълидан худди шу феъл каби мозий– музореъ ва амрларда тусланадиган "урдирди"– "уринди"– "урворди" ва "уришди" феъллари ясалади? Шунга ўхшаш араб тилида ҳам сулосий мужаррад феълларига зоидалар қўшиш йўли билан асли маънода бир-бирига қариндош бўлган бошқа-бошқа маънодаги феъллар ясалади? Масалан– "эшитди" маъносидаги سَمِعَ феълидан أَسْمَعَ _ эшиттирди– اِسْتَمَعَ _ тинглади– تَسَامَعَ _ бир-бирларидан эшитишди– سَمَّعَ _ "Оллоҳ ҳамд айтганни эшитади" деди– تَسَمَّعَ _ эшитишга уринди

каби феъллар ясаш мумкин? Мана шу каби мақсадларда зоидалар қўшиб– сулосий мазийд феъллари ҳосил қилинади?

Сулосий мазийд ва рубоъийларда ҳар бир бобнинг масдари ўзига хос белгиланган вазнларда келади?

Сулосий мазийд ўн икки боб бўлади:

| Боб | Мозий | Музореъ | Амр | Масдар | Мисоллар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | أَفْعَلَ | يُفْعِلُ | أَفْعِلْ | إِفْعَالٌ | أَكْرَمَ | يُكْرِمُ | أَكْرِمْ | إِكْرَامٌ |
| 2 | فَعَّلَ | يُفَعِّلُ | فَعِّلْ | تَفْعِيلٌ | صَرَّفَ | يُصَرِّفُ | صَرِّفْ | تَصْرِيفٌ |
| 3 | فاعَلَ | يُفاعِلُ | فَاعِلْ | مُفَاعَلَةٌ | ضَارَبَ | يُضَارِبُ | ضَارِبْ | مُضَارَبَةٌ |
| 4 | اِنْفَعَلَ | يَنْفَعِلُ | اِنْفَعِلْ | اِنْفِعَالٌ | اِنْصَرَفَ | يَنْصَرِفُ | اِنْصَرِفْ | اِنْصِرَافٌ |
| 5 | اِفْتَعَلَ | يَفْتَعِلُ | اِفْتَعِلْ | اِفْتِعَالٌ | اِكْتَتَبَ | يَكْتَتِبُ | اِكْتَتِبْ | اِكْتِتَابٌ |
| 6 | تَفَعَّلَ | يَتَفَعَّلُ | تَفَعَّلْ | تَفَعُّلٌ | تَصَرَّفَ | يَتَصَرَّفُ | تَصَرَّفْ | تَصَرُّفٌ |
| 7 | تَفَاعَلَ | يَتَفَاعَلُ | تَفَاعَلْ | تَفَاعُلٌ | تَضَارَبَ | يَتَضَارَبُ | تَضَارَبْ | تَضَارُبٌ |
| 8 | اِفْعَلَّ | يَفْعَلُّ | اِفْعَلِّ | اِفْعِلَالٌ | اِحْمَرَّ | يَحْمَرُّ | اِحْمَرِّ | اِحْمِرَارٌ |
| 9 | اِفْعَالَّ | يَفْعَالُّ | اِفْعَالِّ | اِفْعِيلَالٌ | اِحْمَارَّ | يَحْمَارُّ | اِحْمَارِّ | اِحْمِيرَارٌ |
| 10 | اِسْتَفْعَلَ | يَسْتَفْعِلُ | اِسْتَفْعِلْ | اِسْتِفْعَالٌ | اِسْتَخْرَجَ | يَسْتَخْرِجُ | اِسْتَخْرِجْ | اِسْتِخْرَاجٌ |
| 11 | اِفْعَوْعَلَ | يَفْعَوْعِلُ | اِفْعَوْعِلْ | اِفْعِيعَالٌ | اِحْدَوْدَبَ | يَحْدَوْدِبُ | اِحْدَوْدِبْ | اِحْدِيدَابٌ |
| 12 | اِفْعَوَّلَ | يَفْعَوِّلُ | اِفْعَوِّلْ | اِفْعِوَّالٌ | اِجْلَوَّزَ | يَجْلَوِّزُ | اِجْلَوِّزْ | اِجْلِوَّازٌ |

Рубоъий мужаррад фақат бир боб бўлади:

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | فَعْلَلَ | يُفَعْلِلُ | فَعْلِلْ | فَعْلَلَةٌ | دَحْرَجَ | يُدَحْرِجُ | دَحْرِجْ | دَحْرَجَةٌ |

Рубоъий мазийд уч боб бўлади:

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | تَفَعْلَلَ | يَتَفَعْلَلُ | تَفَعْلَلْ | تَفَعْلُلٌ | تَدَحْرَجَ | يَتَدَحْرَجُ | تَدَحْرَجْ | تَدَحْرُجٌ |
| 2 | اِفْعَنْلَلَ | يَفْعَنْلِلُ | اِفْعَنْلِلْ | اِفْعِنْلَالٌ | اِبْرَنْشَقَ | يَبْرَنْشِقُ | اِبْرَنْشِقْ | اِبْرِنْشَاقٌ |
| 3 | اِفْعَلَلَّ | يَفْعَلِلُّ | اِفْعَلِلَّ | اِفْعِلْلَالٌ | اِقْشَعَرَّ | يَقْشَعِرُّ | اِقْشَعِرِّ | اِقْشِعْرَارٌ |

Бу бобларни "ифъол боби"– "тафъил боби"– "муфоъала боби"??? деб ўз масдарининг вазни билан номланади? Масалан– أَقْفَـــلَ феъли қайси бобдан деб сўралса– ифъол бобидан деб жавоб берилади?

*15 _ машқ? Қуйидаги феълларнинг бобини аниқланг?*

اِبْيَضَّ تَغَرْغَرَ اِنْتَصَرَ تَجَاهَلَ اِشْتَغَلَ اِنْقَطَعَ بَرْهَنَ تَكَلَّفَ أَحْضَرَ اِعْشَوْشَبَ اِسْتَيْقَظَ تَكَلَّمَ نَظَّفَ اِنْكَسَرَ اِحْتَسَبَ

اِطْمَأَنَّ شَاتَمَ تَنَفَّسَ اِفْتَضَحَ اِسْتَنْطَقَ اِنْشَرَحَ فَتَّشَ تَرَافَعَ تَعَلَّقَ اِسْتَمَعَ عَظَّمَ أَوْصَلَ اِخْضَرَّ تَرَقْرَقَ اِسْتَوْطَنَ تَكَاثَرَ

*16 _ машқ? Қуйидаги берилган мисолларнинг бошқа сийға (мозий– музореъ– амр– масдар)ларини топинг?*

? تَقَاذَفَ مُجَاهَرَةٌ اِرْتَبِطِيْ تَرَحَّمُوا تَسْتَلْهِمُونَ اِنْشَرَحَتْ رَوِّجْ أَفْسَدْتُمْ يُقَدِّرُونَ اِسْتِغْفَارٌ نَسْتَبِقُ جَاهِدُوا يُرَتِّبُ

## *ҚЎШИМЧА ДАРС* الـــتـــذيـــيـــل

## *ВАСЛИЙЯ ВА ҚАТЪИЙЯ ҲАМЗАЛАР*

Мазкур сулосий мазийд бобларида уч ўзак ҳарф ёнига аввалги уч бобда бир ҳарф– сўнгги беш бобда икки ҳарф ва охирги тўрт бобда эса уч ҳарф қўшилган?

Шу сулосий мазийд ва рубоъий мазийд биноларида ўн боб зоида ҳамза билан бошланган? Бу ҳамзали боблар ичида اِفْعَــالٌ бобининг ҳамзаси қатъийя ва қолган тўққиз бобнинг ҳамзалари васлийядир?

Олдидаги ҳарф ҳаракатли бўлса– хатда ёзилса ҳам талаффуз қилинмайдиган ҳамза ***ҳамзаи васлийя*** дейилади: اَلسَّعِيدُ اجْتَهَدَ   اَلْقَلَمُ انْكَسَرَ кabi?

***Қатъийя ҳамза*** гап орасида келганда ҳам кескин ўқиладиган ҳамзадир?

هذا الرَّجُلُ أَيْقَظَنِي каби?

Ифъол бобида мозий أَفْعَلَ феълидан музореъ ясаш учун олдига музораъат ҳарфлари қўшилса– ҳамзаси қатъийя бўлгани учун يُأَفْعِلُ تُأَفْعِلُ أَأَفْعِلُ نُأَفْعِلُ каби бўлиши керак? Лекин сўзловчи (мутакаллим) бирлигида أَأَفْعِلُ бўлиб иккита ҳамза бир жойда айтилишига тўғри келади? Бу эса равон араб тилига ёт бўлган қўполликдир– шунинг учун умуман музореъда ғоиб ва мухотобларида ҳам боб аломати бўлган қатъийя ҳамза ёзувда ҳам– талаффузда ҳам туширилади?

### *Ифтиъол боби*

а) "Фо"си ўрнида ظ ط ض ص ҳарфларидан бири бўлган феъллар ифтиъол бобига кўчирилса– боб аломати бўлган ت ҳарфи ط га алмаштирилади:

اِظْطَلَمَ   اِظْتَلَمَ   ظَلَمَ ؟ اِطَّرَدَ   اِطْتَرَدَ   طَرَدَ ؟ اِضْطَرَبَ   اِضْتَرَبَ   ضَرَبَ ؟ اِصْطَبَرَ   اِصْتَبَرَ   صَبَرَ

б) Калиманинг "фо"си ز ذ د ҳарфларидан бири бўлса– ифтиъолнинг ت си د га алмаштирилади:

اِزْدَجَرَ   اِزْتَجَرَ   زَجَرَ ؟ اِذْدَخَرَ   اِذْتَخَرَ   ذَخَرَ ؟ اِدَّرَأَ   اِدْتَرَأَ   دَرَأَ

ж) Ифтиъол бобининг ت сини мазкур ز ذ د ظ ҳарфларининг худди ўзига алмаштириб бириктирилса ҳам мумкин:

اِزَّجَرَ   اِزْزَجَرَ   اِزْتَجَرَ   زَجَرَ ؟ اِذَّكَرَ   اِذْذَكَرَ   اِذْتَكَرَ   ذَكَرَ ؟ اِظَّلَمَ   اِظْظَلَمَ   اِظْتَلَمَ   ظَلَمَ

д) اِذَّكَرَ каби "фо"си ذ бўлган феъллар د га алмаштириб ҳам айтилади:

اِدَّكَرَ   اِذَّكَرَ   اِذْذَكَرَ   اِذْتَكَرَ   ذَكَرَ

ҳ) Калиманинг "фо"си ي و ҳарфларидан бўлса– ت га алмаштириб– боб аломати бўлган ت га бириктирилади:

اِتَّسَرَ   اِتْتَسَرَ   اِيْتَسَرَ   يَسَرَ ؟ اِتَّحَدَ   اِتْتَحَدَ   اِوْتَحَدَ   وَحَدَ

<u>*Э с л а т м а?*</u> Ифтиъолда و нинг ت га алмашишига асосланган ҳолда исмлар ҳам ясалади: تُكْلَةٌ = اِتَّكَلَ   اِوْتَكَلَ (ожиз)– تُخْمَةٌ = اِتَّخَمَ   اِوْتَخَمَ (бўкиб қолиш)– تُهْمَةٌ = اِتَّهَمَ   اِوْتَهَمَ (туҳмат)– تُكَأَةٌ = اِتَّكَأَ   اِوْتَكَأَ (суянчиқ)– تَقْوَى = اِتَّقَى   اِوْتَقَى (қўрқиш) ва تَقِيٌّ (тақводор)?

### *Тафаъъул– тафоъул ва тафаълул боблари*

Зоида ت билан бошланувчи шу уч бобдаги феъллар музореъида ت қўшиладиган саккиз сийғада (ғоибнинг муаннас муфради– таснияси ва олти мухотобда) боб аломати бўлган ت тушириб қолдирилиши мумкин? Масалан: تَنَزُّلٌ (тушмоқ)

? تَنَزَّلْنَ _ تَتَنَزَّلْنَ – تَنَزَّلِينَ _تَتَنَزَّلِينَ – تَنَزَّلُونَ _ تَتَنَزَّلُونَ – تَنَزَّلاَنِ _ تَتَنَزَّلاَنِ – تَنَزَّلُ _ تَتَنَزَّلُ

*17 _ машқ? Қуйидаги феълларни ифтиъол бобига кўчиринг?*

صلح   وَفقَ   نَصَرَ   زَقَمَ   نَقَمَ   وَصَلَ   يَئِسَ   ظَهَرَ   ذَبحَ   ضَجَعَ   طَلَعَ   تَبِعَ   دَرَعَ   وَجهَ   شَملَ   سَرَقَ   زَرَدَ   صَحَبَ

### *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН*   للمطالعة

1? Айни ظ ط ض ص س ز ر ذ د ث ت ҳарфларидан бўлган феъллар ифтиъол бобига кўчирилса– музореъда боб аломати бўлган ت шу ҳарфга алмаштирилиши ва кириштирилиши мумкин– бунинг учун ت нинг фатҳаси олдидаги ҳарфга кўчирилади:

يَفَرِّقُ _ يَفْتَرِقُ   يَعَذِّرُ _ يَعْتَذِرُ   يَبَذِّلُ _ يَبْتَذِلُ   يَهَدِّي _ يَهْتَدِي   يَنَشِّرُ _ يَنْتَشِرُ   يَقَتِّلُ _ يَقْتَتِلُ

يَنَظِّرُ _ يَنْتَظِرُ   يَلَطِّمُ _ يَلْتَطِمُ   يَنَضِّلُ يَنْتَضِلُ   يَخَصِّمُ _ يَخْتَصِمُ   يَبَسِّمُ _ يَبْتَسِمُ   يَنَزِّعُ _ يَنْتَزِعُ

Ушбу феъллар "фо"нинг касраси билан ўқилиши ҳам мумкин: يَخِصِّمُ   يَقِتِّلُ каби?

2? Тафаъъул ва тафоъул бобларида *фо* ўрнида шу 11 ҳарфдан бири бўлса зоида ت ни ўша ҳарфга алмаштириб– сўнг кириштирилса мумкин? Масдар ва мозийда икки бир хил ҳарф бириктирилиши натижасида биринчиси сокин бўлиб қолади? Калимани сокин билан бошлаш мумкин бўлмагани учун олдига васлийя ҳамза қўшилади:

يَدَّثَّرُ يَدَدَّثَّرُ يَتَدَثَّرُ ? اِدَّثَّرَ دّدَثَّرَ دَدَثَّرَ تَدَثَّرَ

Масдари ҳам ҳамзали боблар масдари каби ўзгаради: تَدَثُّرٌ اِدِّثَّارٌ ?

? اِذِّكَّارٌ يَذّكَّرُ اِذَّكَّرَ : تَذَكُّرٌ ? اِدَّارُكٌ يَدَّارَكُ اِدَّارَكَ : تَدارُكٌ ? اِثَّاقُلٌ يَثَّاقَلُ اِثَّاقَلَ : تَثَاقُلٌ

? اِطِّهَّارٌ يَطَّهَّرُ اِطّهَّرَ : تَطَهُّرٌ ? اِسِّمَّاعٌ يَسَّمَّعُ اِسَّمَّعَ : تَسَمُّعٌ ? اِزِّيَّانٌ يَزَّيَّنُ اِزَّيَّنَ : تَزَيُّنٌ

Қуръони Каримдаги اِثَّاقَلْتُمْ – لا يَسَّمَّعونَ – اِدَّارَكْتُمْ –يَطَّهَّرْنَ – يا أَيُّها الْمُدَّثِّرُ – يا أَيُّها الْمُزَّمِّلُ муборак сўзлари ҳам мана шу қабилдан?

## *МАХСУС ДАРС* الـــدرس الـــخـــاص

### *<u>1? Ифъол боби</u>*

Феъллар бир неча мақсадда ифъол бобига кўчирилади:

1? Ўтимсиз лозим феълларни ўтимли феълга айлантириш учун: ذَهَـــبَ - (кетди) أَذْهَـــبَ (кетказди)?

Фақат битта қилинмишга ўтувчи феъл ифъол бобига кўчирилса– иккита қилинмишга ўтувчи феълга айланади:

لَبِسَ فريدٌ قَميصًا (Фарид кўйлак кийди) _ أَلْبَسَ فَريدًا قَميصًا (Фаридга кўйлак кийгизди)?

Аслида икки қилинмишга ўтувчи феъл бўлса– ифъол бобига кўчирилиши билан уч қилинмишга ўтувчи феълга айланади:

عَلِـــمَ سَـــعْدًا عالِمًـــا (Саъдни олим деб билди) _ أَعْلَـــمَ فَريـــدًا سَـــعدًا عالِمًـــا (Фаридга Саъдни олим деб тушунтирди)?

2? Феълдан тушунилган вақт-пайтга кирувчининг кирганини– ўша вақтда бўлганини ифодалайди: أَصْبَحَ الْمَريضُ (касал тонг палласига етди)– أَمْسَى الْمُسَافِرُ (сайёҳ кечкиртирди)?

3? Бир жойни кўзлаш– бирор шаҳарга боришни қасд қилиш маъносини ифодалайди: أَعْــرَقَ (Ироққа боришни қасд қилди)– أَمْصَرَ (Миср тарафга жўнади)?

4? Асли феълдан тушунилган сифатга қилувчининг эга бўлганини англатади: أَطْفَلَــتْ فاطِمَــةُ (Фотима болали бўлди)– أَلْحَمَ زيدٌ (Зайд гўштдор бўлди)?

5? Қилинмишни бир сифат ва ҳолатда топганини билдиради: أَبْخَلْتُ محمودًا (Маҳмудни бахил деб топдим– бахил эканини билиб олдим)– أَحْمَدْتُ كريمًا (Каримни мақтовга муносиб деб топдим)?

6? Бир нарсанинг вақти етганини ифодалайди: أَحْصَدَ الزَّرْعُ (экинни йиғиштириш вақти етди)?

7? Феълдан тушунилган ҳолат ёки сифатнинг йўқ қилинганини– кетказилганини англатади: أَشْكَيْتُ صالِحًا (Солиҳнинг касали(шакво)ни йўқотдим)?

### *<u>2? Тафъил боби</u>*

Феълни тафъил бобида келтиришдан қуйидаги мақсадлардан бири кўзда тутилади:

1? Лозим феълни мутаъаддийга айлантириш учун:

فَرِحَ (хурсанд бўлди) _ فَرَّحَ (хурсанд қилди)?

2? Бир ишни қайта-қайта– кўп марта қилинганини ифодалаш учун:

قَطَعَ (кесди) _ قَطَّعَ (қиймалади)?

Кўп такрорланиш ва қайта-қайта бажарилиш ифодаси асли феълга– феъл бажарувчисига ёки қилинмишга тегишли бўлиши мумкин:

طُفْتُ (айландим) _ طَوَّفْـــتُ (кўп айландим)– مـــاتَ (ўлди) _ مَوَّتَـــتِ الإِبِـــلُ (кўп туялар ўлди)– غَلَقْتُ (беркитдим) _ غَلَّقْتُ الأَبْوابَ (кўп эшикларни беркитдим)?

3? Қилинмишнинг феълдан тушунилган сифатга мансублигини ифодалайди:

جَهَّلْتُ ذا وَجْهَيْنِ (иккиюзламачини жаҳолатга мансуб деб билдим)– كَفَّرْتُ بوذِيًّا (буддистни куфрга нисбатини бердим)?

4? Феълдан тушунилган сифатнинг йўқ қилинганини англатади:

قَشَّرْتُ الْعُودَ (ёғочни арчдим– қишрини-пўстини кетказдим)?

5? Феъл бажарувчиси феълдан тушунилган нарсага ўхшаб қолгани тушунилади:

قَوَّسَ الشَّيْخُ (чол эгилди– қадди камон (қавс) бўлди)?

6? Исмдан феъл ясаш учун: خَيَّمَ الْقَوْمُ (чодир (хайма) тикдилар)?

7? Бир жойни қасд қилганини ва бир тарафга қараб жўнаганини англатади:

شَرَّقَ (шарққа қараб жўнади)– غَرَّبَ (ғарбга қараб жўнади)– كَوَّفَ (Кўфа шаҳрига кетди)– فَوَّزَ (саҳро тарафга йўл олди)?

### *3? Муфоъала боби?*

1? Феъл қилувчи ва қилинмишнинг ўзаро иштирокида бажарилганлигини ифодалайди: ضَارَبَ سَعِيدٌ مَحْمُودًا (Саид Маҳмуд билан уришди)? Бу жумладан Саид Маҳмудни урганлигини тушуниш билан бирга Маҳмуд ҳам Саидни урганини тушунамиз?

Лозим феъллардан мушоракат маъносини ифодалаш учун муфоъала бобига кўчирилган феъллар муғолаба _ яъни– баслашиш ва мусобақа қилиш мазмунига ҳам далолат қилади– муғолаба ва мусобақа натижаси бўлган ғалаба феъли сулосий мужарраднинг 2 _ فَعَلَ يَفْعُلُ бобидан келади:

كَاثَرْتُ زَيْدًا فَكَثَرْتُهُ (Зайд билан (молда ёки илмда) кўплик талашдим-да– ундан кўплик қилдим)– فاضَلْتُ سَعِيدًا فَفَضَلْتُهُ (Саид билан афзаллик талашдим-да– афзаллик қилдим)? Қилинмиш кўпликда мағлуб бўлгани учун ундан олинган исми мафъул _ مَكْثُورٌ кўп эмас– оз маъносида бўлади?

2? فَعَّلَ каби бир ишни кўп марта– қайта-қайта қилинганини англатади:

ضَاعَفَ اللهُ اَجْرَهُ (Оллоҳ ажрини кўп зиёда қилсин) _ ضَعَّفَ каби?

3? فَعَلَ дан фарқсиз– маънавий ифодасиз бўлиши мумкин:

قَتَلَ = قَاتَلَ (ўлдирди)– سَفَرَ = سَافَرَ (сафарга чиқди)?

### *4? Инфиъол боби*

Сулосий мужаррадда мутаъаддий бўлган феълни лозим феълга айлантириш учун инфиъол бобига кўчирилади: كَسَرَ (синдирди) _ اِنْكَسَرَ (синди)?

Бу бобда куч ёки бир асбоб ёрдамида бажариладиган феъллар келади? Шунинг учун "билди" маъносидаги عَلِمَ феълидан "маълум бўлди" маъносидаги اِنْعَلَمَ феъли ясаб бўлмайди?

### *5? Ифтиъол боби*

1? Сулосий мужарраддаги мутаъаддий феълни лозимга айлантиради:

جَمَعَ (тўплади) _ اِجْتَمَعَ (тўпланди)?

2? Исмдан феъл ясаш учун: خُبْزٌ (нон) _ اِخْتَبَزَ (нон қилди)?

3? Феълни кўп аҳамият бериб– жидду-жаҳд билан бажарилганлигини англатади:

كَسَبَ (ҳосил қилди) _ اِكْتَسَبَ (уриниб юриб қилди)?

### *6? Тафаъъул боби*

1? Тафъил бобидаги мутаъаддий феълни лозимга айлантириш учун тафаъъул бобига кўчирилади: كَسَّرَ (парчалади) _ تَكَسَّرَ (парчаланди)?

Тафъил бобида икки қилинмишга ўтувчи феъл бўлса– бу бобга ўтиш билан фақат бир қилинмишга ўтувчи феълга айланади:

عَلَّمْتُ التِّلْمِيذَ الْقِراءَةَ (ўқувчига ўқишни ўргатдим) _ هذا التِّلْمِيذُ تَعَلَّمَ الْقِراءَةَ (бу ўқувчи ўқишни ўрганди)?

2? Қилувчи қўлидан келмайдиган ишга уринганини ва ўзида асли бўлмаган ахлоқни ҳосил қилишга тиришганини ифодалайди:

تَكَرَّمَ (карамли бўлишга уринди)– تَشَجَّعَ (шижоатли бўлишга тиришди)?

3? Асли феълдан тушунилган ҳолатдан ўзини сақлаганлиги тушунилади:

تَهَجَّدَ (уйқу ( هجود )дан сақланди)– تَأَثَّمَ (гуноҳ ( إثم )дан сақланди)?

4? Бир ҳолатдан бошқа ҳолатга тушиб қолиш маъносида: تَأَيَّمَ (бева ( اَيِّم ) бўлиб қолди)?

5? Исмдан феъл ясаш учун: تَوَسَّدَ التُّرابَ (ўзига тупроқни болиш ( وِسادة ) қилди)?

### *7? Тафоъул боби*

1? Бир иш кўпчилик ўртасида ўзаро бажарилганлигини ифодалайди:

تَصَالَحَ الْقَوْمُ (одамлар ўзаро сулҳ қилишдилар)?

2? Муфоъала бобидаги мутаъаддий феълни лозимга айлантириш учун:

باعَدْتُ زَيْدًا (Зайдни узоқлаштирдим) _ تَبَاعَدَ (узоқлашди)?

3? Ўзида йўқ сифат ва ҳолатни бор қилиб кўрсатиш маъносида:

تَمارَضَ (ўзини касалга солди)– تَجاهَلَ (ўзини билмаган қилиб кўрсатди)?

### *8? Ифъилол боби*

1? Феъл эгасининг бир сифатга кирганига далолат қилиш учун:

احْمَرَّ الْبُسْرُ (ғўра қизарди)?

2? Асли феълдан тушунилган сифатни кучайтириш учун:

اسْوَدَّ اللَّيلُ (кеча қоп-қоронғу бўлди)?

### *9? Ифъийлол боби*

Бу боб ҳам феълдан тушунилган сифатни кучайтириш учун ясалади?
Бу бобда бир сифат ортиқча даражада ва аста-секин ҳосил бўлгани тушунилади:

احْمارَّ (қип-қизариб кетди)?

Бу икки бобда кўпроқ рангларга ва айбли сифатларга далолат қилган феъллар келади?

### *10? Истифъол боби*

1? Бир иш-ҳаракатнинг бажарилиши талаб қилинганини ифодалайди:

نَطَقَ (гапирди) _ اسْتَنْطَقَ (гапириб беришни талаб қилди)?

2? Қилинмишнинг бир сифатга эга эканини аҳлан топганини ёки бир сифатга эга деб ўйлаганини англатади:

اسْتَعْظَمَ الأَمْرَ (бу иш жуда буюк иш деб топди)?

3? Қилувчи феълдан тушунилган ҳолатга кўчганини билдиради:

اسْتَحْجَرَ الطِّينُ (лой тошга айланди)?

4? Мутаъаддий феълни лозимга айлантириш учун:

أَيْقَظَ (уйғотди) _ اسْتَيْقَظَ (уйғонди)?

### *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН* للمطالعة

### *Мулҳақлар*

Сулосий мазийднинг 8_дарсда кўрсатиб ўтилган 12 бобидан ташқари рубоъийларга ўхшатиб ясалган бошқа 13 боби ҳам бор? Улар рубоъийларга мулҳақ (илова) деб аталади?

دَحْرَجَ га мулҳақ

1? فَعْلَلَ = شَمْلَلَ (тезлади)

2? فَوْعَلَ = حَوْقَلَ (кучсизланди)

3? فَيْعَلَ = بَيْطَرَ (даволади)

4? فَعْوَلَ = جَهْوَرَ (зоҳир бўлди)

5? فَعْنَلَ = قَلْنَسَ (телпак кийди)

6? فَعْلَى = قَلْسَا (телпак кийгизди)

تَدَحْرَجَ га мулҳақ

1? تَفَعْلَلَ = تَجَلْبَبَ (паранжи ёпинди)

2? تَفَوْعَلَ = تَجَوْرَبَ (пайпоқ кийди)

3? تَفَيْعَلَ = تَشَيْطَنَ (фосиқлик қилди)

4? تَفَعْوَلَ = تَرَهْوَكَ (ҳазмли бўлди)

5? تَمَفْعَلَ = تَمَسْكَنَ (камбағал бўлиб қолди)

احْرَنْجَمَ га мулҳақ

1? افْعَنْلَلَ = اقْعَنْسَسَ (керилиб юрди)

2? افْعَنْلَى = اسْلَنْقَى

Рубоъий فَعْلَلَ билан рубоъийга мулҳақ бўлган فَعْلَلَ ўртасидаги фарқ шундан иборатки– рубоъийда аслий ҳарфлардан бири бўлган тўртинчи ҳарф учинчидан бошқача ҳарф бўлиши керак– рубоъийга мулҳақ бўлган شَمْلَلَ каби сулосий мазийдларда эса فَعْلَلَ га ҳамвазн бўлиши учун учинчи ҳарфнинг худди ўзидан яна битта қўшилган: جَلَبَ _ تَجَلْبَبَ – قَعَسَ _ اقْعَنْسَسَ каби?

## *8 _ ДАРС* الـــد ر س الــثـــا مـــن

### *МАЖҲУЛЛИК НИСБАТИ*

Феъл ким тарафидан бажарилганлиги маълум бўлса– юқорида кўрсатиб ўтилган вазнлардан бирида бўлиши керак? Бу вазнлардаги феъллар ***маълум феъллар*** деб аталади? Маълум феълларнинг бажарувчиси феълнинг ўз ёнида зикр қилинади:

كَنَسَتْ فاطمةُ الْبَيْتَ – مَحْمودٌ كَتَبَ الْمَكْتوبَ – قَرَأَ سَعيدُ الدَّرْسَ каби?

Иш-ҳаракатнинг ким томонидан бажарилганлиги маълум бўлмаса ёки феъл билан бирга зикр қилиш имкони бўлмаса феъл ўзига хос бошқача вазнларда келтирилади? Қаламни Рашид синдирганлигини билсанг: "қаламни Рашид синдирди" деб айтасан? Ким синдирганидан бехабар бўлсанг: "қалам синдирилди" деб феълни бутунлай бошқача кўринишда айтасан?

Қилувчиси зикр қилинмайдиган феъллар ***мажҳул феъллар*** деб аталади? Мажҳул феълларда қилувчи ўрнига қилинмиш зикр қилинади:

كُسِرَتِ الْمِحْبَرَةُ – كُنِسَ الْبَيْتُ – اَلْمَكْتوبُ كُتِبَ – قُرِئَ الدَّرْسُ каби?

Мозий феълидан мажҳуллик нисбати ясаш учун охиргидан олдинги ҳарфи касрали қилинади– бундан бошқа барча ҳаракатли ҳарфлар замма билан айтилади– сокин ҳарфлар эса сокинлигича қолади:

? تُدُحْرِجَ _ تَدَحْرَجَ – اُسْتُحْكِمَ _ اِسْتَحْكَمَ – اُكْتُسِبَ _ اِكْتَسَبَ – قُطِعَ _ قَطَعَ

Музореъ феълини мажҳулга айлантириш учун охиргидан олдинги ҳарфи фатҳа қилинади ва музораъат ҳарфи замма билан айтилади? Бошқа ҳарфлар ўз ҳаракат ва сукунларида ўзгаришсиз қолади:

? يُتَدَحْرَجُ _ يَتَدَحْرَجُ – يُسْتَحْكَمُ _ يَسْتَحْكِمُ – يُكْتَسَبُ _ يَكْتَسِبُ – يُقْطَعُ _ يَقْطَعُ

### 22 _ БОБ МАЖҲУЛИ

***Сулосий мужаррад***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | فُعِلَ | يُفْعَلُ | ضُرِبَ | يُضْرَبُ |
| 2 | --- | --- | نُصِرَ | يُنْصَرُ |
| 3 | --- | --- | مُنِعَ | يُمْنَعُ |
| 4 | --- | --- | سُمِعَ | يُسْمَعُ |
| 5 | --- | --- | وُثِقَ | يُوثَقُ |
| 6 | --- | --- | شُرِفَ | يُشْرَفُ |

***Сулосий мазийд***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | أُفْعِلَ | يُفْعَلُ | اُكْرِمَ | يُكْرَمُ |
| 2 | فُعِّلَ | يُفَعَّلُ | صُرِّفَ | يُصَرَّفُ |
| 3 | فُوعِلَ | يُفاعَلُ | ضُورِبَ | يُضارَبُ |
| 4 | اُنْفُعِلَ | يُنْفَعَلُ | اُنْصُرِفَ | يُنْصَرَفُ |
| 5 | اُفْتُعِلَ | يُفْتَعَلُ | اُكْتُسِبَ | يُكْتَسَبُ |
| 6 | تُفُعِّلَ | يُتَفَعَّلُ | تُصُرِّفَ | يُتَصَرَّفُ |
| 7 | تُفُوْعِلَ | يُتَفاعَلُ | تُضُورِبَ | يُتَضارَبُ |
| 8 | اُفْعُلَّ | يُفْعَلُّ | اُحْمُرَّ | يُحْمَرُّ |
| 9 | اُفْعُوْلَّ | يُفْعَالُّ | اُحْمُوْرَّ | يُحْمَارُّ |
| 10 | اُسْتُفْعِلَ | يُسْتَفْعَلُ | اُسْتُخْرِجَ | يُسْتَخْرَجُ |
| 11 | اُفْعُوْعِلَ | يُفْعَوْعَلُ | اُحْدُوْدِبَ | يُحْدَوْدَبُ |
| 12 | اُفْعُوِّلَ | يُفْعَوَّلُ | اُجْلُوِّزَ | يُجْلَوَّزُ |

***Рубоъий мужаррад***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | فُعْلِلَ | يُفَعْلَلُ | دُحْرِجَ | يُدَحْرَجُ |

***Рубоъий мазийд***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | تُفُعْلِلَ | يُتَفَعْلَلُ | تُدُحْرِجَ | يُتَدَحْرَجُ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 2 | اُفْعُنْلِلَ | يُفْعَنْلَلُ | اُبْرُنْشِقَ | يُبْرَنْشَقُ |
| 3 | اُفْعُلِلَّ | يُفْعَلَلُّ | اُقْشُعِرَّ | يُقْشَعَرُّ |

*18 _ машқ? Қуйидаги феълларни мажҳул қилинг ва 14 сийғада туслаб– маъноларини айтиб беринг?*

رَفَعَ ـَ — رَفْعٌ (кўтармоқ)– اِلْصَاقٌ (ёпиштирмоқ)– تَنْظِيفٌ (тозаламоқ)– اِسْتِخْرَاجٌ (чиқармоқ)?

*19 _ машқ? Қуйидаги феълларни маълум ва мажҳулларга ажратиб– икки стун қилиб ёзинг– бобларини ва маъноларини айтиб беринг?*

تَنصَّرَ تُجُوهِلَ تَنَعَّمَ كُبْكِبُوا يُشَاتَمُ تَرَاضَيْنَا قُوتِلَ حَقَّقْتَ تَكَلَّفْتُ انْكَتَمَ يُنْتَقَدُ يَنْقُلُ يُفَرِّحُ يُبْعَدُ كَرُمَ اُخْرِجَ

يَضْمَحِلُّ يَخْضَرُّ يَنْفَصِلُ يَرْتَقِبُ اُسْتُعْطِرَ قُوبِلْنَا يُسْتَخْرَجُ اُرْتُكِبَ قُصِدَ رَاقَبْتُ نُودِيَ زُلْزِلَتْ اُعْشُوشِبَ اِسْوَدَّ

## ҚЎШИМЧА ДАРС التذييل

### Фоил ва ноиб фоил

Араб тили наҳв фанида иш-ҳаракатнинг бажарувчисини ***фоил*** деб аталади– қилинмиш эса ***мафъул*** номи билан юритилади?

Фоилнинг охирги ҳарфи заммали (рафъ) бўлиши керак– мафъул эса фатҳали (насб) бўлади: قَطَعَ الْخادِمُ الْخُبْزَ каби?

3_шахс ғоибнинг музаккар ва муаннаси бирлигида фоил феълнинг ёнида айтилиши мумкин: كَتَبَ سَلِيمٌ – كَتَبَتْ فاطِمَةُ – يَكْتُبُ رَشِيدٌ – تَكْتُبُ زَيْنَبُ каби?

Бошқа шахс ва сонларда мозий феълида охирига қўшилган ҳарфлар исми замир бўлиб– улар шу феълнинг фоилидир? Шунинг учун ғоибнинг бирликларидан бошқа шахс ва сонларда феъл ёнида яна бошқа алоҳида фоил зикр қилиш тўғри бўлмайди? Масалан: كَتَبَا رَجُلانِ – كَتَبُوا رِجالٌ – كَتَبْتَ فَرِيدٌ – كَتَبْنا مُسْلِمونَ деб айтилмайди?

Мозий феълида фоил ўрнидаги замир исмлар

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| – | ـَا | ـُوا | – | ـَا | ـْنَ | ـْتَ | ـْتُمَا | ـْتُمْ | ـْتِ | ـْتُمَا | ـْتُنَّ | ـْتُ | ـْنَا |

Ғоибнинг муаннаси бирлиги فَعَلَتْ даги сукунли تْ исми замир бўлмай– муаннаслик белгиси бўлган шунчаки бир ҳарф бўлгани учун уни феълнинг фоили деб эътибор қилинмайди ва шунга кўра ундан кейин очиқ исмлардан бир фоил зикр қилиш мумкин: قَرَأَتْ فاطِمَةُ каби?

Музореъ феълида ҳам ғоибнинг музаккар ва муаннаси бирлигидан бошқа сийғаларда очиқ исмлардан фоил айтиб бўлмайди? Мухотоб ва мутакаллимлар бирлигида ҳамда мутакаллим кўплигида феълдан кейин исми замир қўшилмаса ҳам "сен"– "мен" ва "биз" маъноси фоил сифатида ўз-ўзидан тушунилиб тургани учун очиқ исмлардан фоил келтириш мумкин эмас: تَقْرَأُ – أَقْرَأُ – نَقْرَأُ каби?

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| – | ـَا | ـُوا | – | ـَا | ـْنَ | – | ـَا | ـُوا | ـَيْ | ـَا | ـْنَ | – | – |

Фоили ноаниқ бўлган мажҳул феълларда фоил ўрнига мафъул келтирилади– бунинг учун мафъул ҳам насб бўлмай худди фоил каби рафъ белгиси замма билан айтилади: كُتِبَ الْمَكْتُوبُ – كُسِرَتِ الْمِحْبَرَةُ каби?

Мажҳул феълларнинг фоил ўрнига қўйилган мафъули ***ноиб фоил*** деб юритилади? Юқорида айтиб ўтилган замир исмлар ҳам мажҳул феълларда мафъул маъносида бўлиб– ноиб фоил деб эътибор қилинади:

شُتِمْنا (сўкилдик)– رُئِيْتُ (кўрилдим)– اُحْبِبْتَ (севилдинг)?

## ЛОЗИМ ФЕЪЛЛАР МАЖҲУЛИ

Мажҳул феълларда фоил ўрнига мафъулнинг зикр қилиниши шарт бўлгани учун мафъулга ўтмайдиган лозим феълларни мажҳул қилиб бўлмайди? Лозим феъл بِـ кўмакчи ёрдамида ўтимли феълга айлантирилгандагина мажҳул қилинса мумкин:

ذَهَبْتُ بِسَعِيدٍ _ ذُهِبَ بِسَعِيدٍ каби?

*20 _ машқ? Қуйидаги жумлалардаги феълларнинг фоили– мафъули ва ноиб фоилини аниқланг?*

عِنْدَ الإمْتِحانِ يُكْرَمُ الْمَرْءُ اَوْ يُهانُ. مَكَّةُ بَلْدَةٌ مُبارَكَةٌ فِيها وُلِدَ رَسولُ اللهِ مُحَمَّدٌ عَلَيْهِ السَّلامُ. نَحْنُ نَتَعَلَّمُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ بِحُبٍّ وَ اِخْلاصٍ لِأَنَّهُ اُنْزِلَ الْقُـرْآنُ بِلِسانٍ عَرَبِيٍّ. وَ رُوِيَتْ اَحاديثُ رَسولِنا الْمَحْبوبِ بِهذِهِ اللُّغَةِ و دُوِّنَ الْعُلومُ الْقَدِيمَةُ و الْفُنونُ الْحَديثَةُ بِها. هذِهِ اللُّغَةُ تُوَحِّدُ الْمُسْلِمينَ في مَشارِقِ الْأَرْضِ و مَغارِبِها. قُلِ الْخَيْرَ وَ اِلاَّ فَاسْكُتْ. مَنْ يَزْرَعِ الشَّوْكَ لا يَحْصُدُ مِنْهُ الْعِنَبَ. لاَ تُؤَخِّرْ شُغْلَ الْيَوْمِ اِلَى غَدٍ.

## *9 _ ДАРС* الـدرس الـتـاسـع

### *ИСМ ВА ФЕЪЛ ТУРЛАРИ*

Исм ва феъл ўзак ҳарфларининг хилига кўра уч қисмга бўлинади: ***содда калималар– бир хил ҳарфдан тузилган калималар*** ва ***синиқ калималар***?

Исм ва феъл сарф фанида ўрганилувчи умумий вазнларга ўзгаришсиз тушиши учун ўзак ҳарфларидан ҳеч бири иллат ҳарфларидан бўлмаслиги керак ҳамда икки ҳарфи бир хил ҳарф бўлмаслиги лозим? Мад ҳарфларидан бўлган و ا ي (вов– алиф– ё) сарф фанида ***иллат ҳарфлари*** деб юритилади?

### *Саҳиҳ _ содда калималар*

Ўзак ҳарфларидан ҳеч бири иллат ҳарфларидан бўлмаса ва икки ҳарфи бир хил бўлмаса ***саҳиҳ*** деб аталади? Саҳиҳнинг аслий ҳарфларида ء (ҳамза) иштирок этмаса ***солим*** деб номланади: حِبْرٌ ва كَتَبَ каби?

Аслий ҳарфларидан бири ҳамза бўлган калималар ***маҳмуз*** дейилади? Агар ҳамза калиманинг фоси ўрнида бўлса ***маҳмуз ул-фо***– айни ўрнида бўлса ***маҳмуз ул-айн***– ломи ўрнида бўлса ***маҳмуз ул-лом*** деб юритилади: أَكْلٌ أَكَلَ – رَأْسٌ رَأَسَ – دَرْءٌ دَرَأَ каби?

### *Музоъаф*

Иккита ҳарфи бир хил бўлган исм ва феълар ***музоъаф*** дейилади? Сулосийларда музоъаф айн ва лом ўрнидаги икки ҳарфнинг бир хил ҳарф бўлганлиги билан фарқланади: مَـدَدٌ = فَعَـلٌ – مَـدّ (аслида مَـدَدَ _ فَعَـلَ)? Рубоъийларда эса фо ва биринчи ломи бир хил– айн ва иккинчи ломи бирт хил ҳарф бўлиши керак: زَلْزَلَةٌ = فَعْلَلَةٌ – زَلْزَلَ = فَعْلَلَ каби?

### *Муътал _ синиқ сўзлар*

Ўзак ҳарфларидан бири иллат ҳарфи бўлган калималар ***муътал*** дейилади?

Агар калиманинг фоси иллат ҳарфи бўлса ***мисол*** _ (саҳиҳга ўхшаш) деб аталади: وَعْدٌ _ وَعَـدَ – يُسْرٌ _ يَسَرَ каби?

Агар калиманинг айни иллат ҳарфи бўлса ***ажваф*** _ (ғовак) дейилади: قَوْلٌ _ قالَ (аслида قَوَلَ)– بَيْعٌ _ باعَ (аслида بَيَعَ) каби?

Агар калиманинг ломи иллат ҳарфи бўлса ***ноқис*** _ (қисқа) дейилади: رَمْيٌ _ رَمَى (аслида رَمَيَ)– صَحْوٌ _ صَحا (аслида صَحَوَ) каби?

Агар калиманинг айни ва ломи иллат ҳарфи бўлса ***лафиф*** _ (ёпишган) деб аталади: هَـوًى (аслида هَوَيٌ) ва هَوِيَ каби?

Агар калиманинг фо ва ломи иллат ҳарфи бўлса ***мултавий*** _ (ўралган) дейилади: وَجْيٌ ва وَجَى (аслида وَجَيَ ) каби?

Бир калима бу турларнинг бир нечасига мансуб бўлиши ҳам мумкин– масалан: وَدَّ феъли фоси иллат ҳарфи бўлганига кўра мисол дейилса– айн ва ломи бир хил ҳарф бўлгани учун музоъаф ҳам дейилади? Шунингдек– رَأَى феъли маҳмуз ул-айн ҳамда ноқисдир? أَبَى феъли маҳмуз ул-фо ва ноқис– يَئِسَ феъли мисол ва маҳмуз ул-айндир ва ҳоказо?

<u>*Эслатма?*</u> Аслий ҳарфлардан ташқари қўшимча ҳарфлар калиманинг мазкур турларга бўлинишида эътиборга олинмайди? Аслий ҳарфлардан бири иллат ҳарфи бўлмаган ҳар қандай калима зоида қўшилган ҳарфлари иллат ҳарфларидан бўлса ҳам– саҳиҳ деб айтилаверади? Масалан: كاتِـبٌ – مَكْتُـوبٌ – كُتُبِـيٌّ исмларида аслий моддаси иллатсиз ك ت ب ҳарфларидан иборат бўлгани учун алиф– вов ва ё ҳарфлари бўлса ҳам саҳиҳ деб турланади?

*21 _ машқ? Қуйидаги сўзларни турларга ажратинг?*

وَرِثْنا  لامَ  مَشَيْتَ  تَسَلْسَلَ  مَرَرْتُ  يَسُرَ  يَقولُ  رُوِيَ  يُنَهْنِهُ نامَ  رَأَيْتُ  قامَ  قَتَلَ  سُرِرْتُ  فَنِيَ  وَقَى  سَئِمَ  وَثَبَ  دُعِيَ  اَخَذَ  يَقْرَأُ  وَضَعَ
سَبَى  كَئِبْتُ  طالَ  قَلَّ  عَمِيَ  حَوِلَ  جاءَ  ?

| Турлар номи | Икки бир хил ҳарф | Ҳамза | Ҳарф иллат | Мисоллар |
|---|---|---|---|---|
| Солим | _ | _ | _ | كَتَبَ , دَحْرَجَ |
| Маҳмузул-фо | _ | ف | _ | أَكَلَ |
| Маҳмузул-айн | _ | ع | _ | سَأَلَ |
| Маҳмузул-лом | _ | ل | _ | قَرَأَ |
| Сул?музоъаф | ع + ل | _ | _ | فَرَّ |
| Руб?музоъаф | ف ва 1-ل  ع ва 2-ل | _ | _ | زَلْزَلَ |
| Мисол | _ | _ | ف | وَعَدَ , يَسَرَ |
| Ажваф | _ | _ | ع | قالَ , باعَ |
| Ноқис | _ | _ | ل | دَعَا , رَمَى |
| Лафиф | _ | _ | ع + ل | رَوَى , حَيِيَ |
| Мултавий | _ | _ | ف +ل | وَلِيَ |




*22_ машқ? Қуйидаги остига чизилган исм ва феъълларни турларга ажратинг ва феъълларнинг боби ва сийғасини топинг?*

باعَ الْكُتُبِيُّ  ?  بَكَى الصَّبِيُّ  ?  صَدَحَ الْبُلْبُلُ  ?  خارَ الْبَقَرُ  ?  زَأَرَ الأسَدُ  ?  قَرَّت الْحَيَّةُ  ?  صاح الديك ?  نَبَحَ الْكَلْبُ  ?  ماء الْهِرُ  ?  عَوِيَ الذئْبُ
اَوَّلُ النَّومِ النُّعاسُ ثُمَّ الْوَسَنُ ثُمَّ التَّرْنِيقُ ثُمَّ الْكَرَى ثُمَّ الأغْفاءُ ثُمَّ التَّهْوِيمُ ثُمَّ الْغِرارُ ثُمَّ الرُّقادُ ثُمَّ  ?  وَجَدْتُ اُمَّكَ فِى الْبَيْتِ  ?  اَكَلَ الْوَلَدُ الطِّينَ  ?  مَجَلَّةً
الْهُجُودُ و الْهُجوعُ و الْهُبوعُ ?

## *ҚЎШИМЧА ДАРС*   التـــذيـــل

## *ФЕЪЛ БОБЛАРИДА ТУРЛАР*

Ҳар қандай бинодаги феъл аслий ҳарфларининг эътибори билан мазкур турларнинг бирига дохилдир? 22 бобнинг ҳар бирида келган мазкур турлардаги феъллардан мисоллар кўрсатиб ўтамиз? Бу жадвалда қайси бобга бирор турда мисол кўрсатилмаган бўлса– ўша бобда шу турда бўлган феъл араб тилида йўқлиги тушунилади? Масалан– сулосий мужарраднинг иккинчи бобида лафиф ва мултавийга мисол берилмаганлигидан шу бобда араб тилида лафиф ва мултавий ўзи йўқлиги билинади?

*Шартли белгилар:*

*со _ солим;  ҳ?ф? _ маҳмуз ул-фо;  ҳ?а? _ маҳмуз ул-айн;  ҳ?л? _ маҳмуз ул-лом; мз? _ музоъаф;  с?в? _ мисол вовий;  с?ё? _ мисол ёий;  ж?в? _ ажваф вовий;  ж?ё? _ ажваф ёий;  н?в? _ ноқис вовий;  н?ё? _ ноқис ёий;  ф?в? _ лафиф вовий;  ф?ё? _ лафиф ёий;  му? _ мултавий;  с+мз? _ мисол ва музоъаф?*

### *Сулосий мужаррад*

| Тур | 1-боб | 2-боб | 3-боб | 4-боб | 5-боб | 6-боб |
|---|---|---|---|---|---|---|
| со? | ضَرَبَ يَضْرِبُ | نَصَرَ يَنْصُرُ | مَنَعَ يَمْنَعُ | سَمِعَ يَسْمَعُ | نَعِمَ يَنْعِمُ | شَرُفَ يَشْرُفُ |
| ҳ?ф? | اَدَبَ يأْدِبُ | اَخذَ يأْخُذُ | اَبَهَ يأْبَهُ | اَرِجَ يأْرَجُ | | اَسُلَ يأْسُلُ |
| ҳ?а? | رَأَسَ يَرْئِسُ | دَأَى يَدْؤُو | رَأَى يَرَى | يَئِسَ يَيْأَسُ | | لَؤُمَ يَلْؤُمُ |
| ҳ?л? | هَنَأَ يَهْنِئُ | هَنَأَ يَهْنُؤُ | قَرَأَ يَقْرَأُ | صَدِئَ يَصْدَأُ | | جَرُؤَ يَجْرُؤُ |
| мз? | فَرَّ يَفِرُّ | مَدَّ يَمُدُّ | | مَلَّ يَمَلُّ | | حَبَّ يَحُبُّ |
| с?в? | وَعَدَ يَعِدُ | وَدَّ يَوُدُّ | وَقَعَ يَقَعُ | وَجِلَ يَوْجَلُ | وَرِثَ يَرِثُ | وَقُحَ يَوْقُحُ |
| с?ё? | يَسَرَ يَيْسِرُ | | يَفَعَ يَيْفَعُ | يَئِسَ يَيْأَسُ | يَبِسَ يَيْبِسُ | يَقُظَ يَيْقُظُ |
| ж?в? | | قالَ يَقُولُ | | خافَ يَخافُ | | طالَ يَطولُ |
| ж?ё? | باعَ يَبِيعُ | | | هابَ يَهابُ | | |
| н?в? | | دَعا يَدْعو | | رَضِيَ يَرْضَى | | رَخُوَ يَرْخُوُ |
| н?ё? | رَمَى يَرْمِي | | رَعَى يَرْعَى | خَشِيَ يَخْشَى | | |
| ф?в? | رَوَى يَرْوِى | | | قَوِيَ يَقْوَى | | |
| ф?ё? | | | | حَيِيَ يَحْيَى | | |
| му? | وَقَى يَقِى | | | وَجِيَ يَوْجَى | وَلِيَ يَلِى | |

### *Сулосий мазийд*

| Тур | 1-боб | 2-боб | 3-боб | 4-боб | 5-боб | 6-боб |
|---|---|---|---|---|---|---|
| со? | أَكْرَمَ يُكْرِمُ | صَرَّحَ يُصَرِّحُ | سافَرَ يُسافِرُ | اِنْسَحَبَ يَنْسَحِبُ | اِحْتَسَبَ يَحْتَسِبُ | اِحْمَرَّ يَحْمَرُّ |
| ҳ?ф? | آمَنَ يُؤْمِنُ | أَمَّنَ يُؤَمِّنُ | آكَلَ يُؤَاكِلُ | | اِئْتَمَنَ يَأْتَمِنُ | |
| ҳ?а? | أَرَى يُرِى | رَأَّسَ يُرَئِّسُ | سَاءَلَ يُساءِلُ | اِنْجَأَفَ يَنْجَئِفُ | اِرْتَأَسَ يَرْتَئِسُ | |
| ҳ?л? | أَقْرَأَ يُقْرِئُ | جَزَّأَ يُجَزِّئُ | دَارَأَ يُدارِئُ | اِنْدَرَأَ يَنْدَرِئُ | اِجْتَرَأَ يَجْتَرِئُ | |
| мз? | أَحَبَّ يُحِبُّ | جَدَّدَ يُجَدِّدُ | حَابَّ يُحَابُّ | اِنْقَضَّ يَنْقَضُّ | اِحْتَجَّ يَحْتَجُّ | |
| с?в? | أَوْجَبَ يُوجِبُ | وَحَّدَ يُوَحِّدُ | واظَبَ يُواظِبُ | | اِتَّحَدَ يَتَّحِدُ | |
| с?ё? | أَيْسَرَ يُوسِرُ | يَسَّرَ يُيَسِّرُ | ياسَرَ يُياسِرُ | | اِتَّسَرَ يَتَّسِرُ | |
| ж?в? | أَقَامَ يُقِيمُ | صَوَّبَ يُصَوِّبُ | جَاوَبَ يُجَاوِبُ | اِنْقَادَ يَنْقَادُ | اِقْتَاتَ يَقْتَاتُ | اِسْوَدَّ يَسْوَدُّ |
| ж?ё? | أَرابَ يُرِيبُ | طَيَّبَ يُطَيِّبُ | طَايَبَ يُطايِبُ | اِنْقَاسَ يَنْقَاسُ | اِكْتَالَ يَكْتَالُ | اِبْيَضَّ يَبْيَضُّ |
| н?в? | اَرْضَى يُرْضِى | رَبَّى يُرَبِّى | حَابَى يُحَابِى | اِنْجَلَى يَنْجَلِى | اِجْتَلَى يَجْتَلِى | اِرْعَوَى يَرْعَوِى |
| н?ё? | اَهْدَى يُهْدِى | رَقَّى يُرَقِّى | رَاعَى يُرَاعِى | اِنْبَرَى يَنْبَرِى | اِخْتَفَى يَخْتَفِى | |
| ф?в? | اَرْوَى يُرْوِى | سَوَّى يُسَوِّى | دَارَى يُدَارِى | اِنْزَوَى يَنْزَوِى | اِحْتَوَى يَحْتَوِى | |
| ф?ё? | اَحْيَى يُحْيِى | حَيَّى يُحَيِّى | عَايَى يُعَايِى | | | |
| му? | اَيْدَى يُودِى | وَفَّى يُوَفِّى | وَالَى يُوَالِى | | اِتَّقَى يَتَّقِى | |

| Тур | 7-боб | 8-боб | 9-боб | 10-боб | 11-боб | 12-боб |
|---|---|---|---|---|---|---|
| со? | اِحْمَارَّ يَحْمَارُّ | تَفَصَّحَ يَتَفَصَّحُ | تَدَارَكَ يَتَدارَكُ | اِسْتَخْرَجَ يَسْتَخْرِجُ | اِحْدَوْدَبَ يَحْدَوْدِبُ | اِجْلَوَّزَ يَجْلَوِّزُ |
| ҳ?ф? | | تَأَنَّقَ يَتَأَنَّقُ | تَآكَلَ يَتَآكَلُ | اِسْتَأْمَنَ يَسْتَأْمِنُ | | |
| ҳ?а? | | تَرَأَّسَ يَتَرَأَّسُ | تَسَاءَلَ يَتَسَاءَلُ | اِسْتَرْأَى يَسْتَرْئِى | | |
| ҳ?л? | | تَجَرَّأَ يَتَجَرَّأُ | تَدَأَرَأَ يَتَدارَأُ | اِسْتَقْرَأَ يَسْتَقْرِئُ | | |
| мз? | | تَجَدّدَ يَتَجَدَّدُ | تَصَامَّ يَتَصَامُّ | اِسْتَحَبَّ يَسْتَحِبُّ | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| с?в? | | تَوَرَّدَ يَتَوَرَّدُ | تَوَارَثَ يَتَوَارَثُ | اِسْتَوْجَبَ يَسْتَوْجِبُ | | |
| с?ё? | | تَيَسَّرَ يَتَيَسَّرُ | تَيَاسَرَ يَتَيَاسَرُ | اِسْتَيْسَرَ يَسْتَيْسِرُ | | |
| ж?в? | اِسْوَادَّ يَسْوَادُّ | تَصَوَّرَ يَتَصَوَّرُ | تَجَاوَبَ يَتَجَاوَبُ | اِسْتَجَابَ يَسْتَجِيبُ | | |
| ж?ё? | اِبْيَاضَّ يَبْيَاضُّ | تَحَيَّرَ يَتَحَيَّرُ | تَزَايَدَ يَتَزَايَدُ | اِسْتَبَاعَ يَسْتَبِيعُ | | |
| н?в? | | تَقَصَّى يَتَقَصَّى | تَصَابَى يَتَصَابَى | اِسْتَجْلَى يَسْتَجْلِى | اِجْلَوْلَى يَجْلَوْلِى | |
| н?ё? | | تَرَقَّى يَتَرَقَّى | تَعَامَى يَتَعَامَى | اِسْتَهْدَى يَسْتَهْدِى | | |
| ф?в? | | تَرَوَّى يَتَرَوَّى | تَدَاوَى يَتَدَاوَى | اِسْتَهْوَى يَسْتَهْوِى | | |
| ф?ё? | | تَزَيَّى يَتَزَيَّى | تَعَايَى يَتَعَايَى | اِسْتَحْيَى يَسْتَحْيِى | | |
| Му? | | تَوَفَّى يَتَوَفَّى | تَوَارَى يَتَوَارَى | اِسْتَوْفَى يَسْتَوْفِى | | |

***Рубоъий боблари***

| | فَعْلَلَةٌ | تَفَعْلُلٌ | اِفْعِنْلاَلٌ | اِفْعِلاَّلٌ |
|---|---|---|---|---|
| со? | دَحْرَجَ يُدَحْرِجُ | تَدَحْرَجَ يَتَدَحْرَجُ | اِبْرَنْشَقَ يَبْرَنْشِقُ | اِقْشَعَرَّ يَقْشَعِرُّ |
| ҳ?ф? | | تَأَمْرَكَ يَـــأَمْرَكُ | | |
| ҳ?а? | رَأْرَأَ يُرَأْرِئُ | تَرَأْرَأَ يَتَرَأْرَأُ | | |
| ҳ?л? | سَمْأَلَ يُسَمْئِلُ | | | اِطْمَأَنَّ يَطْمَئِنُّ |
| с+мз? | وَسْوَسَ يُوَسْوِسُ | تَوَشْوَشَ يَتَوَشْوَشُ | | |
| н? | سَرْوَلَ يُسَرْوِلُ | تَسَرْوَلَ يَتَسَرْوَلُ | | |
| ф? | ضَوْضَى يُضَوْضِى | | | |

*23 _ машқ? Қуйидаги феълларнинг бобларини аниқланг ва қайси турга доир эканини айтиб беринг?*

اِسْتَحْوَزَ اِنْعَطَّ تَصَامَى اِصْطَعَدَ تَسَايَلَ دَأْدَأَ اِسْتَخَارَ اِخْشَوْشَنَ اِرْتَكَزَ تَغَرْغَرَ اِسْتَغَرَّ اِعْلَوْلَى تَغَدَّى

? اِسْتَقْرَى اِصْفَرَّ كَافَأَ تَعَامَى اِعْرَوْرَى تَخَذْرَفَ اِفْرَنْقَعَ اِعْشَوْشَبَ اِنْهَالَ تَعَافَّ اِحْلَوْلَى تَزَيَّنَ اِشْمَخَرَّ

## 10 _ ДАРС الـــدرس الـــعـــاشـــر

## МУЗОРЕЪ ФЕЪЛИДА УЧ ҲОЛАТ

Музореъ феъли исмлар каби ўз охирида ўзгарувчан ҳаракат _ эъробларни қабул қилади? Музореъ охирги ҳарфининг ўзи ёки ҳаракатлари ўзгаришига кўра уч ҳолатда _ рафъ– жазм ва насб ҳолатларида бўлади?

***Рафъ ҳолати***

| Мутакаллим | Мухотоб | | Ғоиб | |
|---|---|---|---|---|
| اَكْتُبُ | تَكْتُبِينَ | تَكْتُبُ | تَكْتُبُ | يَكْتُبُ |
| نَكْتُبُ | تَكْتُبَانِ | | تَكْتُبَانِ | يَكْتُبَانِ |
| | تَكْتُبْنَ | تَكْتُبُونَ | يَكْتُبْنَ | يَكْتُبُونَ |

Музореъ феълининг шахс қўшимчаларисиз беш сийғасида ломи иллат ҳарфи бўлса рафъ ҳолати ***замма*** билан белгиланади:

يَكْتُبُ تَكْتُبُ تَكْتُبُ اَكْتُبُ نَكْتُبُ

Тасниялар ( يَكْتُبَانِ تَكْتُبَانِ )– музаккар жамълари ( يَكْتُبُونَ تَكْتُبُونَ ) ва мухотоб муаннаси бирлигида ( تَكْتُبِينَ ) рафъ аломати _ ***эъроб нуни*** деб аталувчи нундир?

*Эслатма?* Охири иллат ҳарфи билан тугалланган феълларда иллат ҳарфини замма билан айтиш тилга оғир бўлгани учун рафъ аломати бўлган замма бордек фараз қилинса-да– сокин билан айтилади:

? يُرْمَى يُرْمَىُ : يُفْعَلُ – يَخْشَى يَخْشَىُ : يَفْعَلُ – يَدْعُو يَدْعُوُ : يَفْعُلُ – يَرْمِى يَرْمِىُ : يَفْعِلُ

Музореъ феълининг олдига насб ва жазм қилувчи ҳарфлар келмаса– албатта рафъ ҳолатида бўлади? Шунингдек– бўлишсизлик аломати бўлган لا ва ما ҳарфлари билан келганда ҳам музореъ рафъ ҳолатида бўлади? Бу хил музореъ ***феъли нафий*** ёки ***музореъи манфий*** деб юритилади?

***Феъли нафий сарфи***

| Мутакаллим | Мухотоб | | Ғоиб | |
|---|---|---|---|---|
| لا اَكْتُبُ | لا تَكْتُبِينَ | لا تَكْتُبُ | لا تَكْتُبُ | لا يَكْتُبُ |
| لا نَكْتُبُ | لا تَكْتُبانِ | | لا تَكْتُبانِ | لا يَكْتُبانِ |
| | لا تَكْتُبْنَ | لا تَكْتُبُونَ | لا يَكْتُبْنَ | لا يَكْتُبُونَ |

***Насб ҳолати***

Масдарга айлантирувчи اَنْ ва бўлишсизлик белгиси لَـنْ каби ҳарфлардан кейин келган музореъ феъли насб ҳолатида бўлади?

Шахс қўшимчаларисиз 5 сийғада насб белгиси фатҳадир:

لَنْ نَقْرَأَ لَن أَقْرَأَ لَنْ تَقْرَأَ لَنْ تَقْرَأَ لَن يَقْرَأَ

Иллат ҳарфларидан و ва ي ни фатҳа билан айтиш тилга оғир бўлмагани учун соғ ҳарфлардан фарқсиз шу 5 сийғада фатҳа билан насб бўлаверади: لَنْ يَرْمِـيَ – اَنْ يَـدْعُوَ каби? Фақат охири алиф билан тугалланган феълларда насб аломати _ фатҳа тақдирда (кўнгилда) бўлади: لَنْ يَخْشَىَ لَنْ يَخْشَى ? اَنْ يُرْمَىَ اَنْ يُرْمَى

Тасниялар(4та)– музаккар жамълари(2та) ва мухотоб муаннаси бирлигида (жами 7 сийғада) рафъ аломати бўлган эъроб нуни йўқотилиши билан феъл насб ҳолатига кўчади:

? اَنْ تَكْتُبِى اَنْ تَكْتُبُوا اَنْ يَكْتُبُوا اَنْ تَكْتُبَا اَنْ يَكْتُبَا

***لَنْ билан нафий қилинган музореъ феълининг тусланиши***

| Мутакаллим | Мухотоб | | Ғоиб | |
|---|---|---|---|---|
| لَنْ اَكْتُبَ | لَنْ تَكْتُبِي | لَنْ تَكْتُبَ | لَنْ تَكْتُبَ | لَنْ يَكْتُبَ |
| لَنْ نَكْتُبَ | لَنْ تَكْتُبَا | | لَنْ تَكْتُبَا | لَنْ يَكْتُبَا |
| | لَنْ تَكْتُبْنَ | لَنْ تَكْتُبُوا | لَنْ يَكْتُبْنَ | لَنْ يَكْتُبُوا |

***Жазм ҳолати***

Ўтган замон бўлишсизлик белгиси لَـمْ ва шарт аломати اِنْ каби ҳарфлардан сўнг музореъ феъли жазм ҳолатида бўлади?

Ломи ҳарф иллат бўлмаган музореъ феълларининг шахс қўшимчаларисиз 5 сийғасида жазм аломати сукундир: لَمْ نَقْرَأْ لَمْ أَقْرَأْ لَمْ تَقْرَأْ لَمْ يَقْرَأْ

Ломи иллат ҳарфи бўлган музореъларда жазм ҳолатида лом ўрнидаги иллат ҳарфи туширилади: اِنْ يَرْمِ اِن يَدْعُ اِنْ يَخْشَ каби?

Тасниялар(4та)– музаккар жамълари(2та) ва мухотоб муаннаси бирлигида рафъ аломати бўлган эъроб нуни йўқотилиши билан феъл жазм ҳолатига ўтади:

? اِنْ تَكْتُبِى اِنْ تَكْتُبُوا اِنْ يَكْتُبُوا اِنْ تَكْتُبَا اِنْ يَكْتُبَا

Ўтган замон бўлишсиз феъли _ ***феъли жаҳд*** _ деб аталади?

***Жаҳд феълининг тусланиши***

| Мутакаллим | Мухотоб | | Ғоиб | |
|---|---|---|---|---|
| لَمْ اَكْتُبْ | لَمْ تَكْتُبِي | لَمْ تَكْتُبْ | لَمْ تَكْتُبْ | لَمْ يَكْتُبْ |
| لَمْ نَكْتُبْ | لَمْ تَكْتُبَا | | لَمْ تَكْتُبَا | لَمْ يَكْتُبَا |
| | لَمْ تَكْتُبْنَ | لَمْ تَكْتُبُوا | لَمْ يَكْتُبْنَ | لَمْ يَكْتُبُوا |

*Эслатма?* Муаннаснинг жамълари: يَفْعُلْـنَ ва تَفْعُلْـنَ сийғаларида фатҳали нун шахс аломати _ исми замир бўлгани учун уч ҳолатда ҳам ўзгаришсиз қолади:

لَمْ يَدْخُلْنَ – اَنْ يَدْخُلْنَ – يَدْخُلْنَ каби?

*Хулоса? Рафъ аломати учта: замма (беш сийгада)– сукун кўринишида тақдирий замма (охири иллат ҳарфлиларда)– эъроб нуни (етти сийгада)?*

*Насб аломати ҳам учта: фатҳа (беш сийгада)– тақдирий фатҳа (охири алфлиларда)– эъроб нуни йўқотилиши (етти сийгада)?*

*Жазм аломати учта: сукун (беш сийгада)– иллат ҳарфи йўқотилиши (охири иллат ҳарфлиларда)– эъроб нуни йўқотилиши (етти сийгада)?*

*24 _ машқ? Қуйидаги феълларнинг ҳолатини аниқланг?*

لا تَرْضَ   اَنْ يُعْطِيَ   لاَ تَنْظُرُوا   لاَ يَنْظُرانِ   اِنْ تَبْرِ   يَنامُ   لَنْ يَضُرَّ   لَمْ يَدْخُلْ   لاَ تَبْكِ   يَبْكِى   لا يَجْتَهِدُ   يَفُكُّ   يَسْقُطُ

اَنْ يَشْتَرِيَ   لا تَخِيطِى   تَخِيطِينَ   لا يَبْقَى   لَنْ يَخْرُجُوا   يُنَقِّى   لا تَحْزَنُوا   تَفْرَحُونَ   لا يَنْوِى   اِنْ اَنْوِ   لَنْ يَرْضَى

## ҚЎШИМЧА ДАРС   التـــذيـــل

### АМР ЯСАШ

Тингловчидан бирор иш-ҳаракатни талаб қилиш учун айтиладиган ***амр*** _ буйруқ феъли музореъ феълининг мухотобидан ясалади? Бунинг учун музореълик белгиси бўлган اَتَـــيْنَ ҳарфлари олиб ташланади? Музораъат ҳарфидан кейинги ҳарф ҳаракатли бўлса шу бўйича қолдирилади:

[وَعَدَ] تَعِدُ عِدْ (ваъда бер)– [فَكَّرَ] تُفَكِّرُ فَكِّرْ (фикр қил)?

Агар сукунли бўлса– сўзни сокин ҳарфдан бошлаш мумкин бўлмагани учун олдига касрали вaслийя ҳамза ортдирилади:

[جَلَسَ] تَجْلِسُ جْلِسُ اِجْلِسْ (ўтир)– [سَمِعَ] تَسْمَعُ سْمَعُ اِسْمَعْ (эшит)– [اِجْتَهَدَ] تَجْتَهِدُ جْتَهِدُ اِجْتَهِدْ (урин)?

Сулосий мужарраднинг айни заммали иккинчи ва олтинчи бобларида музораъат ҳарфи олиб ташлангандан кейин– ундан кейинги ҳарфли сукунли бўлса айннинг заммасига мос бўлиши учун заммали вaслийя ҳамза қўшилади:

[قَعَدَ] تَقْعُدُ قْعُدْ اُقْعُدْ (ўтир)– [نَظُفَ] تَنْظُفُ نْظُفْ اُنْظُفْ (тозалан)?

Ифъол бобида музореъ ясалганда мутакаллимдаги музореълик белгиси бўлган ҳамза билан бобнинг ҳамзаси бир жойда бўлиб қолиб– اَاَفْعِلُ каби талаффуз қилиш қийин суратда бўлиб қолгани учун боб аломати бўлган ҳамза олиб ташланган эди (7-дарсга қаралсин)?

Амр ясашда музораъат белгиси бўлган ҳамза олиб ташланиши билан боб аломати бўлган фатҳали қатъийя ҳамзани айтишга имкон туғилади? Шунинг учун ифъол бобида амр– ҳарф музораъатдан кейинги ҳарф ҳаракатли ёки сукунли бўлишидан қатъий назар– фатҳали қатъийя ҳамза билан бошланади:

[أَحْسَنَ] تُحْسِنُ حْسِنُ أَحْسِنْ (яхшилик қил)– [أَقامَ] تُقِيمُ قِيمُ أَقِمْ (тўғрила)?

Амрнинг охирги ҳарфи жазм ҳолатидаги музореъ феъли каби ҳолатда бўлади:

1? Соғ ҳарф бўлса сокин қилинади: تَكْتُبُ اُكْتُبْ ?

2? Тасния– музаккар жамъи ва муаннас бирлигида рафъ аломати бўлган эъроб нуни олиб ташланади: تَكْتُبانِ اُكْتُبا – تَكْتُبُونَ اُكْتُبُوا – تَكْتُبِينَ اُكْتُبِى ?

3? Охири иллат ҳарф бўлса олиб ташланади: تَرْمِى اِرْمِ (от)– تَدْعُو اُدْعُ (чақир)?

4? Охирги икки ҳарфи бир хил бўлган феълларда:

а) икки бир хил ҳарфни киритирмасдан саҳиҳ феъллар каби амр ясалади:

تَفِرُّ аслида تَفْرِرُ فْرِرُ اِفْرِرْ (қоч)– تُحِبُّ аслида تُحْبِبُ حْبِبُ اَحْبِبْ (яхши кўр)?

б) киритирилгандан кейин охирги соғ ҳарф сокин қилингач– ***икки сокин***ни ўқиш қийин бўлгани учун ***"сокинга ҳаракат берилса касра берилади"*** деган машҳур қоида бўйича касра берилиши ҳам мумкин:

تَفِرُّ فِرُّ فِرّْ فِرِّ – تَرُدُّ رُدُّ رُدّْ رُدِّ ?

ж) энг енгил ҳаракат деб фатҳа билан айтилса ҳам мумкин: فِرَّ – رُدَّ каби?

д) يَفْعُلُ бобида айнининг ҳаракатига мос бўлиши учун замма билан айтилса ҳам бўлади: تَرُدُّ رُدّْ رُدُّ – تَشُدُّ شُدّْ شُدُّ каби?

Шунга кўра يَفْعُـــلُ бобида тўрт хил истеъмол жоиз: заммали– фатҳали– касрали ва идғомсиз сукунли? Бундан бошқа барча бобларда уч хил мумкин: фатҳали– касрали ва сукунли? مُدَّ – مُدِّ – مُدُّ– اُمْدُدْ ? فِرَّ – فِرِّ – اِفْرِرْ ?

<u>*Эслатма?*</u> Ажвафларда охирги соғ ҳарф сокин қилингач– икки сукунли ҳарф бир жойда бўлиб қолгани учун иллат ҳарфи туширилади:

تَبِيعُ بِيعْ بِعْ (сот)– تَقُولُ قُولْ قُلْ (айт)– تَخَافُ خَافْ خَفْ (қўрқ)?

*25 _ машқ? Қуйидаги феъллардан амр ясанг?*

تَسْمَعُ تَمِيلُ تَرْضَى تَسْتَوْهِمُ تُجَدِّدُ تُشَادُّ تَجِيئُونَ تَقْرَآنِ تَمُرُّ تَضَعُ تَشْتَرِى تُحِبُّونَ تَخِيطِينَ تَبْرِى تَنَامُ تَرْكَبُ
تَسْتَقِيمُ تُرِيدُ تَتَوَانَى تُقَهْقِهُ تُمَالِى تُشَاتِمُ تَمَلُّ تَفْرَحُ تَجُودُ تُوَرِّثُ تُبَرْهِنُ تَتَجَاهَلِينَ تَبْيَضُّ تَتَأَتَّى تَتَنَفَّسُ تَدَّخِرُ
تَتَوَكَّلُ ?

*26 _ машқ? Қуйидаги амрларнинг мозий ва музореъини топиб– амрнинг ясалиш кайфиятини тушунтириб беринг?*

? رُبَّ رَبِّ وَحِّدْ مُرُّوا لِ قَعْ صِدْ صُدَّ اخْرُجْ اِمْتَحِنْ اِسْأَلْ صُمْ اِلْبَسْ نَادِمْ تَفَضَّلْ لُم

## *11 _ ДАРС* الدرس الحادى عشر

### *ЕТТИ ФЕЪЛ*

Машҳур сарф дарсликларида етти хил феъл тусланиши бериб борилади: мозий– музореъ– феъли нафий– لَنْ билан манфий музореъ– феъли жаҳд– амр (ломлик– ломсиз)– наҳий (қайтарув)?

***ضَرَبَ _ урмоқ феълининг тусланиши***

ضَرَبَ _ мозий– يَضْرِبُ _ музореъ– لاَ يَضْرِبُ _ феъли нафий– لَنْ يَضْرِبَ _ феъли манфий– لَمْ يَضْرِبْ _ феъли жаҳд– اِضْرِبْ _ ломсиз амр– لِيَضْرِبْ _ ломлик амр– لاَ تَضْرِبْ _ наҳий?

***Мозий маълумининг сарфи***

| Мутакаллим | Мухотоб | | Ғоиб | |
|---|---|---|---|---|
| ضَرَبْتُ урдим | ضَرَبْتِ урдинг х? | ضَرَبْتَ урдинг | ضَرَبَتْ урди х? | ضَرَبَ урди |
| ضَرَبْنَا урдик | ضَرَبْتُمَا урдинглар 2 эр ё х? | | ضَرَبَتَا урди 2х? | ضَرَبَا урди 2 |
| | ضَرَبْتُنَّ урдинглар х | ضَرَبْتُمْ урдинглар | ضَرَبْنَ урдилар х | ضَرَبُوا урдилар |

***Мозий мажҳулининг сарфи***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ضُرِبْتُ урдим | ضُرِبْتِ урилдинг х? | ضُرِبْتَ урилдинг | ضُرِبَتْ урилди х? | ضُرِبَ урилди |
| ضُرِبْنَا урилдик | ضُرِبْتُمَا урилдинглар 2 эр ё х? | | ضُرِبَتَا урилди 2х? | ضُرِبَا урилди 2 |
| | ضُرِبْتُنَّ урилдинглар х? | ضُرِبْتُمْ урилдинглар | ضُرِبْنَ урилдилар х? | ضُرِبُوا урилдилар |

***Музореъ маълумининг сарфи***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| اَضْرِبُ ураман | تَضْرِبِينَ урасан х? | تَضْرِبُ урасан | تَضْرِبُ уради х? | يَضْرِبُ уради |
| نَضْرِبُ урамиз | تَضْرِبَانِ урасизлар 2? | | تَضْرِبَانِ урадилар 2х? | يَضْرِبَانِ урадилар 2 |
| | تَضْرِبْنَ урасизлар х? | تَضْرِبُونَ урасизлар | يَضْرِبْنَ урадилар х? | يَضْرِبُونَ урадилар |

***Музореъ мажҳулининг сарфи***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| اُضْرَبُ уриламан | تُضْرَبِينَ уриласан х? | تُضْرَبُ уриласан | تُضْرَبُ урилади х? | يُضْرَبُ урилади |
| نُضْرَبُ уриламиз | تُضْرَبَانِ уриласизлар 2? | | تُضْرَبَانِ уриладилар 2х? | يُضْرَبَانِ уриладилар 2 |
| | تُضْرَبْنَ уриласизлар х? | تُضْرَبُونَ уриласизлар | يُضْرَبْنَ уриладилар х? | يُضْرَبُونَ уриладилар |

***Нафий феъли маълумининг сарфи*** (рафъ ҳолида)

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لا اَضْرِبُ урмайман | لا تَضْرِبِينَ урмайсан х? | لا تَضْرِبُ урмайсан | لا تَضْرِبُ урмайди х? | لا يَضْرِبُ урмайди |
| لا نَضْرِبُ урмаймиз | لا تَضْرِبَانِ урмайсизлар 2? | | لا تَضْرِبَانِ урмайдилар 2х? | لا يَضْرِبَانِ урмайдилар 2 |
| | لا تَضْرِبْنَ урмайсизлар х? | لا تَضْرِبُونَ урмайсизлар | لا يَضْرِبْنَ урмайдилар х? | لا يَضْرِبُونَ урмайдилар |

***Нафий феъли мажҳулининг сарфи***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لا اُضْرَبُ<br>урилмайман | لا تُضْرَبِينَ<br>урилмайсан х? | لا تُضْرَبُ<br>урилмайсан | لا تُضْرَبُ<br>урилмайди х? | لا يُضْرَبُ<br>урилмайди |
| لا نُضْرَبُ<br>урилмаймиз | لا تُضْرَبَانِ<br>урилмайсизлар 2? | | لا تُضْرَبَانِ<br>урилмайдилар 2х? | لا يُضْرَبَانِ<br>урилмайдилар 2 |
| | لا تُضْرَبْنَ<br>урилмайсизлар х? | لا تُضْرَبُونَ<br>урилмайсизлар | لا يُضْرَبْنَ<br>урилмайдилар х? | لا يُضْرَبُونَ<br>урилмайдилар |

***لَنْ билан манфий бўлган музореъ маълуми*** (насб ҳолида)

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لَنْ اَضْرِبَ<br>ҳеч урмайман | لَنْ تَضْرِبِي<br>ҳеч урмайсан х? | لَنْ تَضْرِبَ<br>ҳеч урмайсан | لَنْ تَضْرِبَ<br>ҳеч урмайди х? | لَنْ يَضْرِبَ<br>ҳеч урмайди |
| لَنْ نَضْرِبَ<br>ҳеч урмаймиз | لَنْ تَضْرِبَا<br>ҳеч урмайсизлар 2? | | لَنْ تَضْرِبَا<br>ҳеч урмайди 2х? | لَنْ يَضْرِبَا<br>ҳеч урмайдилар 2 |
| | لَنْ تَضْرِبْنَ ҳеч<br>урмайсизлар х? | لَنْ تَضْرِبُوا<br>ҳеч урмайсизлар | لَنْ يَضْرِبْنَ<br>ҳеч урмайдилар х | لَنْ يَضْرِبُوا<br>ҳеч урмайдилар |

***لَنْ билан манфий бўлган музореъ мажҳули***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لَنْ اُضْرَبَ<br>ҳеч урилмайман | لَنْ تُضْرَبِي ҳеч<br>урилмайсан х? | لَنْ تُضْرَبَ<br>ҳеч урилмайсан | لَنْ تُضْرَبَ<br>ҳеч урилмайди х? | لَنْ يُضْرَبَ<br>ҳеч урилмайди |
| لَنْ نُضْرَبَ<br>ҳеч урилмаймиз | لَنْ تُضْرَبَا ҳеч<br>урилмайсизлар 2? | | لَنْ تُضْرَبَا ҳеч<br>урилмайди 2х? | لَنْ يُضْرَبَا ҳеч<br>урилмайдилар 2 |
| | لَنْ تُضْرَبْنَ ҳеч<br>урилмайсизлар х? | لَنْ تُضْرَبُوا ҳеч<br>урилмайсизлар | لَنْ يُضْرَبْنَ ҳеч<br>урилмайдилар х | لَنْ يُضْرَبُوا ҳеч<br>урилмайдилар |

***Жаҳд феъли маълумининг сарфи*** (жазм ҳолида)

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لَمْ اَضْرِبْ<br>урмадим | لَمْ تَضْرِبِي<br>урмадинг х? | لَمْ تَضْرِبْ<br>урмадинг | لَمْ تَضْرِبْ<br>урмади х? | لَمْ يَضْرِبْ<br>урмади |
| لَمْ نَضْرِبْ<br>урмадик | لَمْ تَضْرِبَا<br>урмадинглар 2? | | لَمْ تَضْرِبَا<br>урмади 2х? | لَمْ يَضْرِبَا<br>урмади 2 |
| | لَمْ تَضْرِبْنَ<br>урмадинглар х? | لَمْ تَضْرِبُوا<br>урмадинглар | لَمْ يَضْرِبْنَ<br>урмадилар х? | لَمْ يَضْرِبُوا<br>урмадилар |

***Жаҳд феъли мажҳулининг сарфи***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لَمْ اُضْرَبْ<br>урилмадим | لَمْ تُضْرَبِي<br>уриласан х? | لَمْ تُضْرَبْ<br>урилмдинг | لَمْ تُضْرَبْ<br>урилмади х? | لَمْ يُضْرَبْ<br>урилмади |
| لَمْ نُضْرَبْ<br>урилмадик | لَمْ تُضْرَبَا<br>урилмадинглар 2? | | لَمْ تُضْرَبَا<br>урилмадилар 2х? | لَمْ يُضْرَبَا<br>урилмадилар 2 |
| | لَمْ تُضْرَبْنَ<br>урилмадинглар х? | لَمْ تُضْرَبُوا<br>урилмадинглар | لَمْ يُضْرَبْنَ<br>урилмадилар х? | لَمْ يُضْرَبُوا<br>урилмадилар |

***Амр феъли маълумининг сарфи*** (жазм ҳолида)

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لِاَضْرِبْ<br>урай | اِضْرِبِي<br>ур х? | اِضْرِبْ<br>ур | لِتَضْرِبْ<br>урсин х? | لِيَضْرِبْ<br>урсин |
| لِنَضْرِبْ<br>урайлик | اِضْرِبَا<br>уринглар 2? | | لِتَضْرِبَا<br>урсинлар 2х? | لِيَضْرِبَا<br>урсинлар 2 |
| | اِضْرِبْنَ<br>уринглар х? | اِضْرِبُوا<br>уринглар | لِيَضْرِبْنَ<br>урсинлар х? | لِيَضْرِبُوا<br>урсинлар |

***Амр феъли мажҳулининг сарфи***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لِاُضْرَبْ | لِتُضْرَبِي | لِتُضْرَبْ | لِتُضْرَبْ | لِيُضْرَبْ |

| урилай | урил х? | урил | урилсин х? | урилсин |
|---|---|---|---|---|
| لِنُضْرَبْ<br>урилайлик | لِتُضْرَبَا<br>урилинг 2? | | لِتُضْرَبَا<br>урилсинлар 2х? | لِيُضْرَبَا<br>урилсинлар 2 |
| | لِتُضْرَبْنَ<br>урилинглар х? | لِتُضْرَبُوا<br>урилинглар | لِيُضْرَبْنَ<br>урилсинлар х? | لِيُضْرَبُوا<br>урилсинлар |

***Наҳий феъли маълумининг сарфи*** (жазм ҳолида)

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لا أَضْرِبْ<br>урмай | لا تَضْرِبِي<br>урма х? | لا تَضْرِبْ<br>урма | لا تَضْرِبْ<br>урмасин х? | لا يَضْرِبْ<br>урмасин |
| لا نَضْرِبْ<br>урмайлик | لا تَضْرِبَا<br>урманглар 2? | | لا تَضْرِبَا<br>урмасинлар 2х? | لا يَضْرِبَا<br>урмасинлар 2 |
| | لا تَضْرِبْنَ<br>урманглар х? | لا تَضْرِبُوا<br>урманглар | لا يَضْرِبْنَ<br>урмасинлар х? | لا يَضْرِبُوا<br>урмасинлар |

***Наҳий феъли мажҳулининг сарфи***

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| لا أُضْرَبْ<br>урилмай | لا تُضْرَبِي<br>урилма х? | لا تُضْرَبْ<br>урилма | لا تُضْرَبْ<br>урилмасин х? | لا يُضْرَبْ<br>урилмасин |
| لا نُضْرَبْ<br>урилмайлик | لا تُضْرَبَا<br>урилманглар 2? | | لا تُضْرَبَا<br>урилмасинлар 2х? | لا يُضْرَبَا<br>урилмасинлар 2 |
| | لا تُضْرَبْنَ<br>урилманглар х? | لا تُضْرَبُوا<br>урилманглар | لا يُضْرَبْنَ<br>урилмасинлар х? | لا يُضْرَبُوا<br>урилмасинлар |

*Х у л о с а?* Музореъ феъли ва لا билан бўлган нафий феъли рафъ ҳолатида бўлиши керак?

لَنْ билан манфий бўлган музореъ насб ҳолатида тусланади?

Феъли жаҳд– амр ва феъли наҳий жазм ҳолатида бўлади?

*Э с л а т м а?* Наҳий феъли билан нафий феъли ўртасидаги фарқ шундан иборатки– нафий феъли لا дан кейин келиб рафъ ҳолатида бўлса– наҳий феъли لا дан кейин келиб жазм ҳолатида бўлади? Нафийдаги لا ***нафий ломи*** деб– наҳийдаги لا ***наҳий ломи*** деб аталади? Нафий ломи феъли музореъ охирига ҳеч қандай ўзгариш киритмайди– наҳий ломи эса музореъни жазм ҳолатига келтиради:

لا تَرْجِعُ _ қайтмайсан– لا تَرْجِعْ _ қайтма– لا تَقُولُونَ _ айтмайсизлар– لا تَقُولُوا _ айтманглар?

***Икки савол***

*1? Маълум билан мажҳул феъллар ўртасида насб ва жазм бўлиш кайфиятларида фарқ борми$*

*2? Насб билан жазм ҳолати қайси сийғаларда бир-биридан фарқланади ва қайси сийғаларда фарқсиз; рафъ– насб ва жазм ҳолатларида қайси сийғада ўзгармай тураверади$*

*27 _ машқ? Қуйидаги феълларни етти хил туслаб– маъноларини айтинг?*

أَنْقَذَ يُنْقِذُ أَنْقِذْ اِنْقَاذٌ (қутқармоқ)– تَعَلَّمَ يَتَعَلَّمُ تَعَلَّمْ تَعَلُّمٌ (ўрганмоқ)?

## *12 _ ДАРС* الدَّرْسُ الثَّانِي عَشَرَ

## *ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ*

Исм ва феъл белгиланган вазнларга ўзгаришсиз мос келиши учун унда иллат ҳарфлари– икки бир хил ҳарф ва ҳамзалар бўлмаслиги керак?

و (*вов*) ва ی (*ё*) иллат ҳарфлари бўлгани учун замма ва касра каби оғир ҳаракатларни кўтара олмайди ва иллатли бўлгани учун кўп жойларда олиб ташланади ёки бири бошқасига (кўпича *алиф*га) алмашади?

Ҳаракатли бир хил икки ҳарф калимада бир ўринда бўлиши сўзловчининг тилига ноқулай бўлгани ва тингловчининг қулоғига ёқимсиз эшитилгани учун кўпинча киришитирилади?

Бўғиз ҳарфларидан бўлган *ҳамза* талаффузда иллат ҳарфларига яқин тургани учун маҳмузлар баъзи ўринларда ўз вазнига мувофиқ бўла олмайди?

Қабул қилинган муайян вазнларга солимдан бошқа турдаги калималарнинг баъзи ўринларда мувофиқ бўла олмаслигига асосан тўрт хил ўзгариш сабаб бўлади:

1? ***Идгом*** (киритштириш) فَعَلَ = مَدَدَ مَدَّ каби?

2? ***Қалб*** (алмаштириш) فَعَلَ = قَوَلَ قَالَ каби?

3? ***Таскин*** (сокин қилиш) يَفْعِلُ = يَرْمِيُ يَرْمِى каби?

4? ***Ҳазф*** (олиб ташлаш) يَفْعِلُ = يَوْعِدُ يَعِدُ каби?

### ***ИДҒОМ***

Икки бир хил ҳарф бир ўринда келса– уларни киритштириш учун иккинчиси ҳаракатли бўлиши шарт? Икки бир хил ҳарфнинг биринчиси эса:

[غ1] Олдидаги ҳарф ҳам ҳаракатли бўлса биринчининг ҳаракатини бевосита ташлаб– иккинчига киритштирилади:

فَعَلَ = فَرَرَ فَرْرَ فَرَّ ? فَعِلَ = مَلِلَ مَلْلَ مَلَّ ? فَعُلَ = حَبُبَ حَبْبَ حَبَّ ?

Биринчининг олдидаги ҳарф алиф ёки вов бўлганида ҳам шу усул билан идғом қилинади: فَاعَلَ = حَابَبَ حَابَّ ? فُوعِلَ = حُوبِبَ حُوْبَّ ?

[غ2] Икки бир хил ҳарфнинг олдидаги ҳарф сукунли бўлса– биринчининг ҳаракатини унга кўчирилади– кейин ҳаракатсиз бўлиб қолган биринчини иккинчига идғом қилинади:

يَفعِلُ = يَفْرِرُ يَفِرْرُ يَفِرُّ ? يَفْعُلُ = يَرْدُدُ يَرُدْدُ يَرُدُّ ? أَفْعَلَ = أَحْبَبَ أَحَبْبَ أَحَبَّ

### ***رَدٌّ (қайтармоқ) феълининг тусланиши***

***Мозий маълуми***

<table>
<tr><td>رَدَدْتُ</td><td>رَدَدْتِ</td><td>رَدَدْتَ</td><td>1غ رَدَّتْ</td><td>1غ رَدَّ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">رَدَدْنَا</td><td colspan="2">رَدَدْتُما</td><td>1غ رَدَّتَا</td><td>1غ رَدَّا</td></tr>
<tr><td>رَدَدْتُنَّ</td><td>رَدَدْتُمْ</td><td>رَدَدْنَ</td><td>1غ رَدُّوا</td></tr>
</table>

***Мозий мажҳули***

<table>
<tr><td>رُدِدْتُ</td><td>رُدِدْتِ</td><td>رُدِدْتَ</td><td>1غ رُدَّتْ</td><td>1غ رُدَّ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">رُدِدْنَا</td><td colspan="2">رُدِدْتُما</td><td>1غ رُدَّتَا</td><td>1غ رُدَّا</td></tr>
<tr><td>رُدِدْتُنَّ</td><td>رُدِدْتُمْ</td><td>رُدِدْنَ</td><td>1غ رُدُّوا</td></tr>
</table>

***Музореъ маълуми***

<table>
<tr><td>2غ أَرُدُّ</td><td>2غ تَرُدِّينَ</td><td>2غ تَرُدُّ</td><td>2غ تَرُدُّ</td><td>2غ يَرُدُّ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">2غ نَرُدُّ</td><td colspan="2">2غ تَرُدَّانِ</td><td>2غ تَرُدَّانِ</td><td>2غ يَرُدَّانِ</td></tr>
<tr><td>تَرْدُدْنَ</td><td>2غ تَرُدُّونَ</td><td>يَرْدُدْنَ</td><td>2غ يَرُدُّونَ</td></tr>
</table>

***Музореъ мажҳули***

<table>
<tr><td>2غ أُرَدُّ</td><td>2غ تُرَدِّينَ</td><td>2غ تُرَدُّ</td><td>2غ تُرَدُّ</td><td>2غ يُرَدُّ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">2غ نُرَدُّ</td><td colspan="2">2غ تُرَدَّانِ</td><td>2غ تُرَدَّانِ</td><td>2غ يُرَدَّانِ</td></tr>
<tr><td>تُرْدَدْنَ</td><td>2غ تُرَدُّونَ</td><td>يُرْدَدْنَ</td><td>2غ يُرَدُّونَ</td></tr>
</table>

***Амр маълуми***

<table>
<tr><td>2غ لِاَرُدَّ</td><td>2غ رُدِّي</td><td>2غ اُرْدُدْ – رُدِّ</td><td>2غ لِتَرُدَّ</td><td>2غ لِيَرُدَّ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">2غ لِنَرُدَّ</td><td colspan="2">2غ رُدَّا</td><td>2غ لِتَرُدَّا</td><td>2غ لِيَرُدَّا</td></tr>
<tr><td>اُرْدُدْنَ</td><td>2غ رُدُّوا</td><td>لِيَرْدُدْنَ</td><td>2غ لِيَرُدُّوا</td></tr>
</table>

***Амр мажҳули***

<table>
<tr><td>2غ لِأُرَدَّ</td><td>2غ لِتُرَدِّي</td><td>2غ لِتُرَدَّ</td><td>2غ لِتُرَدَّ</td><td>2غ لِيُرَدَّ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">2غ لِنُرَدَّ</td><td colspan="2">2غ لِتُرَدَّا</td><td>2غ لِتُرَدَّا</td><td>2غ لِيُرَدَّا</td></tr>
<tr><td>لِتُرْدَدْنَ</td><td>2غ لِتُرَدُّوا</td><td>لِيُرْدَدْنَ</td><td>2غ لِيُرَدُّوا</td></tr>
</table>

*Э с л а т м а ?* Сулосий мужарраднинг айни касрали биринчи бобида лозим (ўтимсиз) музоъафлар– айни заммали иккинчи бобидан мутаъаддий (ўтимли) музоъафлар келади?

*28 _ машқ? Қуйидаги музоъаф феълларни мозий– музореъ ва амрларда тусланг ҳамда идгомнинг қайси қонунига биноан асли вазнидан ўзгарганлигини топинг?*

1? زَلَّ _ يَزِلُّ _ زَلَلٌ (тойилмоқ) амри اِزْلَلْ ёки زِلَّ ?

2? مَسَّ _ يَمَسُّ _ مَسَاسٌ (ушламоқ) амри اِمْسَسْ ёки مَسِّ ?

3? أَمَدَّ _ يُمِدُّ _ أَمْدِدْ _ اِمْدادٌ (ёрдам бермоқ)?

4? اِشْتَدَّ _ يَشْتَدُّ _ اِشْتَدِدْ _ اِشْتِدادٌ (қаттиқлашмоқ)?

*29 _ машқ? Қуйидаги музоъафларнинг боби ва сийғасини топинг?*

سَافِرُوا – لا تَسُبُّوا اَحَدًا – يَحِلُّ لِلْمُؤْمِنِ تَعَلُّمُ كُلِّ عِلْمٍ – مَنْ دَقَّ الْبَابَ؟ – ظُنَّ بِالنَّاسِ خَيْرًا – تَعُدُّ النُّجُومَ – اَقُصُّ الْقِصَّةَ – شَكَكْتُ فِى اَمْرِهِ

يُسْتَحَبُّ الدُّعَاءُ بَعْدَ الأَكْلِ – اُحِبُّ الْعُلَمَاءَ جِدًّا – اِنْسَدَّ بَابُ الْحِيْلَةِ – لاَ يَمَسُّهُ اِلاَّ الْمُطَهَّرُونَ – لاَ يَضِلُّ ذُو الْعِلْمِ اَبَدًا – تَصِحُّوا وَ تَمْتَعُوا

## ҚЎШИМЧА ДАРС    التـــذيـــل

Икки бир хил ҳарфларни идғом қилиш учун иккинчиси албатта ҳаракатли бўлиши шарт деб ўтдик– чунки иккинчиси сокин бўлса биринчини унга киритиш учун сокин қилинганда икки сокиннинг бир жойда бўлиб қолишига тўғри келади– бу эса араб тилида асло мумкин эмас? Шунинг учун мозийда رَدَدْنَ ??? رَدَدْنا ва музореъда يَرْدُدْنَ – تَرْدُدْنَ лар идғом қилинмайди?

Музоъаф бўлмаган феълларда ҳам икки бир хил ҳарф бевосита бир жойда келиб– иккинчиси ҳаракатли бўлса албатта идғом қилинади? Масалан– сулосий мазийднинг ифъилол ва ифъийлол бобларида– рубоъий мазийднинг ифъиллол бобида идғом қонунларига мувофиқ ўзгариш бўлади:

اِفْعَلَلَ 1غ اِفْعَلَّ (саҳиҳ حَمُرَ дан) اِحْمَرَرَ 1غ اِحْمَرَّ ?

اِفْعَالَلَ 1غ اِفْعَالَّ (ажваф سود дан) اِسْوَادَدَ 1غ اِسْوَادَّ ?

اِفْعَلْلَلَ 2غ اِفْعَلَلَّ (саҳиҳ قَشْعَرَ дан) اِقْشَعْرَرَ 2غ اِقْشَعَرَّ ?

### *Ифъилол бобидан саҳиҳ _ اِحْمِرار (қизармоқ) феъли*

**_Мозий_**

<table>
<tr><td>اِحْمَرَرْتُ</td><td>اِحْمَرَرْتِ</td><td>اِحْمَرَرْتَ</td><td>1غ اِحْمَرَّتْ</td><td>1غ اِحْمَرَّ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">اِحْمَرَرْنا</td><td colspan="2">اِحْمَرَرْتُمَا</td><td>1غ اِحْمَرَّتا</td><td>1غ اِحْمَرَّا</td></tr>
<tr><td>اِحْمَرَرْتُنَّ</td><td>اِحْمَرَرْتُمْ</td><td>اِحْمَرَرْنَ</td><td>1غ اِحْمَرُّوا</td></tr>
</table>

**_Музореъ_**

<table>
<tr><td>1غ اَحْمَرُّ</td><td>1غ تَحْمَرِّينَ</td><td>1غ تَحْمَرُّ</td><td>1غ تَحْمَرُّ</td><td>1غ يَحْمَرُّ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">1غ نَحْمَرُّ</td><td colspan="2">1غ تَحْمَرَّانِ</td><td>1غ تَحْمَرَّانِ</td><td>1غ يَحْمَرَّانِ</td></tr>
<tr><td>تَحْمَرِرْنَ</td><td>1غ تَحْمَرُّونَ</td><td>يَحْمَرِرْنَ</td><td>1غ يَحْمَرُّونَ</td></tr>
</table>

**_Амр_**

<table>
<tr><td>1غ لِاَحْمَرَّ</td><td>1غ اِحْمَرِّي</td><td>1غ اِحْمَرَّ = اِحْمَرِرْ</td><td>1غ لِتَحْمَرَّ</td><td>1غ لِيَحْمَرَّ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">1غ لِنَحْمَرَّ</td><td colspan="2">1غ اِحْمَرَّا</td><td>1غ لِتَحْمَرَّا</td><td>1غ لِيَحْمَرَّا</td></tr>
<tr><td>اِحْمَرِرْنَ</td><td>1غ اِحْمَرُّوا</td><td>لِيَحْمَرِرْنَ</td><td>1غ لِيَحْمَرُّوا</td></tr>
</table>

*Х у л о с а ?* Идғом қилиш баъзи бир жойда вожиб– баъзи ўринларда ножоиз ва баъзи ҳолларда жоиз бўлади:

1? Бир хил икки ҳарфнинг иккинчиси ҳаракатли бўлса вожиб: فَرَرَ _ فَرَّ ?

2? Аслий– ўзгармас сукун бўлса ножоиз: فَعَلْنَ = فَرَرْنَ ?

3? Оризий сукун– яъни жазм ҳолатида пайдо бўлган сукун бўлса беш сийғада يَفْعُـــل бобида тўрт важҳ жоиз: 1) идғом қилмаслик; 2) идғом қилиб замма– 3) фатҳа 4) касра билан айтиш: لَـــمْ يَرْدُدْ = لَمْ يَرُدِّ – لَمْ تَرْدُدْ = لَمْ تَرُدِّ – لَمْ اَرْدَد = لَمْ اَرُدِّ – لَمْ نَرْدُدْ = لَمْ نَرُدِّ ?

Бошқа бобларда ва يُفْعُلُ нинг мажҳулида ҳам фақат уч важҳ _ заммадан бошқаси жоиз: لَمْ تَفِرْرْ = لَمْ تَفِرِّ ??? каби?

Сулосий мазийднинг тафъийл ва тафаъъул бобларида музоъафлар идғом қонунига мувофиқ бўлмагани учун саҳиҳдан фарқсиз тусланади: جَدَّدَ يُجَدِّدُ جَدِّدْ каби?

Шунингдек– рубоъий музоъафларда ҳам икки бир хил ҳарф ўртасида бошқа ҳарф бўлгани учун идғом қилиб бўлмайди: صَرْصَرَ يُصَرْصِرُ صَرْصِرْ каби?

*30 _ машқ? Қуйидаги сўзларни мозий– музореъ ва амрларда тусланг?*

? اِسْتَحَبَّ – اِطْمَأَنَّ – طَقْطَقَ – اِبْيَاضَّ

*31 _ машқ? Қуйидаги сўзлардан нотўгрисини тўгрилаб ёзинг?*

? اَعْدِدْ – تَعْضَضِيْنَ – اِشْمَأْزَزْتُمْ – جَدَدَ – اِسْوَدَدْتَ – اَعُدُّ – اُكْبُبَ – اَظْنُنُ – اِسْتَعَدُّوا – يَنْدُدُ – يَوْدُدْنَ – مَدَدْنَا – قَرَرْتَ – أَلَبَّ

### *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН* لـلـمـطـالـعـة

1? قَطِطَ شَعْرُهُ (сочи қалинлашди)– ضَبِبَتِ الْبَلَدُ (шаҳарни булут босди) каби саноқли бир неча феъллар идғом қонунига беважҳ хилоф равишда айтилади?

2? Бошқа маънодаги сўзларга ўхшаб қолиб– илтибос бўлмаслиги учун идғом қилинмаган калималар ҳам кўп:

سُرُرٌ _ киндик– سُرٌّ _ шодлик– شَرَرٌ _ учқун– شَرٌّ _ ёмон–

جُدُدٌ _ йўл– جُدٌّ _ қудуқ– طَلَلٌ _ хароба– طَلٌّ _ ёмғир?

3? Рубоъийларга мулҳақ (илова) қилиш учун калиманинг ломи бўлган ҳарфдан яна битта ортдирилган бўлса– идғом қонунига тўла мувофиқ бўлса ҳам– рубоъийга ҳамвазнлиги йўқолмаслиги учун идғом қилинмайди? Масалан: شَمَلَ دَحْرَجَ га мулҳақ қилинганида شَمْلَلَ куйича қолади?

4? Музоъафларнинг идғом қилинмайдиган сийғаларида баъзан икки бир хил ҳарфлардан бирини ҳазф қилиниши ҳам учраб туради:

مَسِسْتُ = مَسْتُ _ ушладим– ظَلِلْتُ = ظَلْتُ _ бўлдим?

5? Музоъафларнинг бир хил ҳарфларидан иккинчисини يْ га алмаштириш ҳам мумкин: اَمْلَلْتُ = اَمْلَيْتُ (ёздирдим)– اَحْسَسْتُ = اَحْسَيْتُ (ҳис қилдим)– التَّظَنُّنُ = التَّظَنِّي (гумон қилмоқ)– اَلْحَاجُّ = اَلْحَاجِي (ҳожи)?

## *13 _ ДАРС* الـدرس الـثـالـث عـشـر

### *ТАСКИН ҚОНУНЛАРИ*

[1س] Ҳаракатли ҳарфдан кейин келган *вов* ва *ё*га замма ва касра ҳаракатлари оғир бўлгани учун сокин қилинади: ? يَدْعُو يَدْعُوُ – يَرْمِى يَرْمِيُ

[2س] Сукунли ҳарфдан кейин келган иллат ҳарфининг ҳаракати олдига кўчирилади:

? يُرِيبُ يُرْيِبُ – يَقُولُ يَقْوُلُ – يَبِيعُ يَبْيِعُ

[3س] Иллат ҳарфининг ҳаракати олдидаги соғ ҳарфнинг ҳаракатидан бошқача бўлса– кўпинча олдига кўчирилади: ? أُخْتِيرَ أُخْتُيِرَ – هِيبَ هُيِبَ – بِيعَ بُيِعَ

(*Вов*лик ажваф قَـوِلَ ва خَـوِفَ кабиларда қалбнинг тўртинчи қонунига кўра сукунли *вов* олди касрали бўлиб қолгани учун *ё*га алмаштирилади: ( خِيفَ خِوْفَ خَوِفَ – قِيلَ قِوْلَ قُوِلَ )

### *ҚАЛБ ҚОНУНЛАРИ*

Иллат ҳарфлари кўпинча бири бошқасига алмашиб келади?

[1ل] *Вов* ёки *ё* ҳарфлари қандай ҳаракат бўлишидан қатъий назар ҳаракатли бўлиб– унинг олдидаги ҳарф фатҳали бўлса *алиф*га қалб қилинади:

أَعْطَى أَعْطَيَ – يَخْشَى يَخْشَيُ – دَعَا دَعَوَ – رَمَى رَمَيَ – طَالَ طَوُلَ – هَابَ هَيِبَ – قَالَ قَوَلَ

[2ل] Иллат ҳарфининг олдидаги соғ ҳарф сукунли бўлса– иллат ҳарфининг ҳаракатини кўчирилади-да– ўзини кўчирилган ҳаракатга мос бўлган ҳарфга қалб қилинади:

– يَهَابُ يَهْيَبُ يَهْيَبُ – يَخَافُ يَخْوَفُ يَخْوَفُ

музореъ мажҳулида: ? يُبَاعُ يُبْيَعُ يُبْيَعُ – يُقَالُ يُقْوَلُ يُقْوَلُ

? يُقِيمُ يُقْوِمُ يُقْوِمُ – أَقَامَ أَقْوَمَ أَقْوَمَ

[3ل] *Алиф* ва сукунли *ё*нинг олдидаги ҳарф заммали бўлса *вов*га қалб қилинади:

فَاعَلَ ва تَفَاعَلَ нинг мажҳулида: ? فَاعَلَ فُاعِلَ _ فُوْعِلَ – تَفَاعَلَ _ تُفُاعِلَ _ تُفُوْعِلَ

ёлик *мисол*лар музореъ мажҳулида: يُفْعَلُ = يُيْسَرُ يُوسَرُ –

6-боб амри اُيْسُرْ _ اُوْسُرْ – ифъол боби мозий мажҳули أُيْقِظَ أُوْقِظَ – музореъ: يُيْقَظُ يُوقَظُ

[4ل] Олдидаги ҳарф касрали бўлган сокин *вов* *ё*га қалб қилинади:

*вов*лик *мисол*нинг 4-боб амри اِوْجَلْ اِيْجَلْ – ифъол боби масдари اِوْجَادٌ اِيجَادٌ – истифъол боби масдари اِسْتِوْجَابٌ اِسْتِيجَابٌ ?

[5ل] Калиманинг ломи бўлган *вов* олди касрали бўлса *ё*га алмашади:

رَضِوَ رَضِيَ – حَظِوَ حَظِيَ – мозий мажҳули: دُعِوَ دُعِيَ ?

[6ل] Калиманинг тўртинчи ёки ундан кейинги ҳарфи бўлган *вов* олди заммали бўлмаса *ё*га қалб қилинади: يَرْضَوَانِ يَرْضَيَانِ – музореъ мажҳулида: يُدْعَوَانِ يُدْعَيَانِ ?

Кўпинча шу қонунга кўра *вов* *ё*га алмашганидан кейин қалбнинг биринчи қонунига кўра *ё* *алиф*га қалб қилинади? Музореъ мажҳулида: يُدْعَوُ _ يُدْعَيُ _ يُدْعَى – мазийдларда: رَقَّوَ رَقَّيَ رَقَّى – اِسْتَجْلَوَ اِسْتَجْلَيَ اِسْتَجْلَى – اِرْعَوَوَ اِرْعَوَيَ اِرْعَوَى ?

[7ل] Зоида *алиф*дан бевосита кейин келган *вов* ва *ё* *ҳамза*га қалб қилинади:

ифъол боби масдари: اِرْضَاوٌ اِرْضَاءٌ – ифтиъол боби масдари: اِخْتِفَاوٌ اِخْتِقَاءٌ каби?

[8ل] Калиманинг охирида *вов* ва *ё* бўлиб– биринчиси сокин бўлса– *вов*ни *ё*га қалб қилиб икки *ё* бир-бирига идғом қилинади:

فَعْلٌ = طَوْيٌ طَيٌّ (ўрамоқ)– فَيْعِلٌ = مَيْوِةٌ مَيِّةٌ (мурда)– مَفْعُولٌ = مَبْنُوْيٌ مَبْنِيٌّ (қурилиш)– فَعِيلٌ = عَلِيْوٌ عَلِيٌّ (юқори)?

*Вов* *ё*га алмашганидан кейин*вов* олдидаги замма ҳам касрага алмаштирилади:

مُعَلِّمُوْنَ + ى مُعَلِّمُوْيَ _ مُعَلِّمُيَّ _ مُعَلِّمِيَّ (ўқитувчиларим)?

*32 _ машқ? Қуйидаги сўзлардаги ўзгаришларни тушунтириб беринг?*

نَوَىَ نَوَى – دُعِوْنا _ دُعِيْنا – اِخْتَيَرَ _ اِخْتارَ – يَبْرِيُ _ يَبْرِى – يَنْقَيِسُ _ يَنْقَاسُ – اِوْهَامٌ _ اِيْهَامٌ – بُارِكَ _ بُـورِكَ –

اِلْقَايٌ _ اِلْقَاءٌ – اِنْتَقَيَ _ اِنْتَقَى – يُيْقِنُ _ يُوْقِنُ – مَعْنُوْيٌ _ مَعْنِيٌّ – يُجْوِبُ _ يُجِيبُ – يَرْوُمُ _ يَرُومُ ?

*33 _ машқ? Ушбу сўзлардан хатоларини тўғрилаб ёзинг?*

اِسْتِوْدَاعٌ – يَنْيَلُ – اُيْقُظْ – وَلِيَ – رُخِوَ – وَقَيَ – عَيَشَتْ – تِسْتَعْوَنَ – يَسْتَرْخِوُ – يَحْتَوِطُ – اِدْنَاوٌ – اَسْتَفْيِدُ

## ҚЎШИМЧА ДАРС  الـتـذيـيـل

### *Ҳамзалиларда қалб*

[9ل] Сукунли *ҳамза* олдидаги ҳаракатга мос иллат ҳарфига қалб қилиниши мумкин:

رَأْسٌ رَاسٌ – بِئْرٌ بِيرٌ – سُؤْرٌ سُورٌ ?

[10ل] Агар икки ҳамза бир жойда бўлиб– иккинчиси сукунли бўлса– биринчининг ҳаракатига мос бўлган иллат ҳарфга қалб қилинади:

Ифъол боби мозийси: أَءْمَنَ آمَنَ – мажҳули: أُءْمِنَ اُومِنَ – масдари: إِءْمَانٌ اِيْمَانٌ ?

يَأْكُلُ нинг мутакаллимида: اَءْكُلُ آكُلُ – амрида: اُؤْكُلْ اُوكُلْ ?

*Э с л а т м а ?* أَخَذَ – أَكَلَ – ва أَمَرَ каби кўп истеъмол қилинадиган феъллар буйруғида: اُوْكُلْ – اُوْخُذْ ва اُومُرْ каби чўзиқ ибора ноқулай бўлгани учун енгиллатилиб: كُلْ – خُذْ ва مُـرْ суратида айтилади? Лекин– орзу қилмоқ маъносидаги أَمَلَ каби кам қўлланадиган феъллар амрида ҳамзалар олиб ташланмай اُؤْمُلْ ёки اُوْمُلْ каби айтилаверади?

### اَمْرٌ *(буюрмоқ) феъли*

### *Музореъ маълуми*

<table>
<tr><td>10ل آمُرُ</td><td>تَأْمُرِينَ</td><td>تَأْمُرُ</td><td>تَأْمُرُ</td><td>يَأْمُرُ</td></tr>
<tr><td rowspan="2">نَأْمُرُ</td><td colspan="2">تَأْمُرانِ</td><td>تَأْمُرانِ</td><td>يَأْمُرانِ</td></tr>
<tr><td>تَأْمُرْنَ</td><td>تَأْمُرُونَ</td><td>يَأْمُرْنَ</td><td>يَأْمُرُونَ</td></tr>
</table>

### *Музореъ мажҳули*

<table>
Ўзбек тилида қум– тупроқ– сув дейилганда бир дона заррасини тушунилмаганидек– *тои ваҳдат* қўшилмаган шу каби табиий нарсалар исмидан ҳам мутлақ ўша нарса жинси тушунилади? Ундан бир донаси демоқчи бўлсангиз албатта охирига *тои ваҳдат* қўшиб ишлатишингиз керак?

### *Тасния*

Охирги ҳарфи ҳазф қилинган ҳолда ишлатиладиган أَبٌ – أَخٌ – يَدٌ каби исмлар тасния қилинса– калиманинг ломи бўлган маҳзуф *вов* асли ўз ўрнида келтирилади ва тасния аломати унга қўшилади:

[أبو] أَبٌ _ أَبَـــوَانِ (ота-она)– أَخٌ _ أَخَـــوَانِ (ака-ука)– يَـــدٌ _ يَـــدَوانِ (икки қўл)– حَـــمٌ _ حَمَـــوَانِ (икки қайнона)– دَمٌ _ دَمَوانِ (икки қон)– غَدٌ _ غَدَوانِ (эрта-индин)?

يَدٌ ва دَمٌ шу бўйича тасния қилинса ҳам мумкин: يَدَانِ – دَمَانِ ?

Ҳазф қилинган охирги ҳарфдан бошқа бир ҳарф эваз келтирилган бўлса– унда шу бўйича охирига тасния аломати қўшилади:

[سِمْوٌ] اِسْمٌ _ اِسْمانِ (икки исм)– اِبْنٌ _ اِبْنانِ (икки ўғил)– سَنَةٌ _ سَنَتانِ (2 йил)– مِئَةٌ _ مِئَتانِ (200)?

### *Мақсур исмлар таснияси*

Охири *вов* ёки *ё*дан алмашган *алиф* бўлган мақсур исмлар тасния қилинса *алиф* ўз аслига қайтарилади: رَجًى _ رَجَوانِ (2 қирғоқ)– فَتًى _ فَتَيانِ (2 йигит)– دَعْوَى _ دَعْوَيانِ (2 даъво)?

Исмнинг охирги ҳарфи ҳамзали чўзиқ алиф бўлса–

а) агар ҳамза калиманинг аслий-ўзак ҳарфларидан бўлса– ўзгаришсиз тасния аломати қўшилаверади: قَثَّاءٌ _ قَثَّاءَانِ (2 тарра)– لَأْلَاءٌ _ لَأْلَاءَانِ (2 зарфураш)– دَاءٌ _ دَاءَانِ (2 дард)?

б) агар чўзиқ алиф исмни муаннас қилиш учун ортдирилган бўлса– *ҳамза*си *вов*га қалб қилинади: خَضْرَاءُ _ خَضْرَاوَانِ – صَحْرَاءُ _ صَحْرَاوَانِ ?

ж) ҳамза аслий ҳарфлардан ҳам бўлмаса– муаннас қилиш учун ортдирилган ҳам бўлмаса– балки аслий *вов* ёки *ё*дан алмашган ҳамза бўлса– унда ҳар икки йўл ҳам жоиз:

سَمَاءٌ _ سَمَاءَانِ = سَمَاوَانِ – كِسَاءٌ _ كِسَاءَانِ = كِسَاوَانِ ?

### *Исмул жамъ*

Муфрад исмдан бошқа вазнга кўчириш йўли билан ясалган жамъ кўриниши нарсанинг иккитадан кўплигини билдиради деб ўтдик?

Бундан ташқари муфраддан ясалмасдан– аслида кўпчилик маъносини ифодалаш учун қурилган исмлар ҳам бор– улар ***исмул жамъ _ жамловчи от*** деб номланади:

قَوْمٌ – خَلْقٌ – قَبِيلَةٌ – جَمَاعَةٌ каби?

*56 _ машқ? Қуйидаги сўзларни тасния қилинг?*

عَصًا– اَذًى – اَعْمَى – مُصْطَفَى – اَلْمُسْتَشْفَى – بَيْضَاءُ – جُزْءٌ ?

### *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН* للمطالعة

*Тои таънис* билан тугалланган исмларга ҳам– охирги ҳарфи ة дан кейин انِ ёки يْـــنِ қўшиб тасния қилинади: مَدْرَسَةٌ _ مَدْرَسَتَانِ каби?

Фақат бир неча исмлардагина тасния қилинганда ة ҳазф бўлган:

خُصْيَةٌ _ خُصْيَانِ (мояк)– اَلْيَةٌ _ اَلْيَانِ (думба)?

Тасния исмлар бошқа бир исмга изофа қилинса тасния ясаш учун қўшилган *нун* олиб ташланади: كِتَابَانِ + سَعِيدٌ هذانِ كِتابَا سَعِيدٍ (бу Саиднинг икки китоби)– اِبْنانِ + مُحَمَّدٌ رَأَيْتُ اِبْنَيْ مُحَمَّدٍ (Муҳаммаднинг икки ўғлини кўрдим)?

Абдурраҳмон– Абдуллоҳ– Неъматуллоҳ каби изофали мураккаб бўлган атоқли отлар тасния қилинса ҳам шу қоида қўлланади:

جَاءَنِى عَبْدَاَ الرَّحْمنِ – يَا عَبْدَيِ اللهِ – اِلَى نِعْمَتَيِ اللهِ каби?

Агар атоқли отлар изофасиз мураккаб бўлса– музаккарнинг олдига ذَوا – муаннаснинг олдига ذَواتَا қўшиш билантасния қилинади:

ذَهَبَ ذَوَا مَعْدِيكَرَبَ – رَجَعَتْ ذَوَاتَا بَعْلَبَكَّ каби?

Қуйидаги исмларни маъносига кўра тасния қилиб бўлмайди:

بَعْضٌ – اَجْمَعُ – جَمْعَاءُ – كُلٌّ – اَحَدٌ – عَرِيبٌ – اِرَمٌ – دَيَّارٌ ?

Баъзи тасния исмлардан икки хил нарсадан иборат бўлган жуфт ҳам тушунилади:

أَبٌ _ ота– أَبوانِ _ ота-она (2 ота эмас)– زَوْجٌ _ эр– زَوْجـــانِ _ эр-хотин– قَمَـــرٌ _ ой– قَمَـــرانِ _ ой ва қуёш?

Бир неча маънода ишлатиладиган (ўт– ёт каби) сўзларни икки хил маъносини ифодалаш учун тасния қилиб бўлмайди? Лекин баъзи бир адабиётларда учраб қолади? Чунончи– "Мақомоти Ҳарийрий"да:

جَادَ بِالْعَيْنِ حِينَ أَعْمَى هَوَاهُ   عَيْنَهُ ، فَانْثَنَى بِلاَ عَيْنَيْنِ

(Ишқ унинг кўзини (عَـيْن) кўр қилгач– олтин тангаларини (عَـيْن) бериб юборди-да– ҳар икки "айн"дан ҳам ажралиб қолди?)

## 20 _ ДАРС   الـدرس الـعـشـرون

### ЖАМЪ

Жамъ икки хил бўлади:
1? Жамъи мукассар (синиқ жамъ)?
2? Жамъи солим (соғ жамъ)?

#### Жамъи мукассар

Исмнинг бирликдаги шаклини ўзгартириш орқали ясалган кўплик ***жамъи мукассар*** дейилади? Жамъи мукассар уч хил йўл билан ясалади:

1) Муфраднинг ҳаракатларини ўзгартириш билан: اَسَدٌ _ اُسُدٌ (шерлар)?
2) Муфраднинг ҳарфларидан бирини ҳазф қилиш билан: رَسُولٌ _ رُسُلٌ (элчилар)?
3) Муфрадга бошқа ҳарфлар қўшиш билан: ظُفُرٌ _ اَظْفَارٌ (тирноқлар)?

#### Жамъул қиллат

Синиқ жамълардан учтадан ўнтагача бўлган кўпчиликни ифода қилвчи озлик жамъи _ ***жамъул қиллат*** тўрт вазнда келади:

? اَنْفُسٌ _ نَفْسٌ – اَعْيُنٌ _ عَيْنٌ : اَفْعُلٌ
? اَيْتَامٌ _ يَتِيمٌ – اَقْلاَمٌ _ قَلَمٌ : اَفْعَالٌ
? اَجْوِبَةٌ _ جَوَابٌ – اَسْئِلَةٌ _ سُؤَالٌ : اَفْعِلَةٌ
? فِتْيَةٌ _ فَتًى – اِخْوَةٌ _ اَخٌ : فِعْلَةٌ

Жамъи қиллат ўнтадан кўпроқни ифода қилиш учун қайта блшқа вазнларда жамъ қилинади? Бу жамъларни ***жамъул жамъ*** (кўпликлар кўплиги) ёки ***мунтаҳал жумуъ*** (кўпликлар чети) деб аталади:

? اَسَاوِرُ _ اَسْوِرَةٌ _ سِوَارٌ – اَكَالِبُ _ كَلْبٌ _ اَكْلُبٌ

Мунтаҳал жумуъ кўплик шаклининг асосий белгилари:
1? Биринчи ҳарф фатҳали бўлади?
2? Учинчи ҳарф *алиф* бўлиши керак?
3? *Алиф*дан кейин икки ҳарф ёки ўртада сокин *ё* бўлган уч ҳарф бўлиши керак: مَسَاطِرُ –
? فَوَائِدُ – تَلاَمِيذُ – اَصَابِعُ – مَصَابِيحُ

#### Жамъул касрат

Жамъи қиллат ва мунтаҳал жумуълардан бошқа барча синиқ жамълар ***жамъул касрат*** деб аталади? Жамъи касрат жуда кўп хилма-хил вазнларда келган– улардан машҳурлари:

? عُقُولٌ – فُؤُوسٌ – لُحُومٌ – فُصُولٌ – جُمُوعٌ – حُرُوفٌ – بُيُوتٌ : فُعُولٌ
? ثِقَالٌ – قِصَارٌ – طِوَالٌ – كِلاَبٌ – ذِئَابٌ – رِجَالٌ – جِبَالٌ : فِعَالٌ
? شُعَرَاءُ – قُدَمَاءُ – بُخَلاَءُ – فُضَلاَءُ – عُلَمَاءُ : فُعَلاَءُ
? اَسْخِيَاءُ – اَقْرِبَاءُ – اَصْدِقَاءُ – اَوْلِيَاءُ – اَقْوِيَاءُ : اَفْعِلاَءُ
? قَتَلَةٌ – ظَلَمَةٌ – فَجَرَةٌ – كَفَرَةٌ – مَهَرَةٌ : فَعَلَةٌ

#### Соғ жамълар

Соғ жамълар икки хил: музаккарнинг соғ жамъи _ ***жамъул музаккар ис-солим*** ва муаннаснинг соғ жамъи _ ***жамъул муаннас ис-солим*** бўлади?

#### Жамъул музаккар ис-солим

Музаккарнинг соғ жамъи исмнинг муфради охирига ҳеч бир ўзгартиришсиз وْنَ ёки يْـنَ қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинади:

? مُسْلِمِينَ _ مُسْلِمًا – عَاقِلِينَ _ عَاقِلٌ – مُؤْمِنُونَ _ مُؤْمِنٌ

Исм бу тусда жамъ қилиниши учун ақл эгаси бўлган эр жинсидаги нарсанинг номи ёки сифати бўлиши керак:

? مُعَلِّمُونَ _ مُعَلِّمٌ – عَالِمُونَ _ عَالِمٌ – مُحَمَّدُونَ _ مُحَمَّدٌ – فَرِيدُونَ _ فَرِيدٌ

Охирги ҳарфи *алиф* бўлган мақсур исмларни бу хилда жамъ қилинганда *алиф* ҳазф қилинади: اَلْمُصْطَفَى _ اَلْمُصْطَفَوْنَ = اَلْمُصْطَفَيْنَ ?

Охирги ҳарфи *ё* бўлган манқус исмларда:

а) *Вов* қўшилганда *ё* ҳазф қилиниб– олди заммали ўқилади: اَلْقَاضِى _ اَلْقَاضُونَ – اَلْعَالِى _ اَلْعَالُوْنَ ?

б) *Ё* қўшилганда сўзнинг охиридаги *ё* ҳазф бўлиб– олди касра бўйича қолади: اَلْقَاضِى _ اَلْقَاضِيْنَ – اَلْعَالِى _ اَلْعَالِيْنَ ?

### *Жамъул муаннас ис-солим*

Муаннаснинг соғ жамъини ҳосил қилиш учун муаннас исмнинг охирига اَتٌ (алиф то) қўшилади: مُسْلِمَةٌ _ مُسْلِمَاتٌ – زَيْنَبُ _ زَيْنَبَاتٌ ?

*Тои таънис* билан тугалланган музаккарларнинг атоқли отлари ҳам муаннас солимга жамъ қилинади: طَلْحَةُ _ طَلَحَاتٌ – مُعَاوِيَةُ _ مُعَاوِيَاتٌ ?

*57 _ машқ? Қуйидаги сўзларни беш турга (жамъи қиллат– жамъи касрат– мунтаҳал жумуъ– жамъи музаккар солим– жамъи муаннас солимга) ажратинг?*

اَخَوَاتٌ ، اَبْنَاءٌ ، عُقَلاءُ ، سَلاَطِينُ ، نَشَّافَاتٌ ، اَسَاتِيذُ ، فاطِمَاتٌ ، فَاتِحُونَ ، سَكَاكِينُ ، مُجْتَهِدِينَ ، اَبَارِيقُ ، جَاهِلاتٌ ، حَفَظَةٌ ، مُحْتَرِمُونَ ، اَرْجُلٌ ، اَلْسِنَةٌ ، صَحْرَاوَاتٌ ، دُيُوكٌ ، سُرُرٌ ، سَمَوَاتٌ ، سُفْلَيَاتٌ ، اَنَامِلُ .

*58 _ машқ? Қуйидаги исмларни жамъул музаккар ис-солимга жамъ қилинг?*

اَعْلَى ، مُرَبِّى ، غَالِى ، مَحْمُودٌ ، مُعْطَى ، دَاعِى ، مُسَمَّى .

## *ҚЎШИМЧА ДАРС* التذييل

### *Жамъул қиллат*

Бир исм бир неча вазнларда жамъ қилиниши ҳам мумкин? Масалан– عَبْدٌ сўзи: عَبَدَةٌ – عِبَادٌ – عَبِيدٌ – اَعْبِدَةٌ – اَعَابِدُ – مَعَابِدُ – مَعْبُودَاءُ – اَعْبَادٌ – عِبِدَّان – عِبْدَانٌ – عُبْدَانٌ – اَعْبُدٌ – عَبْدُونَ – каби жамъ қилиниши мумкин?

Баъзи бир исмлар фақат бир хил жамъ қилинган? Агар бир исмнинг жамъи қиллат вазнларида бўлган жамъидан бошқа жамъи бўлмаса– унда ўнтадан кўпроққа ҳам ишлатилаверади? Масалан– رِجْلٌ_اَرْجُلٌ (оёқлар)– عُنُقٌ _ اَعْنَاقٌ (бўйинлар)– فُؤَادٌ _ اَفْئِدَةٌ (юраклар)?

Шунингдек– жамъи қиллат вазнларидаги жамъларга ال қўшилса ёки кўплик маъносидаги исмга изофа қилинса– бу тақдирда ҳам жуда кўпчиликка ишлатилиши дуруст бўлиб қолади:

اَيُّهَا الأَشْيَاخُ ، لاَ تَكُونُوا كَالْفِتْيَةِ وَ احْفَظُوا اَنْفُسَكُمْ .

### *Жамъул музаккар ис-солим*

Музаккар исмларнинг бирлик шаклини бузмасдан– фақат охирига ҳарфлар (وْنَ) қўшиш усули билан соғ жамъ ясаш учун у исм эркак кишининг оти ёки сифати бўлиши шарт: فَرِيدٌ _ فَرِيدُونَ – مُجْتَهِدٌ _ مُجْتَهِدُونَ каби?

(Охири *тои таънис* билан тугалланган эркак киши отларини муаннас солимга жамъ қилинади: حَمْزَةُ _ حَمَزَاتٌ – ( حَمْزُونَ эмас?))

Лекин– қуйидаги исмлар бу шартларга мувофиқ бўлмаса-да– қоидага хилоф равишда шу хилда жамъ бўлган:

1? عِشْرُونَ – ثَلاثُونَ – اَرْبَعُونَ – خَمْسُونَ – سِتُّونَ – سَبْعُونَ – ثَمَانُونَ – تِسْعُونَ ? Бу исмлар бир муфраднинг кўплигини ифода қилиш учун ясалган жамълар эмас– балки махсус сонларни ифодалаш учун алоҳида қурилган сон отларидир? Масалан– ثلاثون (30) агар ثلاث (3)нинг кўплиги бўлганда эди– ундан 9– 12– 15 ва шу кабилар тушунилиши керак эди? Демак– бу саккиз исм маънан жамъ эмас– кўринишдан музаккар солим жамъига ўхшагани учун ***жамъул музаккар ис-солимга мулҳақ*** деб аталади?

2? Эркак кишининг оти ҳам– сифати ҳам бўлмаган қуйидаги исмлар қоидага хилоф равишда шу усулда жамъ бўлган:

اَرَضُونَ _ ( اَرْضٌ _ ер)– اَهْلُونَ _ ( اَهْلٌ _ аҳли-аёл)– عَالَمُونَ _ ( عالَم _ олам)– عِلِّيُّونَ _ ( عِلِّيٌّ _ олий жаннат)– بَنُونَ _ ( اِبْنٌ _ ўғил)?

3? سَنَةٌ (асли سَنَوٌ ) каби охирги ҳарфи ҳазф бўлиб ўрнига *тои таънис* эваз қилинган исмлар ҳам қоидага хилофан шу усулда жамъ қилинган:
سَنَةٌ _ سِنُونَ (йил)– عِضَةٌ _ عِضُونَ (узв)– ثُبَةٌ _ ثُبُونَ (гуруҳ)– ظُبَةٌ _ ظُبُونَ (тиғ)– قِلَةٌ _ قِلُونَ (таёқ)– مِئَةٌ _ مِئُونَ (100)?

### *Жамъул муаннас ис-солим*

1? Охири *тои таънис* билан тугалланган ҳар қандай исмни *алиф то* (ات ) қўшимчасини қўшиб жамъ қилиш мумкин? Фақат шу олти муаннас исмни бу усулда жамъ қилинмаган: شَاةٌ – اِمْرَأَةٌ – قُلَّةٌ – اَمَةٌ – مِلَّةٌ – شَفَةٌ ?

2? Маънавий муаннаслар– аёллар отлари лафзда *тои таъниси* бўлмаса ҳам шу усулда жамъ қилинади: زَيْنَبُ _ زَيْنَباتٌ – اُمٌّ _ اُمَّهَاتٌ ?

3? Қисқа ёки чўзиқ *алиф* (алифи мақсура ва мамдуда) билан тугалланган муаннас исмлар ҳам اَت билан жамъ қилинади: صَحْرَاءُ _ صَحْرَاوَاتٌ – حُبْلَى _ حُبْلَيَاتٌ ?

Бу хил исмларда тасния қилишда қўлланилган қалб қонунлари қўлланилади?

4? Учтадан кўп ҳарфли бўлган масдарлар: تَعْرِيفٌ _ تَعْرِيفَاتٌ – اِسْتِهْلاكٌ _ اِسْتِهْلاكَاتٌ ?

5? Синиқ жамъ шаклидаги кўпликлар *алиф то* билан яна жамъ қилиниши мумкин:
رَجُلٌ _ رِجَالٌ _ رِجَالاتٌ (катта кишилар)– بَيْتٌ _ بُيُوتٌ _ بُيُوتَاتٌ (хонадонлар)?

6? Ақлга эга бўлмаган жонли ва жонсиз нарсаларнинг номи музаккар бўлса ҳам *алиф то* билан жамъ қилинади: حَمَّامٌ _ حَمَّامَاتٌ (ҳаммом)– تِلِغْرَافٌ _ تِلِغْرَافَاتٌ (телеграф)?

### *Баъзи ўзгаришлар*

***Фо**си* фатҳали فَعْلَةٌ ва فَعْــــلٌ вазнидаги исмлар *алиф то* билан жамъ қилинса– *айни* фатҳа билан айтилади: تَمْرَةٌ _ تَمَرَاتٌ – اَرْضٌ _ اَرَضَاتٌ ?

***Фо**си* касрали ёки заммали бўлса– *айн*ини *фо*га эргаштириш ёки фатҳали ўқиш ёки сукунли бўйича қўйиш мумкин:
كِسْرَةٌ _ كِسِرَاتٌ – كِسَرَاتٌ – كِسْرَاتٌ ? حُجْرَةٌ _ حُجُرَاتٌ – حُجَرَاتٌ – حُجْرَاتٌ ?

Агар *айни* иллат ҳарфларидан бўлса– *фо*си фатҳали сўзлар жамъида *айни* сокин бўлиши лозим: جَوْزَةٌ _ جَوْزَاتٌ – بَيْضَةٌ _ بَيْضَاتٌ ?

***Фо**си* касра ёки заммали бўлса– *айн*и сукунли ва фатҳали айтилиши мумкин (*фо*сига эргаштириш жоиз эмас) : شِيْعَةٌ _ شِيْعَاتٌ – شِيَعَاتٌ ? صُورَةٌ _ صُوْرَاتٌ – صُوَرَاتٌ ?

## *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН* لـــلـــمـــطـــالـــعـــة

### *Жамъи мукассар вазнлари*

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| мусофир | سَافِرٌ _ سَفْرٌ | فَاعِلٌ | فَعْلٌ | 1 |
| қизил | اَحْمَرُ _ حُمْرٌ | اَفْعَلُ (صفة) | فُعْلٌ | 2 |
| пишиқ | جَدْلاءُ _ جُدْلٌ | فَعْلاءُ | | |
| сахий | بَاذِلٌ _ بُذْلٌ | فَاعِلٌ | | |
| хизматкор | خَادِمٌ _ خَدَمٌ | فَاعِلٌ | فَعَلٌ | 3 |
| нозик | رَشِيقٌ _ رَشَقٌ | فَعِيلٌ | | |
| қоронғилик | ظُلْمَةٌ _ ظُلَمٌ | فُعْلَةٌ | فُعَلٌ | 4 |
| давлат | دَوْلَةٌ _ دُوَلٌ | فَعْلَةٌ | | |
| катта | كُبْرَى _ كُبَرٌ | فُعْلَى (صفة) | | |
| ҳикмат | حِكْمَةٌ _ حِكَمٌ | فِعْلَةٌ | فِعَلٌ | 5 |
| коса | قَصْعَةٌ _ قِصَعٌ | فَعْلَةٌ | | |
| туя | بَازِلٌ _ بُزُلٌ | فَاعِلٌ | فُعُلٌ | 6 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| китоб | كِتَابٌ ـ كُتُبٌ | فِعَالٌ | | |
| асос | أَسَاسٌ ـ أُسُسٌ | فَعَالٌ | | |
| янги | جَدِيدٌ ـ جُدُدٌ | فَعِيلٌ | | |
| шаҳар | مَدِينَةٌ ـ مُدُنٌ | فَعِيلَةٌ | | |
| пайғамбар | رَسُولٌ ـ رُسُلٌ | فَعُولٌ | | |
| етакчи | قَائِدٌ ـ قَادَةٌ | فَاعِلٌ (أجوف) | فَعَلَةٌ | 7 |
| золим | ظَالِمٌ ـ ظَلَمَةٌ | فَاعِلٌ | | |
| хўроз | دِيكٌ ـ دِيَكَةٌ | فِعْلٌ | فِعَلَةٌ | 8 |
| қози | قَاضٍ ـ قُضَاةٌ | فَاعِلٌ (ناقص) | فُعَلَةٌ | 9 |
| фасл– синф | فَصْلٌ ـ فُصُولٌ | فَعْلٌ | فُعُولٌ | 10 |
| илм | عِلْمٌ ـ عُلُومٌ | فِعْلٌ | | |
| армия | جُنْدٌ ـ جُنُودٌ | فُعْلٌ | | |
| шер | أَسَدٌ ـ أُسُودٌ | فَعَلٌ | | |
| подшоҳ | مَلِكٌ ـ مُلُوكٌ | فَعِلٌ | | |
| гувоҳ | شَاهِدٌ ـ شُهُودٌ | فَاعِلٌ | | |
| тўнка | جِذْلٌ ـ جُذُولَةٌ | فِعْلٌ | فُعُولَةٌ | 11 |
| денгиз | بَحْرٌ ـ بِحَارٌ | فَعْلٌ | فِعَالٌ | 12 |
| тоғ | جَبَلٌ ـ جِبَالٌ | فَعَلٌ | | |
| киши | رَجُلٌ ـ رِجَالٌ | فَعُلٌ | | |
| коса | قَصْعَةٌ ـ قِصَاعٌ | فَعْلَةٌ | | |
| гумбаз | قُبَّةٌ ـ قِبَابٌ | فُعْلَةٌ | | |
| сахий | كَرِيمٌ ـ كِرَامٌ | فَعِيلٌ | | |
| ташна | عَطْشَى ـ عِطَاشٌ | فَعْلَى | | |
| сой | بَطْحَاءُ ـ بِطَاحٌ | فَعْلَاءُ | | |
| эгилувчи | رَاكِعٌ ـ رُكَّعٌ | فَاعِلٌ | فُعَّلٌ | 13 |
| ҳоким | حَاكِمٌ ـ حُكَّامٌ | فَاعِلٌ | فُعَّالٌ | 14 |
| биродар | أَخٌ ـ اِخْوَانٌ | فَعَلٌ | فِعْلَانٌ | 15 |
| гўдак | صَبِيٌّ ـ صِبْيَانٌ | فَعِيلٌ | | |
| шаҳар | بَلَدٌ ـ بُلْدَانٌ | فَعَلٌ | فُعْلَانٌ | 16 |
| дўст | صَاحِبٌ ـ صُحْبَانٌ | فَاعِلٌ | | |
| нон | رَغِيفٌ ـ رُغْفَانٌ | فَعِيلٌ | | |
| ботир | شُجَاعٌ ـ شُجْعَانٌ | فُعَالٌ | | |
| ҳалок бўлган | هَالِكٌ ـ هَلْكَى | فَاعِلٌ | فَعْلَى | 17 |
| касал | مَرِيضٌ ـ مَرْضَى | فَعِيلٌ | | |
| ўлик | مَيِّتٌ ـ مَوْتَى | فَيْعِلٌ | | |
| қўтир | اَجْرَبُ ـ جَرْبَى | اَفْعَلُ | | |
| қўли йўқ | اَجْذَمُ ـ جَذْمَاءُ | اَفْعَلُ | فَعْلَاءُ | 18 |
| олим | عَالِمٌ ـ عُلَمَاءُ | فَاعِلٌ | فُعَلَاءُ | 19 |
| улуғ | كَرِيمٌ ـ كُرَمَاءُ | فَعِيلٌ | | |
| сузувчи | سَبُوحٌ ـ سُبَحَاءُ | فَعُولٌ | | |
| табиб | طَبِيبٌ ـ اَطِبَّاءُ | فَعِيلٌ | اَفْعِلَاءُ | 20 |
| ой | شَهْرٌ ـ اَشْهُرٌ | فَعْلٌ | اَفْعُلٌ | 21 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| оёқ | رِجْلٌ _ اَرْجُلٌ | فِعْلٌ | | |
| замон | زَمَنٌ _ اَزْمُنٌ | فَعَلٌ | | |
| билак | ذِرَاعٌ _ اَذْرُعٌ | فِعَالٌ | | |
| тараф | طَرَفٌ _ اَطْرَافٌ | فَعَلٌ | | |
| вақт | وَقْتٌ _ اَوْقَاتٌ | فَعْلٌ | | |
| гуруҳ | حِزْبٌ _ اَحْزَابٌ | فِعْلٌ | | |
| қулф | قُفْلٌ _ اَقْفَالٌ | فُعْلٌ | اَفْعَالٌ | 22 |
| дўст | صَاحِبٌ _ اَصْحَابٌ | فَاعِلٌ | | |
| буюк | شَرِيفٌ _ اَشْرَافٌ | فَعِيلٌ | | |
| ўлик | مَيِّتٌ _ اَمْوَاتٌ | فَيْعِلٌ | | |
| замон | زَمَانٌ _ اَزْمِنَةٌ | فَعَالٌ | | |
| кийим | لِبَاسٌ _ اَلْبِسَةٌ | فِعَالٌ | اَفْعِلَةٌ | 23 |
| юрак | فُؤَادٌ _ اَفْئِدَةٌ | فُعَالٌ | | |
| нон | رَغِيفٌ _ اَرْغِفَةٌ | فَعِيلٌ | | |
| қул | عَبْدٌ _ مَعْبُودَاءُ | فَعْلٌ | مَفْعُولَاءُ | 24 |
| етим | يَتِيمٌ _ يَتَامَى | فَعِيلٌ | | |
| ҳукм | قَضِيَّةٌ _ قَضَايَا | فَعِيلَةٌ | فَعَالَى | 25 |
| саҳро | صَحْرَاءُ _ صَحَارَى | فَعْلَاءُ | | |
| эски | قَدِيمٌ _ قُدَامَى | فَعِيلٌ | | |
| маст | سَكْرَانٌ _ سَكَارَى | فَعْلَانٌ | فُعَالَى | 26 |
| қўй | حَرْمَى _ حُرَامَى | فَعْلَى | | |
| газета | جَرِيدَةٌ _ جَرَائِدُ | فَعِيلَةٌ | | |
| кампир | عَجُوزٌ _ عَجَائِزُ | فَعُولٌ | فَعَائِلُ | 27 |
| мактуб | رِسَالَةٌ _ رَسَائِلُ | فِعَالَةٌ | | |
| тараф | جَانِبٌ _ جَوَانِبُ | فَاعِلٌ (آت) | | |
| қоида | قَاعِدَةٌ _ قَوَاعِدُ | قَاعِلَةٌ (صفة) | | |
| олам | عَالَمٌ _ عَوَالِمُ | فَاعَلٌ | فَوَاعِلُ | 28 |
| жавҳар | جَوْهَرٌ _ جَوَاهِرُ | فَوْعَلٌ | | |
| ибодатхона | صَوْمَعَةٌ _ صَوَامِعُ | فَوْعَلَةٌ | | |
| тешик | قَاصِعَاءُ _ قَوَاصِعُ | فَاعِلَاءُ | | |
| ариқча | جَدْوَلٌ _ جَدَاوِلُ | فَعْوَلٌ | فَعَاوِلُ | 29 |
| шер | قَسْوَرَةٌ _ قَسَاوِرُ | فَعْوَلَةٌ | | |
| чироқ | فَانُوسٌ _ فَوَانِيسُ | فَاعُولٌ | فَوَاعِيلُ | 30 |
| шиша | قَارُورَةٌ _ قَوَارِيرُ | فَاعُولَةٌ | | |
| сиртлон | عَيْلَمٌ _ عَيَالِمُ | فَيْعَلٌ | فَيَاعِلُ | 31 |
| танга | دِرْهَمٌ _ دَرَاهِمُ | (рубоъийларда) | فَعَالِلُ | 32 |
| ўргимчак | عَنْكَبُوتٌ _ عَنَاكِبُ | (хумосийларда) | | |
| шогирд | تِلْمِيذٌ _ تَلَامِذَةٌ | فِعْلِيلٌ | فَعَالِلَةٌ | 33 |
| қоғоз | قِرْطَاسٌ _ قَرَاطِيسُ | فِعْلَالٌ | | |
| қандил | قِنْدِيلٌ _ قَنَادِيلُ | فِعْلِيلٌ | فَعَالِيلُ | 34 |
| чумчуқ | عُصْفُورٌ _ عَصَافِيرُ | فُعْلُولٌ | | |
| жаннат | فِرْدَوْسٌ _ فَرَادِيسُ | فِعْلَوْلٌ | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| шайтон | شَيْطَانٌ _ شَيَاطِينُ | فَعْلَانٌ | فَعَالِينُ | 35 |
| бўри | سِرْحَانٌ _ سَرَاحِينُ | فِعْلَانٌ | | |
| подшоҳ | سُلْطَانٌ _ سَلَاطِينُ | فُعْلَانٌ | | |
| афзал | اَفْضَلُ _ اَفَاضِلُ | اَفْعَلُ | اَفَاعِلُ | 36 |
| бармоқ | اِصْبَعٌ _ اَصَابِعُ | اِفْعَلٌ | | |
| бармоқ учи | اُنْمُلَةٌ _ اَنَامِلُ | اُفْعُلَةٌ | | |
| услуб | اُسْلُوبٌ _ اَسَالِيبُ | اُفْعُولٌ | اَفَاعِيلُ | 37 |
| кулги | اُضْحُوكَةٌ _ اَضَاحِيكُ | اُفْعُولَةٌ | | |
| кўза | اِبْرِيقٌ _ اَبَارِيقُ | اِفْعِيلٌ | | |
| кутубхона | مَكْتَبٌ _ مَكَاتِبُ | مَفْعَلٌ | مَفَاعِلُ | 38 |
| мактаб | مَدْرَسَةٌ _ مَدَارِسُ | مَفْعَلَةٌ | | |
| минбар | مِنْبَرٌ _ مَنَابِرُ | مِفْعَلٌ | | |
| чироқ | مِصْبَاحٌ _ مَصَابِيحُ | مِفْعَالٌ | مَفَاعِيلُ | 39 |
| камбағал | مِسْكِينٌ _ مَسَاكِينُ | مِفْعِيلٌ | | |
| жинни | مَجْنُونٌ _ مَجَانِينُ | مَفْعُولٌ | | |
| ҳайкал | تِمْثَالٌ _ تَمَاثِيلُ | تِفْعَالٌ | تَفَاعِيلُ | 40 |
| тасбеҳ | تَسْبِيحٌ _ تَسَابِيحُ | تَفْعِيلٌ | | |

## *21 _ ДАРС* الـدرس الـحـادى و الـعـشـرون

### *ЖОМИД– МАСДАР ВА МУШТАҚ*

Исмлар уч хил бўлади: жомид– масдар ва муштақ?

***Муштақ*** (ясама исм) _ аслий ҳарфларига махсус қоидалар бўйича ўзгартириш киритиш йўли билан олинган ясама исмдир? Масалан– ўзбек тилида "ёзмоқ" сўзидан ёзувчи– ёзишма– қўлёзма каби бир қанча сўзлар ясай олганимиздек– араб тилида ҳам биргина كِتَابَةٌ калимасидан كَاتِبٌ – مَكْتُوبٌ – مَكْتَبٌ – مَكْتَبَةٌ каби кўп исмлар ясалади?

Ясама сўзларнинг олинадиган асоси бўлган қуйма исмлар ***масдар*** деб аталади?

Масдардан муштақ сўзларни ясаш иши ***иштиқоқ*** деб юритилади?

Масдардан мозий– музореъ– жаҳд– нафий– амр ва наҳий феъллари ясалгани каби исми фоил– исми мафъул– сифати мушаббаҳа– сийғаи муболаға– исми тафзил– исми замон ва макон– исми олат турлардаги исмлар ҳам иштиқоқ қилинади?

Агар исмдан асли маънода муносабатли бўлган бошқа сўзлар ясаш мумкин бўлмаса– ***исми жомид*** деб аталади: حَجَرٌ – فَرَسٌ каби?

Исми жомид _ исми зот (нарсалар оти)– алам (атоқли отлар)– замирлар (олмошлар)– исми ишоралар (кўрсатиш олмошлари) ва мавсуллар (боғловчилар)дан иборат:

? اَلَّذِى – هذَا – اَنْتَ – زَيْدٌ – بَيْتٌ

### *Масдар*

Масдар иш-ҳаракат маъносини англатувчи исмдир? Ўзбек тилида иш-ҳаракат номлари *ёзмоқ– ўтириш* каби *"моқ"* ёки *"иш"* қўшимчалари билан тугалланади? Араб тилида эса ундай бир умумий белгиси билан ажралиб турмайди?

#### *Сулосий мужаррад масдарлари*

Сулосий мужаррад масдарлари муайян бир вазнда келган эмас? Ҳар бир феъл масдарини алоҳида луғат каби ёдда сақлаш лозим? Ҳатто– бир бобдан бўлган феълларнинг масдарлари ҳам хилма-хил вазнда келган:

حَمَلَ (и) حَمْلٌ (кўтармоқ)– جَرَى (и) جَرَيَانٌ (юрмоқ)–

مَلَكَ (и) مِلْكٌ (эга бўлмоқ)– اَتَى (и) اِتْيَانٌ (келмоқ)?

#### *Вовлик мисоллар масдари*

Музореъсида *вов* ҳазф бўлган мисолларнинг масдарида ҳам баъзан *вов* ҳазф қилинади:

وَعَدَ _ يَعِدُ _ عِدَةٌ ? وَسِعَ _ يَسَعُ _ سِعَةٌ ?

Музореъсида *вов* ҳазф бўлмаса– масдарида ҳам ҳазф қилинмайди:

وَجِلٌ _ يَوْجَلُ _ وَجِلَ ? وَجَعٌ _ يَوْجَعُ _ وَجِعَ ?

### *Сулосий мазийд масдарлари*

Сулосий мазийд ва рубоъий боблари масдарлари 7 _ дарсда айтиб ўтилган муайян вазнларда бўлади:

### *Ифъол боби*

Ифъол бобининг масдари اِفْعَالٌ вазнида бўлади? Муътал ва маҳмузларда:

1? Маҳмуз ул-фо ва мисол вовийларда *ҳамза* ва *вов* олди касрали бўлгани учун *ё*га қалб бўлади:

(أمن) اِئْمَانٌ _ اِيْمَانٌ ? (وجد) اِوْجَادٌ _ اِيجَادٌ ?

2? Ажвафларда айн ўрнидаги иллат ҳарф *алиф*га алмашади? Бу билан икки *алиф* бир жойда бўлиб қолади? Икки *алиф*ни бир жойда айтишга илож бўлмагани учун бири ҳазф қилинади ва унинг ўрнига охирига *то* қўшилади? Бу то ***тои эваз*** деб юритилади:

(رود) اِرْوَادٌ _ اِرَاادٌ _ اِرَادَةٌ (ҳоҳламоқ)– (ميل) اِمْيَالٌ _ اِمَاالٌ _ اِمَالَةٌ (бурмоқ)?

Масдари истифъол вазнида келган 10-боб ажвафларида ҳам худди шу қоида қўлланади:

(قوم) اِسْتِقْوَامٌ _ اِسْتِقَاامٌ _ اِسْتِقَامَةٌ (тўғри бўлмоқ)– (زيد) اِسْتِزْيَادٌ _ اِسْتِزَاادٌ _ اِسْتِزَادَةٌ (кўпайтиришни сўрамоқ)?

3? Охири иллат ҳарфли ноқис– лафиф ва мултавийлар масдарида *вов* ва *ё* зоида *алиф*дан кейин келгани учун ҳамзага қалб қилинади:

(خفي) اِخْفَايٌ _ اِخْفَاءٌ (яширмоқ)– (دنو) اِدْنَاوٌ _ اِدْنَاءٌ (яқинлаштирмоқ)?

Инфиъол– ифтиъол– ифъилол– ифъийъол ва истифъол бобларида ҳам шу қоида ишлайди:

(زوي) اِنْفِعَالٌ = اِنْزِوَايٌ _ اِنْزِوَاءٌ (четланмоқ)– (خفي) اِفْتِعَالٌ = اِخْتِفَايٌ _ اِخْتِفَاءٌ (яширинмоқ)–

(حيي) اِسْتِفْعَالٌ = اِسْتِحْيَايٌ _ اِسْتِحْيَاءٌ (уялмоқ)

Асли маҳмуз ул-айн ва ноқис бўлган اِرَاءَةٌ калимасида ҳам мана шу икки қоида қўлланган: (رأى) اِرْءَايٌ _ اِرَااءٌ _ اِرَاءَةٌ (кўрсатмоқ)?

### *Тафъил боби*

2-боб масдари умуман تَفْعِيلٌ – гоҳо تَفْعِلَةٌ ва تَفْعَالٌ вазнларида келади:

صَرَّحَ _ تَصرِيحٌ – وَسَّعَ _ تَوْسِعَةٌ – كَرَّرَ _ تَكْرَارٌ ?

Ломи ҳамзали феъллар аксар تَفْعِلَةٌ вазнида бўлади: هَنَّأَ _ تَهْنِئَةٌ – بَرَّأَ _ تَبْرِئَةٌ ?

Ломи иллат ҳарфли феъллар масдари ҳам доим تَفْعِلَةٌ вазнида бўлади: رَبَّى _ تَرْبِيَةٌ ?

Бундан ташқари– бу боб масдарлари تِفْعَالٌ – فِعَّالٌ – فِعَالٌ – فُعْلاَنٌ каби вазнларда ҳам келган: بَيَّنَ _ تِبْيَانٌ – كَذَّبَ _ كِذَّابٌ – كَلَّمَ _ كِلاَمٌ – سَبَّحَ _ سُبْحَانٌ ?

### *Муфоъала боби*

3-бобдаги феъллар масдари مُفَاعَلَةٌ – فِعَالٌ ва فِيعَالٌ вазнларида келади:

جَاهَدَ _ مُجَاهَدَةٌ = جِهَادٌ (жанг қилмоқ)– قَاتَلَ - مُقَاتَلَةٌ = قِتَالٌ = قِيتَالٌ (уришмоқ)?

Охири иллат ҳарфли феъллар масдарида иллат ҳарф олди фатҳали бўлгани учун *алиф*га алмашади: (ندي) مُنَادَيَةٌ _ مُنَادَاةٌ (чақирмоқ)?

Музоъафлар масдари идғом қилинади: مُضَارَرَةٌ _ مُضَارَّةٌ (зарарлантирмоқ)?

### *Тафаъъул ва тафоъул боблари*

Охири иллат ҳарфли феъллар масдарларида *ё*га мувофиқ бўлиши учун калиманинг айни касра билан айтилади: اَلتَّفَعُّلُ = اَلتَّمَنُّيُ اَلتَّمَنِّى (орзу қилмоқ)?

Ҳарфи иллат *ё* танвинли бўлса _ تَفَعُّلٌ = تَمَنُّيٌ :

а) олди касра қилинади: تَمَنُّيٌ تَمَنِّيٌ

б) *ё*га замма ҳаракати оғир бўлгани учун танвин заммаси олиб ташланади: تَمَنِّيٌ تَمَنِّيْ نْ

ж) икки сокин _ *ё* ва танвин *нун*и бир жойда бўлиб қолгани учун *ё* ҳазф қилинади: تَمَنِّيْ نْ تَمَنٍّ نْ تَمَنٍّ ?

*59 _ машқ? Қуйидаги калималарни жомид– масдар ва муштақларга айиринг?*

بَخِيلٌ – سُؤَالٌ – لَوْحٌ – مَشْيٌ – اِلْتِفَاتٌ – مَأْكُولٌ – رِيشَةٌ – قَمْحٌ – مُعَلِّمَةٌ – مِكْنَسَةٌ – مَدْرَسَةٌ – شُرْبٌ – كُرَّاسٌ – فِنْجَانٌ ?

*60 _ машқ? Қуйидаги феълларнинг масдарларини айтиб беринг?*

اِسْتَفْتَى – شَادَّ – تَرَجَّى – اِنْطَوَى – اَجْرَى – آثَرَ (أَءْثَرَ) – تَغَالَى – اِسْتَعَانَ – اَوْقَدَ – دَارَى – جَزَّأَ – اِجْتَلَى –اَبَاحَ – رَوَّى –اِنْكَسَرَ ?

## *ҚЎШИМЧА ДАРС* الـتـذيـيـل

### *ИШТИҚОҚ*

Иштиқоқ _ бир калимадан асли маънода шу калимага муносабатли бўлган хилма-хил сўзларни ясашдир? Иштиқоқ уч хил бўлади:

1? ***Кичик иштиқоқ*** _ Ҳарфлари ва ҳарфлар тартибини ўзгартирмасдан бир сўздан бошқа ҳар хил сўзлар ясаш усули: قِرَاءَةٌ калимасидан قَارِئٌ – مَقْرُوءٌ – قَرَّاءٌ – قُرْآنٌ ясалгани каби?

2? ***Катта иштиқоқ*** _ ҳарфлар тартибини ўзгартириш орқали бошқа сўзлар ясаш: جَذَبَ = جَبَذَ (тортмоқ) каби?

3? ***Энг катта иштиқоқ*** _ талаффузда бир-бирига яқин бўлган ҳарфларнинг бирини иккинчисига алмаштириш орқали сўзлар ясаш:

نَعَقَ _ қарға қағиллади– نَهَقَ _ эшак ҳангради?

Сарф илми кичик иштиқоқ устида баҳс юритади? Лафзнинг ҳарфлари ва ҳарфларнинг тартибини ўзгартирмасдан– фақат қўшимча ҳарфлар қўшиш ва ҳаракатларини ўзгартириш йўли билан хилма-хил маънодаги сўзларни ясашни ўргатади? Катта ва энг катта иштиқоқлар ҳақида луғат ва иштиқоқ илмлари баҳс юритади?

### *СУЛОСИЙ МУЖАРРАД МАСДАРЛАРИ*

#### *Марра ва навъ масдарлари*

Иш-ҳаракатнинг неча марра (марта) бажарилганини ифодаловчи масдар فَـعْـلَـةٌ вазнида бўлади: ضَرْبَةٌ _ бир урмоқ– ضَرْبَتَيْنِ _ икки марта урмоқ– اَكْلَةٌ _ бир марта емоқ– اَكْلَتَيْنِ _ икки марта емоқ?

Хилини ва навини ифодалаш учун *фо*нинг касраси билан _ فِـعْـلَـةٌ вазнида келади:

جِلْسَةَ عَجْلاَنَ _ шошилган одамнинг ўтириши– نِظْرَةَ غَضْبَانَ _ ғазабланган одамдек қараш?

Сулосий мазийд масдарлари охирига *тои ваҳдат* қўшиш билан марра– навъ масдарлари ясалади:

اِلْتَفَتَ اِلَيْهِ الْتِفَاتَةً _ унга бир қараб қўйди– حَسَنَ الْمُعَامَلَةِ _ чиройли муомалали?

#### *Масдари мимий*

*Мим* билан бошланган масдарлар ***масдари мимий*** деб аталади? У يَفْعِـلُ бобларида ва барча бобларнинг *мисол*ларида مَـفْـعِـلٌ вазнида келади:

1 مَرْجِعٌ _ қайтмоқ– 1 مَوْلِدٌ _ туғилмоқ– 3 مَوْقِعٌ _ тушмоқ– 5 مَوْثِقٌ _ ишонмоқ?

Бошқа бобларда ва биринчи бобнинг охири иллат ҳарфлик феълларида مَـفْـعَـلٌ вазнида келади:

2 مَصْدَرٌ _ қайтмоқ– 4 مَسْمَعٌ _ эшитмоқ– 3 مَبْدَأٌ _ бошламоқ– 1 مَرْمًى _ отмоқ?

***Масдари мимийлар етти хил вазнда келган:***

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | مَفْعِلٌ | مَوْرِدٌ | келмоқ | 5 | مَفْعُلَةٌ | مَعُونَةٌ | ёрдамлашмоқ |
| 2 | مَفْعَلٌ | مَلْعَبٌ | ўйнамоқ | 6 | مَفْعُولٌ | مَيْسُورٌ | осон бўлмоқ |
| 3 | مَفْعِلَةٌ | مَغْفِرَةٌ | беркитмоқ | 7 | مَفْعُولَةٌ | مَصْدُوقَةٌ | рост айтмоқ |
| 4 | مَفْعَلَةٌ | مَرْحَمَةٌ | раҳм қилмоқ? | | | | |

Сулосий мазийд ва рубоъийларнинг масдари мимийлари исми мафъуллари билан бир хил вазнда бўлади? (Иншооллоҳ– кейинги дарсларда ўтади?)

#### *Мажҳул феъллар масдарлари*

Ўзбек тилида мажҳул феълларнинг ўзига хос масдари бор: ёзмоқ _ ёзилмоқ– кўрмоқ _ кўрилмоқ каби? Араб тилида эса мажҳул феъллар учун алоҳида масдар йўқ? Юқорида айтиб ўтилганлар маълум ва мажҳул учун муштаракдир: ضَرْبٌ _ урмоқ– урилмоқ?

Музореъ мажҳулининг олдига اَنْ ҳарфи келтирилса– маънан масдарга айланади: اَنْ يُكْتَـبَ _ ёзилиши– اَنْ تُكْسَى _ кийинтирилишинг?

*61 _ машқ? Қуйидаги феълларнинг масдарларини аниқланг?*

? تَصَامَّ – شَاوَرَ – رَوَّى – تَلَقَّى – عَادَى – أَرَاحَ – أَعْطَى – اِخْضَرَّ – اِسْتَوْلَى

*62 _ машқ? Қуйидаги масдарларнинг феълларини топинг?*

? مَحَبَّةٌ – مَيْمُونٌ – اِسْتِنَامَةٌ – تَبْرِئَةٌ – اِكْتِفَاءٌ – مَوْعِظَةٌ – مَعْصِيَةٌ – تَعَشٍّ – مَذَمَّةٌ

## *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН* لـــلـــمـــطـــالـــعـــة

### *Сулосий мужаррад масдарлари*

Сулосий мужаррад масдарлари *мим*лик масдарлардан ташқари 40 вазнда келган:

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | فَعْلٌ | نَصْرٌ | ёрдам бермоқ | 21 | فِعْلَةٌ | نِظْرَةٌ | бир хил қараш |
| 2 | فِعْلٌ | عِلْمٌ | билмоқ | 22 | فَعِلَةٌ | سَرِقَةٌ | ўғирламоқ |
| 3 | فُعْلٌ | قُرْبٌ | яқинлашмоқ | 23 | فَعَالَةٌ | طَهَارَةٌ | пок бўлмоқ |
| 4 | فَعَلٌ | طَلَبٌ | изламоқ | 24 | فِعَالَةٌ | كِتَابَةٌ | ёзмоқ |
| 5 | فَعِلٌ | لَعِبٌ | ўйнамоқ | 25 | فُعَالَةٌ | بُغَايَةٌ | истамоақ |
| 6 | فِعَلٌ | صِغَرٌ | кичик бўлмоқ | 26 | فُعُولَةٌ | سُهُولَةٌ | осон бўлмоқ |
| 7 | فُعَلٌ | هُدًى | йўл кўрсатмоқ | 27 | فَعُولَةٌ | ضَرُورَةٌ | муҳтож бўлмоқ |
| 8 | فُعُولٌ | دُخُولٌ | кирмоқ | 28 | فَعِيلَةٌ | بَصِيرَةٌ | англамоқ |
| 9 | فَعُولٌ | قَبُولٌ | қабул қилмоқ | 29 | فَاعِلَةٌ | عَاقِبَةٌ | кейин келмоқ |
| 10 | فَعَالٌ | سَمَاعٌ | эшитмоқ | 30 | فَعَالِيَةٌ | كَرَاهِيَةٌ | ёмон кўрмоқ |
| 11 | فِعَالٌ | حِجَابٌ | тўсмоқ | 31 | فُعْلِيَّةٌ | سُخْرِيَّةٌ | масхараламоқ |
| 12 | فُعَالٌ | سُعَالٌ | йўталмоқ | 32 | فُعُولِيَّةٌ | عُبُودِيَّةٌ | қуллик қилмоқ |
| 13 | فَعِيلٌ | صَهِيلٌ | кишнамоқ | 33 | فَعَلُوةٌ | جَبَرُوةٌ | буюк бўлмоқ |
| 14 | فِعْلَانٌ | عِرْفَانٌ | танимоқ | 34 | تَفْعُلَةٌ | تَهْلُكَةٌ | ҳалок бўлмоқ |
| 15 | فُعْلَانٌ | شُكْرَانٌ | шукр қилмоқ | 35 | فُعَلْنِيَةٌ | بُلَهْنِيَةٌ | яхши яшамоқ |
| 16 | فَعَلَانٌ | لَمَعَانٌ | ялтирамоқ | 36 | فَعْلُولَةٌ | صَيْرُورَةٌ | айланмоқ |
| 17 | فِعِلَّانٌ | عِرِفَّانٌ | танимоқ | 37 | فِعْلِيَاءُ | كِبْرِيَاءُ | катта бўлмоқ |
| 18 | فُعْلَةٌ | قُدْرَةٌ | қодир бўлмоқ | 38 | فَعْلَى | طَغْوَى | адашмоқ |
| 19 | فَعَلَةٌ | غَلَبَةٌ | ғалаба қилмоқ | 39 | فِعْلَى | ذِكْرَى | эсламоқ |
| 20 | فَعْلَةٌ | جَلْسَةٌ | бир ўтирмоқ | 40 | فُعْلَى | بُشْرَى | суюнтирмоқ |

### *Масодири манҳута*

Бир неча калималардан тузилган жумлаларнинг баъзи ҳарфлари иштирокида ясалган масдарлар ***масодири манҳута*** (йўнма масдарлар) деб аталади? Масалан:

بسم الله الرحمن الرحيم дан بَسْمَلَةٌ феъли _ بَسْمَلَ
اَلْحمدُ لله дан حَمْدَلَةٌ феъли _ حَمْدَلَ
صَلَّى اللهُ عليه و سلَّم дан صَلْوَلَةٌ феъли _ صَلْوَلَ
لا حَوْلَ و لا قُوَّةَ إلا بالله дан حَوْقَلَةٌ феъли _ حَوْقَلَ
ما شَاءَ اللهُ كانَ дан مَشْكَنَةٌ феъли _ مَشْكَنَ
سُبْحان الله дан سَبْحَلَةٌ феъли _ سَبْحَلَ
جُعِلْتُ فداكَ дан جَعْفَلَةٌ феъли _ جَعْفَلَ
أَطَالَ اللهُ بَقَاءَكَ дан طَلْبَقَةٌ феъли _ طَلْبَقَ
أَدَامَ اللهُ عِزَّكَ дан دَمْعَزَةٌ феъли _ دَمْعَزَ
حَسْبُنا اللهُ و نِعْمَ الْوَكيلُ дан حَسْبَلَةٌ феъли _ حَسْبَلَ

حَيَّ عَلَى الصَّلاة   дан   حَيْعَلَةٌ   феъли _ حَيْعَلَ
لا إله إلاَّ اللّهُ   дан   هَيْلَلَةٌ   феъли _ هَيْلَلَ

## *22 _ ДАРС*   الـــدرس الــثا نى و الــعـــشـــرون

### *ИСМИ ФОИЛ*

***Исми фоил*** _ иш-ҳаракатни қилувчи маъносидаги махсус ясалган исмдир? Ўзбекчада қилувчи отига "увчи" ва "ган" қўшимчалари қўшилади: ёзувчи– ўқувчи– олган– кўрган каби?

Сулосий мужарраднинг барча бобларида исми фоил бир хил _ **فَـــاعِـــلٌ** вазнида бўлади:

نَطَقَ (и) نَاطِقٌ (сўзловчи)–   خَلَقَ (у) خَالِقٌ (яратувчи)–   قَرَأَ (а) قَارِئٌ (ўқувчи)–
سَمِعَ (а) سَامِعٌ (тингловчи)–   وَرِثَ (и) وارِثٌ (мерос олувчи)–   كَمُلَ (у) كَامِلٌ (комил)?

Сулосий мужарраддан бошқа боблар исми фоили  музореъ феълидан ясалади? Бунинг учун музораъат ҳарфининг ўрнига заммали *мим* қўйилади ҳамда охирги ҳарфидан олдинги ҳарф касрали айтилади: يُكْرِمُ   مُكْرِمٌ – يَتَكَبَّرُ   مُتَكَبِّرٌ – يُدَحْرِجُ   مُدَحْرِجٌ – يَتَصَلْصَلُ   مُتَصَلْصِلٌ

***Сулосий мазийдлар исми фоили***

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | يُفْعِلُ | مُفْعِلٌ | مُؤْمِنٌ | 7 | يَفْعَالُّ | مُفْعَالٌّ | مُسْوَادٌّ |
| 2 | يُفَعِّلُ | مُفَعِّلٌ | مُدَرِّسٌ | 8 | يَتَفَعَّلُ | مُتَفَعِّلٌ | مُتَفَكِّرٌ |
| 3 | يُفَاعِلُ | مُفَاعِلٌ | مُوَافِقٌ | 9 | يَتَفَاعَلُ | مُتَفَاعِلٌ | مُتَغَافِلٌ |
| 4 | يَفْتَعِلُ | مُفْتَعِلٌ | مُجْتَهِدٌ | 10 | يَسْتَفْعِلُ | مُسْتَفْعِلٌ | مُسْتَغْفِرٌ |
| 5 | يَنْفَعِلُ | مُنْفَعِلٌ | مُنْكَشِفٌ | 11 | يَفْعَوْعِلُ | مُفْعَوْعِلٌ | مُحْدَوْدِبٌ |
| 6 | يَفْعَلُّ | مُفْعَلٌّ | مُسْوَدٌّ | 12 | يَفْعَوِّلُ | مُفْعَوِّلٌ | مُجْلَوِّزٌ |

***Рубоъий бобларининг исми фоили***

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | يُفَعْلِلُ | مُفَعْلِلٌ | مُتَرْجِمٌ | 2 | يَفْعَنْلِلُ | مُفْعَنْلِلٌ | مُحْرَنْجِمٌ |
| 1 | يَتَفَعْلَلُ | مُتَفَعْلِلٌ | مُتَزَلْزِلٌ | 3 | يَفْعَلِلُّ | مُفْعَلِلٌّ | مُطْمَئِنٌّ |

***Исми фоил тусланиши***

| | Музаккар | Муаннас |
|---|---|---|
| Муфрад | فَاعِلٌ | فَاعِلَةٌ |
| Тасния | فَاعِلاَنِ | فَاعِلَتَانِ |
| Жамъ | فَاعِلُونَ | فَاعِلاَتٌ |

***فَاعِلٌ да ўзгаришлар***

1? *Фо*си ҳамзали калималарда ҳамза хатда ёзилмайди: أَخَذَ   أَاخِذٌ   آخِذٌ ?

2? Музоъафларда идғом қилинади: فَارِرٌ   فَارٌّ – رَادِدٌ   رَادٌّ ?

3? Ажвафларда иллат ҳарфи зоида *алиф*дан кейин бўлгани учун ҳамзага қалб қилинади:
بَايِعٌ   بَائِعٌ (сотувчи)– خَاوِفٌ   خَائِفٌ (қўрқувчи)– قَاوِلٌ   قَائِلٌ (сўзловчи)?

4? Охири иллат ҳарфи бўлса:

а) касра ва замма иллат ҳарфига оғир бўлгани учун сокин қилинади:
الرَّامِيُ   الرَّامِى (отувчи) – اَلدَّاعِوٌ   اَلدَّاعِيُ   الدَّاعِى (чақирувчи)?

б) замма ва касра сокин қилингач– икки сокин _ *ё* ва *танвин нун*и бир жойда бўлиб қолгани учун ҳарфи иллат *ё* ҳазф қилинади:
رَامِيُنْ   رَامِيْ نْ   رَامٍ – رَاوِيُنْ   رَاوِيْ نْ   رَاوٍ ?

*63 _ машқ? Қуйидаги феъллардан исми фоиллар ясанг?*

– اِعْــوَجَّ – اَحْــرَ – عَايَنَ – نَجَّمَ – اَكَلَ – مَشَى – عَبَدَ – مَرَّ – اِلْتَفَتَ – نَامَ – تَمَّمَ – تَعَلَّمَ – اِحْتَرَمَ – قَمَطَ – حَشَّ – كَسَرَ
اِسْتَيْقَظَ

*64 _ машқ? Қуйидаги исми фоилларнинг феълларини аниқланг?*

جَاذِبَةٌ – مَائِلٌ – مُسْلِمٌ – مُتَرَدِّدٌ – مُسَافِرٌ – مُمْكِنٌ – فَاشٍ – مَادَّةٌ – وَادٍ – دَائِرٌ – مُجَاهِدٌ – صَافٍ – مُنَقِّدٌ – مُعَاوِنٌ – مُعَلِّمٌ –شَاعِرٌ

? عَالٍ – طَالِعٌ – مُعْجِزَةٌ – نَائِبٌ – عَاشِقٌ – قَاعِدَةٌ – مُخْلِصٌ – رَاضٍ – مُخْبِرٌ – مُعْتَدِلٌ – لاَئِقٌ – مُنَاسِبٌ –

## ҚЎШИМЧА ДАРС اَلتَّذْيِيل

### *Мазийдлар исми фоилларидаги ўзгаришлар*

Мазийдларнинг исми фоилларида музореъ феъли маълумида бўлган ўзгаришлар айнан содир бўлади (охири иллат ҳарфлилардан бошқаларда)?

| Боб | Мозий | Асл музореъ | Музореъ | | Исми фоил | Маъно |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 (боб) | [أَيْسَرَ] | يُيْسِرُ | يُوْسِرُ | _ | مُوْسِرٌ | (бой) |
| | [أَقَرَّ] | يُقْرِرُ | يُقِرُّ | _ | مُقِرٌّ | (иқрор) |
| | [أَقَامَ] | يُقْوِمُ | يُقِيْمُ | _ | مُقِيْمٌ | (яшовчи) |
| 4 | [اِعْتَمَّ] | يَعْتَمِمُ | يَعْتَمُّ | _ | مُعْتَمٌّ | (саллали) |
| | [اِحْتَالَ] | يَحْتَيِلُ | يَحْتَالُ | _ | مُحْتَالٌ | (ҳийлакор) |
| 5 | [اِنْقَضَّ] | يَنْقَضِضُ | يَنْقَضُّ | _ | مُنْقَضٌّ | (тўкилган) |
| | [اِنْقَادَ] | يَنْقَوِدُ | يَنْقَادُ | _ | مُنْقَادٌ | (эргашувчи) |
| 6 | [اِحْمَرَّ] | يَحْمَرِرُ | يَحْمَرُّ | _ | مُحْمَرٌّ | (қизарган) |
| 10 | [اِسْتَمَرَّ] | يَسْتَمْرِرُ | يَسْتَمِرُّ | _ | مُسْتَمِرٌّ | (давомли) |
| | [اِسْتَقَامَ] | يَسْتَقْوِمُ | يَسْتَقِيْمُ | _ | مُسْتَقِيْمٌ | (тўғри) |

Охири иллат ҳарфли феъллар исми фоилида иллат ҳарфига замма ва касра оғир бўлгани учун сокин қилинади ва касра танвини билан тугалланган вақтида *ё* ҳазф қилинади:

| Боб | Музореъ | | Асл | | Исми фоил | = | Маърифа | Маъно |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | يُرْضِى | _ | مُرْضِيٌ | | مُرْضٍ | = | اَلْمُرْضِى | (рози қилувчи) |
| 2 | يُرَبِّى | _ | مُرَبِّيٌ | | مُرَبٍّ | = | اَلْمُرَبِّى | (тарбиячи) |
| 3 | يُنَادِى | _ | مُنَادِيٌ | | مُنَادٍ | = | اَلْمُنَادِى | (чақирувчи) |
| 4 | يَرْتَشِى | _ | مُرْتَشِيٌ | | مُرْتَشٍ | = | اَلْمُرْتَشِى | (порахўр) |
| 5 | يَنْجَلِى | _ | مُنْجَلِيٌ | | مُنْجَلٍ | = | اَلْمُنْجَلِى | (равшан) |
| 8 | يَتَمَنَّى | _ | مُتَمَنِّيٌ | | مُتَمَنٍّ | = | اَلْمُتَمَنِّى | (орзуманд) |
| 9 | يَتَدَاوَى | _ | مُتَدَاوِيٌ | | مُتَدَاوٍ | = | اَلْمُتَدَاوِى | (даволанувчи) |
| 10 | يَسْتَحْيِى | _ | مُسْتَحْيِيٌ | | مُسْتَحْيٍ | = | اَلْمُسْتَحْيِى | (уятчан) |
| 11 | يَحْلَوْلِى | _ | مُحْلَوْلِيٌ | | مُحْلَوْلٍ | = | اَلْمُحْلَوْلِى | (ширин бўлган) |

### *Исми фоил жамълари*

Ақл эгаси бўлган музаккарларнинг атоқли оти (алам) ёки сифати бўлган исми фоиллар жамъи музаккари солим усулида жамъ қилинади:

? مُجْتَهِدُونَ _ مُجْتَهِدٌ – مُدَرِّسُونَ _ مُدَرِّسٌ – عَابِدُوْنَ _ عَابِدٌ – كَاظِمُونَ _ كَاظِمٌ

Муаннасларнинг алам ва сифатлари жамъи муаннаси солимга жамъ қилинади:

? مُعَلِّمَاتٌ _ مُعَلِّمَةٌ – كَاتِبَاتٌ _ كَاتِبَةٌ – عَائِشَاتٌ _ عَائِشَةٌ – فَاطِمَاتٌ _ فَاطِمَةُ

### فَاعِلٌ *нинг жамъи таксирлари*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| فُعَّالٌ _ عُبَّادٌ | فُعَّلٌ _ رُكَّعٌ | فُعَلَةٌ _ قُضَاةٌ | فَعَلَةٌ _ مَهَرَةٌ | فَعَلٌ _ خَدَمٌ | فَعْلٌ _ صَحْبٌ |
| فَوَاعِلُ _ تَوَابِعُ | اَفْعَالٌ _ اَنْصَارٌ | فُعَلاَءُ _ شُعَرَاءُ | فَعْلَى _ هَلْكَى | فُعْلاَنٌ _ رُكْبَانٌ | فُعُولٌ _ قُعُودٌ |

**فَــعَــلَــةٌ**

Бу вазнда кўпроқ ажвафлар исми фоили жамъ қилинган:

بَائِعٌ _ بَاعَةٌ (сотувчилар)– صَائِغٌ _ صَاغَةٌ (заргарлар)– قَائِدٌ _ قَادَةٌ (етакчилар)?

Бошқа турлардан ҳам шу вазнда жамъ қилинган:

عَامِلٌ _ عَمَلَةٌ (ишчилар)– كَافِرٌ _ كَفَرَةٌ (кофирлар)?

**فُــعَــلَــةٌ**

Бу вазнда кўпроқ ноқислар исми фоили жамъ қилинган:

قَاضٍ _ قُضَاةٌ (қозилар)– نَاجٍ _ نُجَاةٌ (наҳвчилар)– عَارٍ _ عُرَاةٌ (яланғочлар)?

### فَـــوَاعِـــلُ

Бу вазнда фақат исми фоилнинг муаннасигина жамъ қилинади:

شَاهِدَةٌ _ شَوَاهِدُ (гувоҳлар)– سَائِلَةٌ _ سَوَائِلُ (оқувчилар)– كَافِرَةٌ _ كَوَافِرُ (кофирлар)?

فَاعِلٌ вазнидаги музаккар исм _ сифат бўлмай– нарса оти бўлса бу вазнга жамъ қилинса бўлади:

كَاهِلٌ _ كَوَاهِلُ (елкалар)– سَاحِلٌ _ سَوَاحِلُ (қирғоқлар)– نَادٍ _ نَوَادٍ (мажлислар)?

*65 _ машқ? Қуйидаги исми фоилларнинг жамъларини топинг?*

زَائِدَةٌ – قَاصٌّ – شَابٌّ – فَاسِقٌ – رَاكِبٌ – زَارِعٌ – طَاغٍ – حَارِسٌ – عَادِلٌ – شَاهِدٌ – جَاهِلٌ – عَالِمٌ – وَاشٍ – تَابِعٌ – حَاجٌّ –تَاجِرٌ

*66 _ машқ? Қуйидаги феъллардан исми фоиллар ясанг?*

تَجَافَى – اِغْتَرَّ – اِسْتَجَابَ – اِحْتَاجَ – اِتَّصَلَ – اِشْتَاقَ – جَوَّدَ – عَادَى – اِخْتَارَ – أَسَرَّ – تَلَهَّى – أَرْدَى – أَنَارَ – صَلَّى – أَرَادَ –تَوَلَّى

## *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН* لـــلـــمـــطـــالـــعـــة

### فَاعِلٌ *вазнидаги бошқа исмлар*

### *Нарсалар оти*

Бир феъл масдаридан бирор иш-ҳаракатни қилувчи шахс учун алоҳида ясалмасдан– мутлақ бир нарсанинг отини англатган فَاعِــلٌ вазнидаги исмлар ҳам учраб туради? Улар иттифоқо шу вазнда қурилган ёки аслида масдардан олинган бўлиб– кейинчалик сифатлик маъноси унутилган ва нарса отига айланган исмлардир:

سَاحِلٌ (соҳил)– شَاطِئٌ (қирғоқ)– سَاعِدٌ (билак)– وَادٍ (водий)– نَادٍ (мажлис)–
شَارِبٌ (мўйлов)– حَاجِبٌ (қош)– كَاهِلٌ (елка)– جَانِبٌ (тараф)?

### *Жомид исмлардан олинган* فَاعِلٌ

Бир нарсанинг шахсга нисбатини ифодалаш учун ҳам فَاعِلٌ вазнида исм ясалади:

لَبَنٌ _ لاَبِنٌ (сутфуруш)– خُبْزٌ _ خَابِزٌ (новвой)– لَحْمٌ _ لاَحِمٌ (қассоб)–
تَمْرٌ _ تَامِرٌ (хурмофуруш)– رِجْلٌ _ رَاجِلٌ (пиёда)– نَعْلٌ _ نَاعِلٌ (туфлили)?

### *Муаннасга хос исмлар*

Аёлларга хос сифатларга далолат қилган исми фоилларга *тои таънис* қўшилмайди:

حَائِضٌ (ҳайзли)– حَامِلٌ (ҳомиладор)– مُرْضِعٌ (эмизувчи)– طَالِقٌ (талоқ бўлган)?

## *23 _ ДАРС* الـــدرس الـــثـــالـــث و الـــعـــشـــرون

## *ИСМИ МАФЪУЛ*

Устига иш-ҳаракат тушган нарсани ифодалаш учун масдардан ясалган сўз ***исми мафъул*** дейилади? Исми мафъул мутаъаддий (ўтимли) феъллардангина ясалади?

Исми мафъул сулосий мужаррaддан **مَــفْــعُــوْلٌ** вазнида ясалади: مَكْتُــوبٌ (ёзилган хат)– مَفْتُــوحٌ (очилган)?

Сулосий мужаррaддан бошқаларда исми мафъул музореъ феълининг мажҳулидан ясалади? Бунинг учун музораъат ҳарфи ўрнига заммали мим қўйилади ва охиргидан олдинги ҳарфи фатҳали бўлади: يُخْرَجُ _ مُخْرَجٌ (чиқарилган)– يُحْتَرَمُ _ مُحْتَرَمٌ (ҳурматли)?

### *Сулосий мазийдлар исми мафъули*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | يُفْعَلُ | مُفْعَلٌ | مُقْفَلٌ | 7 | يُفْعَالُّ | مُفْعَالٌّ | مُسْوَادٌّ |
| 2 | يُفَعَّلُ | مُفَعَّلٌ | مُرَكَّبٌ | 8 | يُتَفَعَّلُ | مُتَفَعَّلٌ | مُتَعَلَّمٌ |
| 3 | يُفَاعَلُ | مُفَاعَلٌ | مُشَاتَمٌ | 9 | يُتَفَاعَلُ | مُتَفَاعَلٌ | مُتَرَادَفٌ |
| 4 | يُفْتَعَلُ | مُفْتَعَلٌ | مُكْتَسَبٌ | 10 | يُسْتَفْعَلُ | مُسْتَفْعَلٌ | مُسْتَرْجَعٌ |
| 5 | يُنْفَعَلُ | مُنْفَعَلٌ | مُنْصَرَفٌ | 11 | يُفْعَوْعَلُ | مُفْعَوْعَلٌ | مُحْقَوْقَبٌ |
| 6 | يُفْعَلُّ | مُفْعَلٌّ | مُعْوَجٌّ | 12 | يُفْعَوَّلُ | مُفْعَوَّلٌ | مُجْلَوَّزٌ |

### *Рубоъийларнинг исми мафъули*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | يُفَعْلَلُ | مُفَعْلَلٌ | مُتَرْجَمٌ | 2 | يُفْعَنْلَلُ | مُفْعَنْلَلٌ | مُحْرَنْجَمٌ |
| 1 | يُتَفَعْلَلُ | مُتَفَعْلَلٌ | مُتَزَلْزَلٌ | 3 | يُفْعَلَلُّ | مُفْعَلَلٌّ | مُقْشَعَرٌّ |

***Исми мафъул тусланиши***

| | Музаккар | Муаннас |
|---|---|---|
| Муфрад | مَفْعُوْلٌ | مَفْعُوْلَةٌ |
| Тасния | مَفْعُوْلاَنِ | مَفْعُوْلَتَانِ |
| Жамъ | مَفْعُوْلُونَ | مَفْعُوْلاَتٌ |

***مَفْعُولٌ даги ўзгаришлар***

1? Ажвафларда исми мафъули асл вазнга кўра مَبْيُوعٌ ва مَخْوُوفٌ каби бўлиши керак– лекин:

а) иллат ҳарфига замма оғир бўлгани учун олдидаги соғ ҳарфга кўчирилади:

مَخْوُوْفٌ مَخُوْوْفٌ – مَبْيُوْعٌ مَبُيْوْعٌ

б) икки сокин бир жойда бўлиб қолгани учун кейинги *вов* ( مَفْعُــولٌ даги зоида *вов*) ҳазф қилинади: مَبُيْوْعٌ مَبُيْعٌ – مَخُوْوْفٌ مَخُوْفٌ

ж) *вов*лик ажваф مَخُــوْفٌ шу бўйича қолади– *ё*лик ажваф مَبُيْــعٌ да *ё*га мувофиқ бўлиши учун олдидаги замма касра қилинади: مَبُيْعٌ مَبِيْعٌ ?

Демак– *ё*лик ажвафлар исми мафъули مَــفِــعْــلٌ вазнида– *вов*лик ажвафларники эса مَــفُــعْــلٌ вазнида бўлар экан?

2? Охири иллат ҳарфли бўлса– *ё*лик феъллар исми мафъули асл вазнга кўра مَــشْوُوْيٌ – مَرْمُــوْيٌ каби бўлиши керак– лекин:

а) *вов* ва *ё* калима охирида жамъ бўлиб қолгани учун *вов* ҳам *ё*га қалб қилинади:

مَرْمُوْيٌ مَرْمُيْيٌ

б) икки *ё* идғом қилинади: مَرْمُيْيٌ مَرْمُيٌّ

ж) *Ё*га мос бўлиши учун замма касрага алмаштирилади: مَرْمُيٌّ مَرْمِيٌّ ?

Демак– охири *ё*лик феъллар исми мафъули مَــفْــعِــيْــلٌ вазнида бўлади? Охири *вов*лик феъллар исми мафъулида *вов* مَفْعُوْلٌ нинг зоида *вов*ига идғом қилинади: مَدْعُوْوٌ مَدْعُوٌّ ?

*67 _ машқ? Қуйидаги феъллардан исми мафъуллар ясанг?*

تَدَارَكَ – عَفَى – ذَاقَ – صَادَ – مَحَى – طَوَى – سَأَلَ – مَدَّ – خَاطَ – حَفِظَ – كَسَرَ – وَجَدَ – اَخَذَ – قَالَ – بَرَى – شَرِبَ –قَرَأَ

*68 _ машқ? Қуйидаги исми мафъулларнинг феълларини топинг?*

مَخْفِيٌّ – مُؤَسَّسَةٌ – مَشْؤُوْمٌ – مَأْيُوسٌ – مَخْصُوْصٌ – مُفْرَدٌ – مُزَيَّنٌ – مَأْمُوْرَاتٌ – مَوْضُوْعٌ – مَرْجُوٌّ – مُثْبَتٌ – مَجْبُوْرٌ – مَبْنِيٌّ –مَنْظُوْرٌ

## ҚЎШИМЧА ДАРС اَلــتَّــذْيِــيْــلُ

### *Мазийдлар исми мафъулларида ўзгаришлар*

Мазийдларнинг исми мафъулларида музореъсининг мажҳулида ўзгаришига сабаб бўлган қонунлар қўлланилади?

***Музоъаф***

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | [أُسِرَّ] | يُسْرَرُ | يُسَرُّ | ? | مُسْرَرٌ | مُسَرٌّ | (сирдош) |
| 3 | [حُوبَّ] | يُحَابَبُ | يُحَابُّ | ? | مُحَابَبٌ | مُحَابٌّ | (дўстлашилган) |
| 4 | [أُغْتُرَّ] | يُغْتَرَرُ | يُغْتَرُّ | ? | مُغْتَرَرٌ | مُغْتَرٌّ | (алданган) |
| 5 | [أُنْجُرَّ] | يُنْجَرَرُ | يُنْجَرُّ | ? | مُنْجَرَرٌ | مُنْجَرٌّ | (судралган) |
| 10 | [أُسْتُحِبَّ] | يُسْتَحْبَبُ | يُسْتَحَبُّ | ? | مُسْتَحْبَبٌ | مُسْتَحَبٌّ | (маъқулланган) |

Исми фоил билан исми мафъулни ажратиб турадиган белги _ охиргидан олдинги ҳарфининг касрали ёки фатҳали бўлишидир? Музоъафларда эса бу ҳарф сокин қилиниб– кейинги ҳарфга идғом қилинади? Шунинг учун бу боблар музоъафида исми фоил ва исми мафъул бир-биридан фарқсиз кўринишда бўлади: مُغْتَرٌّ (مُغْتَرِرٌ) алдамчи– مُغْتَرٌّ (مُغْتَرَرٌ) алданган?

Фақат ифъол ва истифъол бобларидагина биринчининг ҳаракати олдига кўчирилгани учун исми фоил билан исми мафъул фарқланиб туради: مُقِرٌّ (مُقْرِرٌ) _ иқрор бўлган– مُقَــرٌّ (مُقْــرَرٌ) _ иқрор қилинган (айб)– مُسْتَحِبٌّ (مُسْتَحْبِبٌ) _ маъқулловчи– مُسْتَحَبٌّ (مُسْتَحْبَبٌ) _ маъқулланган?

### *Ажваф*

1 [أُرِيدَ] يُرْوَدُ يُرَادُ ? مُرْوَدٌ مُرَادٌ (қасд қилинган)

4 [أُصْطِيدَ] يُصْطَيَدُ يُصْطَادُ ? مُصْطَيَدٌ مُصْطَادٌ (овланган нарса)

5 [أُنْقِيسَ] يُنْقَيَسُ يُنْقَاسُ ? مُنْقَيَسٌ مُنْقَاسٌ (қиёс қилинган)

10 [أُسْتُعِينَ] يُسْتَعْوَنُ يُسْتَعَانُ ? مُسْتَعْوَنٌ مُسْتَعَانٌ (ёрдам берилган)

Ҳаракатли бўлган *вов* ва *ё*нинг олдидаги ҳарф фатҳали бўлса *алиф*га қалб қилинади– шу қонунга кўра айнининг олдидаги ҳарфи фатҳали бўлган ифтиъол ва инфиъол бобларида исми фоил билан исми мафъул бир хил кўринишда бўлиб қолади: (مُغْتَيِبٌ) مُغْتَابٌ _ ғийбатчи– (مُغْتَيَبٌ) مُغْتَابٌ _ ғийбат қилинган?

### *Ноқис*

Ноқислар ва охири иллат ҳарфли бошқа турларнинг исми мафъулларида:

а) иллат ҳарфининг олдидаги ҳарф фатҳали бўлгани учун иллат ҳарф *алиф*га қалб қилинади:

اَلْمَهْدَيُ اَلْمَهْدَى – اَلْمُصْطَفَيُ اَلْمُصْطَفَى ?

б) танвин билан тугалланган шаклида иллат ҳарф *алиф*га алмашгач– икки сокин _ *алиф* ва *танвин нуни* бир жойда бўлиб қолгани учун *алиф* ҳазф бўлади:

1 مُهْدَيٌ مُهْدَى نْ مُهْدًى (ҳадя қилинган)

2 مُسَوَّيٌ مُسَوَّى نْ مُسَوًّى (текисланган)

3 مُرَاعَيٌ مُرَاعَى نْ مُرَاعًى (риоя қилинган)

4 مُصْطَفَيٌ مُصْطَفَى نْ مُصْطَفًى (сараланган)

8 مُتَلَقَّيٌ مُتَلَقَّى نْ مُتَلَقًّى (қабул қилинган)

10 مُسْتَدْعَيٌ مُسْتَدْعَى نْ مُسْتَدْعًى (чақирилган)

### *Исми мафъул жамълари*

Ақлга эга музаккарнинг номи ёки сифати бўлган исми мафъуллар *жамъи музаккари солим* усулида жамъ қилинади: مُحَمَّدٌ _ مُحَمَّدُونَ – مَنْدُوبٌ _ مَنْدُوبُونَ ?

Муаннаслар номи ва сифати *алиф то* билан жамъ қилинади:

مَطْلُوبَةٌ _ مَطْلُوبَاتٌ – مَحْبُوبَةٌ _ مَحْبُوبَاتٌ ?

Жонсиз ва ақлсиз нарсаларга далолат қилган музаккар исми мафъуллар ҳам *жамъи муаннаси солим*га жамъ қилинади: مَأْكُولٌ _ مَأْكُولاَتٌ (емиш)– مَعْلُومٌ _ مَعْلُومَاتٌ (билим) ?

### *Жамъи таксир*

مَفْعُولٌ ёки مُفْعَلٌ вазнидаги исми мафъуллар баъзи исмларда مَـفَـاعِـيْـلُ вазнида жамъ қилинади:

مَلْعُونٌ _ مَلاَعِينُ – مُنْكَرٌ _ مَنَاكِيرُ ?

*69 _ машқ? Қуйидаги исми мафъулларнинг феълларини топинг?*

مُجْمَلٌ– مُوَقَّةٌ – مُبْتَلًى – مُعَلَّقٌ – مُعَمًّى – مُضَافَاتٌ – مُدَّعًى – مُكَافَأَةٌ – مُرَبًّى – مُسْتَثْنًى – مُطْلَقٌ – مُخْتَصَرٌ – مُكَمَّلٌ – مُنْتَظَمٌ ?

*70 _ машқ? Қуйидаги феълларнинг исми фоил ва исми мафъулларини топинг?*

قَلْقَلَ– اِسْتَقَلَّ – قسَّرَ – غَضِبَ – اِكْتَرَى – اِغْتَالَ – اَنَامَ – اَلَحَّ – جَدَّدَ – اَطَاعَ – صَافَى – تَوَفَّى – اَخَافَ – اِمْتَنَّ – اِسْتَعَارَ – اِسْتَشَارَ

## *МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН* لـلـمـطـالـعـة

### فَـعِـيْـلٌ *вазнидаги исми мафъул*

Сулосий мужаррад исми мафъули فَعِيلٌ вазнида ҳам келади:

مَقْتُولٌ = قَتِيلٌ – مَجْرُوحٌ = جَرِيحٌ – مَجْمُوعٌ = جَمِيعٌ – مَكْرُوهٌ = كَرِيهٌ кабн?

Бу вазндаги исми мафъуллар музаккар ва муаннас учун муштаракдир:

هذا الرَّجُلُ جَرِيحٌ – هذه الْمَرْأَةُ جَرِيحٌ каби?

Ушбу вазндаги исми мафъуллар кўпинча فَعْلَى вазнида жамъ қилинади:

قَتِيلٌ _ قَتْلَى – جَرِيحٌ _ جَرْحَى каби?

### *Лозим феъллар исми мафъули*

Устига бир иш-ҳаракат тушган нарсани ифодаловчи исми мафъул мутаъаддий феъллардангина ясалади– чунки лозим феъллар қилувчидан бошқага таъсир этмайдиган– бирор нарса устига

тушмайдиган ҳаракатга далолат қилади? Лозим феъллар бирор кўмакчи ҳарф ёрдамида мутаъаддийга айланади– шу қоида бўйича мутаъаддий бўлган лозим феъллардан исми мафъул ясалиши мумкин:

ذَهَبَ (кетди) : ذُهِبَ بِهِ _ مَذْهُوبٌ بِهِ (кетказилган)

دَخَلَ (кирди) : دُخِلَ فِيهِ _ مَدْخُولٌ فِيهِ (унга киргизилган)

زَادَ (қўшди) : زِيدَ عَلَيْهِ _ مَزِيدٌ عَلَيْهِ (устига қўшилган)

## *24 _ ДАРС* الدرس الرابع و العشرون

### *СИФАТИ МУШАББАҲА*

Қилувчи ўз ҳаракати ва иродаси билан бажарадиган феъллардан исми фоил ясалади? Иш-ҳаракатнинг вужудга келишида манба бўлган нарса уни ўз қасди билан пайдо қилмаса– балки иш-ҳаракат унда пайдо бўладиган ва унда давом қиладиган бир ҳолатдан иборат бўлса– бундай феълдан исми фоил ясаш мумкин эмас? Масалан: "чанқади" маъносидаги عَطِشَ феълидан عَاطِشٌ ёки "хурсанд бўлди" маъносидаги فَرِحَ дан فَارِحٌ каби исми фоил ясалмайди? Бу каби бир ҳолат ёки табиий сифатларга далолат қилувчи феъллардан ***сифати мушаббаҳа*** ясалади?

Сифати мушаббаҳа умумий бир вазнда келган эмас– шунинг учун ҳар бир феълнинг сифати мушаббаҳаси шу феъл масдари билан бирга алоҳида луғат каби ёдда сақланади: فَرِحَ يَفْرَحُ فَرَحًا فَهُوَ فَرِحٌ – حَزِنَ يَحْزَنُ حَزَنًا فَهُوَ حَزِينٌ – حَسُنَ يَحْسُنُ حَسَنًا فَهُوَ حَسَنٌ каби?

#### *Сифати мушаббаҳанинг машҳур вазнлари*

فَعِلٌ

Муаннаси فَعِلَةٌ – кўпроқ 4 ва 5 боб феълларидан олинади:

